

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133-141 (Навоий)**

ГУЛОВА АНОРГУЛ АХТАМОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИДА
УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСАЛАЛАРИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Сафарова Нигора Олимовна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бухоро - 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСАВВУФИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	
I.1. Алишер Навоий ҳаёти, тасаввуфий мероси ва уни ўрганишнинг назарий манбалари.....	15
I.2. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларининг фалсафий методологик асослари.....	26
II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
II.1. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида орифлик категорияси контекстида илм ва маърифат, тенглик ва эркинликнинг фалсафий-аксиологик таҳлили.....	50
II.2. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида ахлоқий қадриятлар.....	74
II.3. Сабр, тавозе ва одиллик тушунчаларининг умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни.....	90
III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ	
III.1. Ёшларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда Навоий қарашларининг аҳамияти.....	110
III.2. Алишер Навоий меросининг Янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашдаги таъсири.....	128
ХУЛОСА.....	149
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	153
ИЛОВА.....	164

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон халқлари тафаккурининг ривожига ислом фалсафаси таркибий қисми сифатида вужудга келган тасаввуф фалсафаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси ва онтологик (борлиқ ва йўқлик, фоний-боқий, олам ва одам) ҳамда гносеологик (илм, олим ва амал) қарашлари ва кишиларни мутлақ баркамолликка ундовчи маънавий-руҳоний, диний-ирфоний билим ва илмий-фалсафий ғоялари ва тасаввуфий таълимотида умуминсоний қадриятлар маънавий категория сифатида иррационал аҳамият касб этувчи концепция сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу қарашларда инсон борлиги чуқур таҳлил этилган, бу эса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг диний ва дунёвий билимларини янада такомиллаштиришда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида илмий-фалсафий мерос ривожига тарихига улкан ҳисса қўшган тасаввуф намоёндаларининг илмий-амалий фаолияти, уларга тегишли маънавий меросни ижтимоий ҳаёт соҳаларига тадбиқ қилишга бағишланган кўпгина тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Алишер Навоийнинг ирфоний, тасаввуфий қарашларини умуминсоний қадриятлар тизимида қиёсий тадқиқ этиш ва ҳозирги маънавий тараққиёт жараёнидаги фалсафий моҳиятини очиқ бериш, ижтимоий-ахлоқий мазмунини ёритиш юзасидан аксеологик концепцияларни ишлаб чиқиш ҳамда аллома тасаввуфий меросида мавжуд ёндашувлар замирида замонавий ахлоқий тарбияни яратиш, комилликка етишишга оид қарашларини инновацион методлар воситасида тизимли фалсафий тадқиқ қилиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида вояга етказиш, ёш авлодни буюк келажак яратувчилари қилиб тарбиялашга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. “Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва қобилиятини намоён этиши учун барча

шароитларни яратмоқдамиз. Зеро, бутун халқимиз қатори ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир!”¹ Шу жихатдан, мутафаккир тасаввуфий карашларида илгари сурилган умуминсоний қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги конструктив аҳамиятини тарихий-фалсафий жихатдан тадқиқ этиш долзарб илмий-тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда соҳага тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган вазифаларни амалиётга тадбиқ этишда ушбу диссертация маълум маънода хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 54.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижодиёти бўйича юртимизда ва хорижда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар турли фанлар кесимида амалга оширилган. Жаҳон исломшунослиги ва адабиётшунослигида исломий манбалар ва бадиий адабиётнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида Р.Никольсон, С.Эрнст, Т.Хусайн, С.Нафисий, А.Мец, И.Ю.Крачковский, Б.Фурўзонфар, Е.Э.Бертельс, Ж.Нурбахш, А.Куделин каби олимларнинг монографик тадқиқотларида мазкур мавзуга алоқадор назарий муаммолар, умумлашма ва хулосалар ўз ифодасини топган².

Фалсафа фани доирасида И.Мўминов, М.Муҳиддинов, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов, Ф.Низомов, Г.Наврўзова, А.Хусейнова, Н.Сафарова, доцентлар О.Шарипова, М.Пардаева ўрганган³. Алишер Навоий маънавий-фалсафий

² Nicholson R.A. A Literary History of the Arabs. London, 1903; Ernst C. W. Teachings of Sufism. – London, 1999. – 216 p.; Мец А. Мусульманский Ренессанс. – Москва: Наука, 1973. – 242 б; Крачковский И.Ю. Избранные труды. Т. 1–5. – М. –Л. 1956–1960. – 348 с.; Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. /Таржимон. И.К.Мирзаев-ф.д. –Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2015. 216-б. Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. Избранные труды. Т.3. – Москва: Наука, 1965. – 272 с; Нурбахш Дж. Иисус глазами суфиев. – Москва: Мистика, 2002. – 246 с; Куделин А. Арабская литература: поэтика, стилистика, взаимосвязи. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – 196 с.

³ Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. – Москва: Знание, 1966. – 47 с.; Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Фан, 1999. – 254 б.; Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси / “Хамса”ларнинг биринчи дostonлари асосида/: Филол.фанлари доктори...дисс.автореф. –Тошкент: 1995. – 268 б.; Хайруллаев М.М. Навоий дунёқарашининг ғоявий манбаларини ўрганиш ҳақида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 196 б.; Алиқулов Х. Социально-утопические идеи в Средней Азии. –Тошкент: Фан, 1983. – 198 б.; Алиқулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. –Тошкент: Фан, 1992. – 97 б; Низомов Ф. Алишер Навоий дунёқарашида умуминсоний қадриятлар муаммоси: Фалс. фанлари номз...дисс. –Тошкент: 1996. –146 б.; Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. –Тошкент: Фан, 2005. – 236 б; Хусейнова А. Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдурахмана Джами: дис.на соискание ученой степени кандидата философских наук. –Тошкент: 1994. –136 б; Сафарова Н. Хожагон тарикати. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2003. –146 б; Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) –Тошкент: Ношир, 2009. –156 б; Шарипова О. Хўжа Абдуҳолик Гиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлоқий қадриятлар: Фалс. фанлари номз...дисс. – Тошкент: 2010. – 159 б. Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси: Фалс. фанлари номз...дисс. – Тошкент: 2010. – 145 б.

меросини махсус фундаментал тадқиқот доирасида М.Пардаева комил инсон, унинг сифатлари ва табиатини фалсафа тарихи доирасида тадқиқ этиб, ҳозирги кундаги аҳамиятини қиёсий ўрганган. Ушбу тадқиқот умуминсоний қадриятларнинг фалсафий моҳиятини очиб беришда муайян даражада аҳамият касб этди.

Адабиётшуносликда Алишер Навоийнинг бадиий мероси А.Саъдий, Ойбек, М.Шайхзода, О.Шарафиддинов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, С.Ғаниева, В.Зоҳидов, Н.Комилов, И.Ҳаққул, Султонмурод Олим, А.Рустамов⁴ каби адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. “Бухоро давлат музей-қўриқхона фондларидаги Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари каталоги”⁵нинг А.Аҳмедов томонидан яратилиши навоийшунос тадқиқотчилар учун айтиш мумкин бўлди. Диссертация иши давомида ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Сўнги уч йилликда О.Д. Давлатов, Ҳ.П. Эшонқулов, А.А. Раззоқов сингари навоийшунос тадқиқотчилар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Юқорида номлари тилга олинган ва бошқа бир қатор ўзбек, шунингдек, дунё олимларининг илмий тадқиқотлари диссертацияни ёзиш мобайнида инобатга олинди. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлардан фарқли ўлароқ, тадқиқотимизда Алишер Навоийнинг илмий, маънавий мероси, унинг тасаввуф тарихидаги ўрни, аллома тасаввуфий қарашларида умуминсоний қадриятлар масаласи яхлит ҳолда, монографик жиҳатдан ўрганилди.

⁴ Саъдий А. Символизм тўғрисида. –Тошкент.Ўздавнашр, 1932. – 128 б.; Ойбек, Навоий гулшани. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – 218 б.; Шайхзода М. Ғазал мулканинг султони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. – 216 б.; Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1976. –296 б.; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963. – 173 б.; Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Тошкент: Фан, 1970. – 330 б.; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.; Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 333 б.; Зоҳидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. –Ташкент: Из-во худ. литературы Узбекской ССР, 1961. – 575 с.; Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 494 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр-Ўзбекистон, 2009. – 445 б.; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991. – 85 б.; Навоийга қайтиш. –Тошкент: Фан, 2007. – 222 б.; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.; Рустамов А. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. Тошкент: Extremum press. 2010. – 79 б.

⁵ Аҳмедов А. Бухоро давлат музей-қўриқхона фондларидаги Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари каталоги. –Бухоро: Дурдона, 2021. – 86 б.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2021 йй) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларидаги умуминсоний қадриятларнинг гуманистик моҳиятини тарихий-фалсафий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алишер Навоий яшаган давр, ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳитнинг мутафаккир дунёқарашига таъсирини очиб бериш;

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларининг маънавий-руҳоний, диний-ирфоний ва илмий-фалсафий асосларини кўрсатиб бериш;

Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларидаги орифлик категориясини фалсафий тадқиқ қилиш;

мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида одоб-ахлоқ ва аёлнинг ўрни масаласини тадқиқ қилиш;

Навоий асарларида сабр, тавозе, одиллик каби тасаввуфий категорияларининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш ва уларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мутафаккир тасаввуфий қарашларида акс этган умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларидаги умуминсоний қадриятларнинг тарихий-фалсафий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг мантиқийлик ва ворисийлик, тарихийлик, илмий холислик, қиёсий-типологик, анализ, синтез, герменевтика сингари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар (илм ва маърифат, сабр, тавозе (камтаринлик), одиллик, тенглик ҳамда эркинлик)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, диний-тасаввуфий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ўзига хослиги аниқланиб илмий таснифи ишлаб чиқилган;

Навоийнинг ирфоний қарашларидаги орифлик категорияси контекстидаги илм, маърифат, тенглик ва эркинлик категорияларининг мазмун-моҳияти ўрганилиб, улардан фойдаланишнинг зарурати илмий асосланган;

аллома тасаввуфий қарашларининг умуминсоний моҳияти, унинг жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги борасидаги қарашларининг цивилизацион (илмий, маданий, маърифий) аҳамияти очиқ берилган ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда маънавий асос эканлиги исботланган.

Навоий асарларидаги сабр, тавозе, одиллик каби тасаввуфий категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва одоб-ахлоқ, тарбия жараёнидаги субстанционал аҳамияти аниқланган ҳамда Янги Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясидаги маърифий аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ишида илгари сурилган таклифлар, тавсиялар ёш авлодни гуманистик қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга, миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга, аجدодларимиз бой маънавий меросига ҳурматни шакллантиришга, умуминсоний тамойилларни чуқур ўрганишга хизмат қилган.

диссертацияда илгари сурилган таклифлар, тавсиялар ёш авлодни инсонпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

бугунги кунда мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни англаб, фаол бўлиш, касб-хунар эгаллаш, ёшларнинг маънавий дунёқарашилини юксалишида, мафкуравий иммунитетни ортишида, фалсафий мушоҳадасининг кенгайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, далил ва аргументларни таҳлил қилишда тарихийлик ва мантиқийлик, диалектик ёндашув, илмий холислик каби илмий билиш усулларида фойдаланилганлиги, маълумотларнинг асосланган илмий характердаги манбалардан олинганлиги, илмий хулосаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар амалий фаолиятида қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синовдан ўтган билимлар асосида юртимизда баркамол шахс тарбияси учун улуғ мутафаккирларнинг илмий-фалсафий ва маданий-маънавий мероси, хусусан, Алишер Навоий маънавий мероси ҳамда унда ўз аксини топган онтологик ва гносеологик қарашлар, инсон қадри, умр мазмуни, ижтимоий тенглик, одиллик тўғрисидаги ғоялар баён қилинган илмий хулосалардан фалсафа тарихи ҳамда тасаввуф соҳаларидаги илмий тадқиқот ишларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот ишидаги назарий хулоса ва таҳлиллардан “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф”, “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Маънавиятшунослик”, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар тузишда, тасаввуф ҳамда фалсафага оид луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, Республика Маънавият ва

маърифат маркази ҳамда турли ижтимоий институтларнинг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда, телевидение орқали Шарк алломаларининг ғояларини жамоатчиликка тарғиб қилишга йўналтирилган маънавий-маърифий кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий ижоди ва маънавий меросини тадқиқ этиш асосида:

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар (илм ва маърифат, сабр, тавозе (камтаринлик), одиллик, тенглик ҳамда эркинлик)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, диний-тасаввуфий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ўзига хослиги аниқланиб, илмий таснифи ишлаб чиқилган илмий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғибот ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 1 июндаги 02/08-629-сон далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган таклифлар, тавсиялар ёш авлодни гуманистик қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга, миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга, аجدодларимиз бой маънавий меросига ҳурматни шакллантиришга, умуминсоний тамойилларни чуқур ўрганишга хизмат қилган.

Навоийнинг ирфоний қарашларидаги орифлик категорияси контекстидаги илм, маърифат, тенглик ва эркинлик категорияларининг мазмун-моҳияти ўрганилиб, улардан фойдаланишнинг заруратига доир таклиф ва тавсиялардан Маданият вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларда илмий ҳамжамиятни бохабар қилиш мақсадида ташкил этилган илмий-амалий ва методик ўқишларда фойдаланилган. Шунингдек, Навоийнинг тасаввуфий асарлари асосида альбомлар, илмий оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 15 июндаги 05/12-10-2935-сонли далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари

сурилган таклифлар, тавсиялар ёш авлодни инсонпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

аллома тасаввуфий қарашларининг умуминсоний моҳияти, унинг жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги борасидаги қарашларининг цивилизацион (илмий, маданий, маърифий) аҳамияти очиб берилганлиги ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда маънавий асос эканлигига оид хулосалар ва тавсиявий характердаги натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил – миллат кўзгуси” каби бир қатор кўрсатувларини ёритишда унумли фойдаланилган. (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 июлдаги 1/176-сонли маълумотномаси). Натижада, ёшларда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи турли ғоявий-мафкуравий хуружларга қарши миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши, аждодларимиз меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш, маънавий камолотга эришишига хизмат қилган.

Навоий асарларидаги сабр, тавозе, одиллик каби тасаввуфий категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва одоб-ахлоқ, тарбия жараёнидаги субстанционал аҳамияти аниқланганлиги ҳамда Янги Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясидаги маърифий аҳамияти исботланганлигига оид илмий умумлашма ва таҳлиллардан Бухоро вилоят Халқ депутатлари Кенгаши ҳузуридаги жамоатчилик фондининг 2019 йил 6 ноябрдаги № 10-01/3 “Ижтимоий шериклик доирасида Абу Ҳафс Кабир муқаддас қадамжосини ободонлаштириш, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот чораларини амалга ошириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (“Бухоро мероси” илмий-тадқиқот Марказининг 2021 йил 29 июндаги № 9-сонли далолатномаси); Натижада ҳозирги кундаги глобаллашув шароитида тасаввуфнинг фаолликка ундайдиган ғояларини ўрганиш ёшлар фаолияти ва дунёқарашининг ўзгаришига, ёшлар интеллектуал салоҳиятини

шакллантиришда ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, сабрлилик каби юксак инсоний кадриятларнинг маънавий-маърифий механизмларини такомиллаштиришни фалсафий методологик нуқтаи назардан ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот асосий натижалари 11 та, жумладан, 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (хусусан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита мавзуни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСАВВУФИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

XV–XVI аср адабий муҳити ҳақида фикр юритилганда, албатта, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий тўғрисида сўз бориши тайин. Сабаби Навоий, нафақат ўзбек адабиётига, балки умумбашарий маданият тараққиётига, жаҳон адабиёти хазинасига беҳисоб улуш қўшганлигини жаҳон аҳли тан олади. Мутафаккир асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш юртимиздагина эмас, балки дунё миқёсида амалга оширилмоқда. Унинг ҳаёт йўли ва ижоди тўғрисида ҳисобсиз асарлар ва тадқиқотлар яратилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти темурийлар салтанат даврига тўғри келди. Давлат арбоби ва шоир сифатида фаолият кўрсатган Навоий жамият ижтимоий-маънавий муҳитини белгиловчи мафкуравий таълимотларга бефарқ бўлмаган. Шоир дунёқараши ва ижодининг ғоявий асослари ҳақида унинг асарлари бир мунча тасаввур бера олади.

Аллома ишлатган ҳар бир сўз, ибора, ҳар бир бадиий тимсол шоир тасаввур дунёсининг оддийгина маҳсули эмас. Аксинча, уларнинг ҳар бирида муқаддас динимиз манбалари ҳисобланган Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдаги ғояларга ишоралар, ирфоний рамзлар пинҳон қилинган. Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини англаш учун, аввало, ислом дини муқаддас манбаларидан бохабар бўлиши лозим.

Навоий ёшлигидан ўз замонасининг йирик донишмандлари бўлган Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий, Муҳаммад Табодгоний, Абдулазиз Жомий, Мавлоно Саъдуддин Жожирмий, Мавлоно Муҳаммад Хуросоний, Дарвеш Сайид Ҳасан, Хожа Авҳад Муставфий, Шайх Садриддин Равосий, Хожа Муайяд Меҳнанинг суҳбатларида кўп бўлганлигини “Насойим ул-муҳаббат” асарида таъкидланган. Шу билан чекланиб қолмасдан шоир ўз асарида улардан олган дуои хайрларини фахр билан тилга олади. Навоийнинг Аллоҳ ва олам, одам ва олам ҳақидаги қарашларига Боязид Бистомий, Мансур

Халлож, Фаридиддин Аттор, Ибн Арабий, Абдулмажид Санойи, Адиб Аҳмад Югнакий, Жалолиддин Румий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Хожа Муҳаммад Порсо, Саййид Қосимий, Ҳайдар Хоразмий, Мавлоно Хусайн Хоразмий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Муқимий, Абдурахмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валий каби тасаввуф намояндаларининг қарашлари таъсир этган. Мутафаккир “Насойим ул-муҳаббат” асарида Боязид Бистомий, Мансур Халлож ва бошқа мутасаввифлар ҳақида ёзиб, уларнинг фикрларидан намуналар келтирган.

Алишер Навоий Фаридиддин Атторнинг тасаввуфга доир асарларини ёшлигидан севиб ўқиб, уларни ёд олган эди. Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарига “Лисон ут-тайр” асарини жавоб сифатида ёзган эди. Алишер Навоий Хожа Аҳрор Валийга ихлоси баландлиги боис ҳатто у билан ёзишмалар қилиб турган. Мутафаккир Ансорийни ҳам маънавий пирларидан деб билган. Жомийдан нақшбандия таълимоти ғояларини ўрганган бўлса, Навоийнинг ўзи эътироф этганидек Мавлоно Лутфийнинг унга “кўп илтифоти бор эрди”. Мавлоно Муқимий ижодига ҳам эътибори юксак эди.

Алишер Навоий ўзидан илгари яшаб ижод этган араб, форс-тожик ва ўзбек ижодкорлари ижодий фаолияти ҳамда уларнинг тасаввуфий қарашларидан етарли даражада хабардор бўлганлиги боис мутафаккирнинг тасаввуфий қарашлари чуқур илмий асосга эга.

1.1. Алишер Навоий ҳаёти, тасаввуфий мероси ва уни ўрганишнинг назарий манбалари.

Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлига оид маълумотлар, аввало, мутафаккирнинг ўз ижод намуналарида, замондошлари Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Муиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ижодкорлар асарларида учрайди. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, алломанинг таваллуди 844 йил (ҳижрий) муқаддас ой – рамазоннинг 17-санасида бўлган. Алишернинг отаси

Ғиёсиддин Муҳаммадни шахзода Ғиёсиддин (Амир Темурнинг Умаршайх исмли ўғлига набира бўлган), – яъни Ҳусайн Бойқаронинг отасидан фарқлаш учун Ғиёсиддин Кичкина деб атаганлар. Навоийнинг отаси темурийлар салтанатининг мансабдорларидан бўлса, онаси Қобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг кизидир. Мутафаккир тасаввуфий асари “Вақфия”да ота-боболари ҳақида гапириб, улар темурийлар ишончини қозонгани, саройда ўз ўрнига эга бўлганликлари тўғрисида қуйидагиларни битади: “... бу ҳокисорнинг ота-бобоси ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро)нинг бобо ва аждоди хизматларида... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар”⁶. Мутафаккирнинг ёшлиги темурий ҳукмдор Шохрух бошқарувининг охириги даврларига тўғри келади. Аллома темурий шахзодалар, жумладан, Ҳусайн Бойқаро билан бир муҳитда таълим-тарбия олган. Навоий 4 ёшида мактаб шароитида илм олиб, форс ва туркийзабон лирик ижод намуналарини мутолаа қилиб, ёд олган. Бир пайтнинг ўзида ўзбек ва форсий тилларини тўлиқ эгаллашга муваффақ бўлган. Шохрух Мирзо 1447 йил 12 мартда вафот этгач, тахт даъвогарлари орасида ўзаро кураш авж олди. Мамлакатдаги нотинчликлар аҳолини Хуросон ҳудудидан бошқа жойларга бориб яшашга мажбур этди. Алишер Навоий оиласи ҳам Ироқ шаҳрига кўчишга қарор қилди (1449). Кўчиш баробарида, Алишер Навоий ўз даврининг йирик алломаси, “Зафарнома” асарининг муаллифи тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий билан учрашишга муваффақ бўлади. Мазкур тасодифий мулоқот Алишер учун умр бўйи эсда қоларли воқеа бўлди. Кейинчалик мутафаккир бу ҳақда ўзининг “Мажолис ун-нафоис” ҳамда “Насойим ул-муҳаббат” асарларида маълумот келтиради. Алишер оиласи билан бирга икки йилдан сўнг Ҳирот шаҳрига қайтиб келади. Абулқосим Бобур айтишича шу пайтда Ғиёсиддин Баҳодирни Сабзаворни бошқариш учун ҳоким сифатида юборишга қарор қилади. Адабиётга иштиёқи баланд Алишер Шарқ мумтоз адабиётини жиддий ўрганиш мақсадида Ҳирот шаҳрида таҳсилни давом эттиришга қарор қилади. Унинг

⁶ Ў.Раҳматов. Абдиқат гулшани. 2-китоб, –Тошкент: Шарқ, 2016. –Б. 177.

тоғалари Мирсаид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар етук шоир бўлганлиги Алишерда болалигидаёқ адабиётга зўр ҳавас уйғотган эди. Гиёсиддин Баҳодир шоирлар ва санъат аҳлини ўз уйига тез-тез таклиф қилиб, улар билан илмий суҳбатлар уюштирарди, бу ёш Алишер учун ҳам аҳамиятли эди.

Алишер 3-4 ёшларида таниқли шоир Қосим Анворнинг *“Риндему ошиқему жаҳонсўзу жомачок* (Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчилар ва ёқавайронлармиз), *Бо давлати зами ту зи фикри жаҳон чи бок”*⁷ (Сенинг ғаминг турганда дунё ғамини чекишдан не фойда?!) мисраларини ёд айтиб меҳмонларни ҳайратлантирган. 10-12 ёшларидан мустақил равишда шеър ёза бошлаган. Алишер Навоий 15 ёшида шоир сифатида танилган. Туркий тилда ёзган шеърларига Навоий, форсий шеърларига эса Фоний тахаллусини қўллаган.

Алишер Навоий 13-14 ёшларида отасидан айрилади. Абулқосим Бобур ёш ижодкорни ўз ҳомийлиги остига олиб, алоҳида эътибор қаратади. Салтанат пойтахти Ҳирот шаҳридан 1456 йил октябрда Машҳад шаҳрига кўчиришга қарор қилинади, ҳукмдор Навоийни ва унинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқарони Машҳадга олиб кетади. Абулқосим Бобур 1457 йилнинг баҳорида тўсатдан вафот этади. Навоий учун отасининг вафот этиши, кўп ўтмай отасидек яқин кўрган раҳнамози Абулқосим Бобурнинг вафоти оғир жудолик бўлди. Шунга қарамай у қатъият билан ўз мақсади томон ҳаракат қилади. Шаҳар мадрасасида таҳсилни қатъият билан бардавом қилади. Ўз тақдир йўлини қуриш учун омад излаган темурийзода Бойқаро эса Марв ва Чоржўй тарафларга йўл олади. Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саид Хуросонни эгаллайди ва пойтахтини Самарқанддан Ҳиротга кўчиради. Абу Саид Ҳусайн Бойқаронинг тахтни эгаллаш йўлидаги биринчи рақиби эди. Алишерлар оиласи оилавий яқинликлари боис Ҳусайннинг тахтни эгаллашига хайрихоҳ эди. Бу албатта, янги ҳукмдорга хуш келмасди. Мазкур ҳолат ижодкор турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатди. Алишер Навоий

⁷ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ.Ж.13.–Тошкент: Фан, 1997. – Б. 6.

Машҳадда шу даврда камтарона ҳаёт кечирди. Кейинчалик Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида мазкур шаҳарда бўлган даврида мафосил (бўғимлардаги оғриқ, бод касали) дардига гирифтор бўлиб, талабалар хужрасида касал бўлиб ётганида сайр қилиб юрган бир гуруҳ киши деворда ёзилган мисраларни ўқиб, бир байт мазмуни хусусида баҳс-мунозара қиладилар. Жамоатга сўзини ўтказа оладиган бир улуғроқ киши шуни ҳам билмайсизларми деган маънода ўз гапини ўтказишга ҳаракат қилади. Мунозарани тинглаётган Навоий касал ҳолатида бўлса-да, жамоат тарафини олиб гапиришга чоғланади. Алишер Навоий мисралар мазмунига оид ўз фикрларини баён қилгач, машҳур ижодкор Шайх Камол ўз сўзидан қайтиб, ёш мутафаккирга ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириб, Навоий билан кўришишни анчадан бери орзу қилиб юрганлигини айтади. Навоий ҳамда Камол Турбатий (замонасининг таниқли шоири) мулоқоти шу тариқа содир бўлади. Ижодкорнинг ўз юрти Ҳиротни қўмсаб битилган шеърӣ асарлари анчагина. Шоир Ҳиротга кўпинча ёз пайтларида бориб келган. Ниҳоят, 1463 йилда Навоий Ҳирот шаҳрига бутунлай кетади. Лекин бу пайтда Ҳирот аввалгидек эмасди. Шаҳар вайрона ҳолатида эди. Бу даврда Абу Саид пойтахтда назоратни ўз қўлига олиб, Мовароуннаҳрдан ўзи билан бирга олиб келган кишиларни давлат аҳамиятига молик лавозимларга жойлаштирган, Ҳусайн Бойқаронинг дўсти Навоийнинг яқин инсонлари бадарға этилган, тоғалари — Мирсаид ва Муҳаммад Али жангда вафот этган, истиқомат қилиш учун ҳам бирон тайинли маскан топиш оғир бўлган. Кейинчалик устози Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан ёзган хатида ҳам Навоий ўзининг айна ўша пайтдаги қийин ҳолатини тасвирлаган. Машҳур шоир даражасига етган Алишер Навоийни Абу Саид Ҳиротдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур қилади. 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача бўлган даврда Навоий Самарқандда яшади, диний ва дунёвий билимларини янада ошириш мақсадида Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида таҳсил олди. Кейинчалик мутафаккир бу даврни “Мажолис ун-нафоис” асарида эслаб, икки йил давомида Фазлуллоҳ Абу Лайсдан таълим олганлигини, Навоийга

нисбатан у кишининг илтифотлари алоҳида эканлигидан унга “фарзанд” деб мурожаат қилганликларини баён қилади. Ҳазрат Навоий Мирзобек, Шайхим Сухайлий, Мир Қарший, Мавлоно Ховарий, муаммоғўй Улоий Шоший, олим Мавлоно Муҳаммад Олим, Ҳарими Қаландар каби Самарқанднинг шоир ва олимлари билан ҳамсухбат бўлиб, билимларини оширади. Бу даврда Самарқандни келиб чиқиши ҳиротлик бўлган ижодкор-ҳукмдор Аҳмад Ҳожибек бошқарарди. Вафой тахаллуси билан шеърлар ёзган Самарқанд ҳокими Навоийни ўз ҳомийлигига олиб, кўмаклашади. Навоий унинг ёрдамида давлат ишлари билан ҳам шуғулланади. Алишер Навоий айнан шу масканда ўзи учун кейинги фаолиятида асқотган мамлакат ишларини бошқариш тажрибасини ҳам кўлга киритди. Шунингдек, Самарқанддаги сиёсий ишлар билан боғлиқ жонбозлиги алоҳида эътироф этилган Навоийга “Чиғатой амири” унвонини олиш насиб этди. Улуғ ижодкор “Мажолис ун-нафоис” асарининг 6-мажлисига дастлаб Аҳмад Ҳожибек таърифини беради: “Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот дор-ус-салтанатида ўн йилга яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди... Ва таъби бағоят хуб воқеъ бўлибтур ва назмға кўп илтифот қилур”⁸.

Султон Абу Саид 1469 йил бошларида Қорабўғда ўз аскарлари томонидан ўлдирилади. Бундай қулай вазиятни кўпдан буён сабрсизлик билан кутган Бойқаро вақтни бой бермай, Хуросон маркази Ҳиротни эгаллашга муваффақ бўлади. Ҳусайн тахтни эгаллагач, дўсти Алишер Навоийни хат йўллаб Ҳиротга чақиртиради. Алишер Навоий ийд-ал рамазон байрами муносабати билан ташкил қилинган қабул маросимида – 1469 йил 14 апрелда ўзининг “Ҳилолия” қасидасини ҳукмдор дўсти Бойқарога тухфа қилади. Навоий ҳукмдорнинг тахтга чиқишини янги ой – ҳилолга ўхшатади:

“Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун, айлаган.

Сен ҳилол анинг отин, байрам бу ернинг кунятин”⁹.

⁸ Ш.Сирождидинов, Д.Юсупова, О.Давлатов. Навоийшунослик. –Тошкент: Тамаддун, 2018. –Б. 25.

⁹ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ.20 жилдлик, 5-жилд. –Тошкент: Фан.1990. –Б. 495.

Хукмдор алломани муҳим мансаб – муҳрдорлик лавозимиға лойиқ кўради. Навоий хукмдорнинг ашаддий муҳолифатчиси, яъни Ёдгор Муҳаммад Мирзони ҳибсга олишда жасорат кўрсатиб, жонбозлик кўрсатади. Керагидан ортиқ бож-тўловларга эътироз билдириб, бош кўтарган халқни ховуридан тушуришда одиллик ва мардлик кўрсатади. Мазкур ходисалардан биров фурсат ўтгач, Навоийнинг ризолиги билан муҳрдорлик лавозимиға Алишернинг асли самарқандлик биродари шоир Шайхим Сухайлий тайин этилади. Навоий кўпроқ ижодий иш билан шуғулланишни мақсад қилиб, саройда маслаҳатчи бўлиб қолишни хоҳларди. Аммо 1472 йилнинг феввалида Бойқаро дўсти Алишерни бош вазир мансабиға лойиқ кўради. Бу билан чекланиб қолмасдан, Навоийға “Амири кабир” унвонини беради. Янги лавозимға тайинланган Алишер Навоий бор эътиборини халқ тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашға бағишлайди. Хунарамандчиликни, савдосотиқни ривожлантиришға катта эътибор қаратиб, вақф мулклари тартиботини амалға оширади. Натижада, қишлоқларда яшовчи аҳолининг деҳқончилик маданияти ривожланди. Кўплаб шаҳарлар, жумладан, пойтахт Хирот қайта тикланиб, фаровон масканға айлана борди:

“Ким бор эди бошима кўп меҳнатим (Яъни, бажариш учун ишим жуда кўп эди), **Йўқ эди бош қошиғали фурсатим**”¹⁰ (Бошни қашишға вақтим йўқ эди).

Юқоридаги мисралардаги мазмундан англашилади-ки, Алишер Навоий бутун умрини халқ фаровонлигиға бағишлаб, кечаю кундуз меҳнат қилган. Ижодкор таъкидича, ҳатто бош қашишға вақти бўлмаган.

Олам ва одам, таълим ва тарбия, озодлигу ободлик куйчиси Алишер Навоий ўз ҳаёт йўли мисолида ҳақиқий башар фарзанди қандай бўлиши кераклигини намоён этди. Аллома мискин ва бечораларни ўз муҳофазасиға олди, уларни қўллаб-қувватлади, замонасидаги адолатсизликка ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қарши кураш олиб борди, давлат хизматчиларининг ўз мансаб ваколатларидан ноўрин фойдаланишларини, шунингдек, тамагирлик

¹⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 1991, – Б. 333.

иллатларини аёвсиз равишда фош қилди. Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган, Алишер Навоий ҳукуматда бош вазир лавозимини эгаллаган йилларда ҳеч бир давлатга қарши босқинчилик уруши олиб борилмади. Маданият ва санъатнинг ҳақиқий ҳомийси Мир Алишер Навоийнинг ҳаётий фаолиятида ижтимоий-сиёсий муаммоларни халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий ҳал қилишга уриниш, инсонларга уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, ирқи каби омиллардан қатъи назар ҳаммага бир хил муносабатда бўлиш, ҳеч кимни камситмаслик, барчага тенг хизмат қиладиган жамоат иншоотларини барпо этишга жиддий эътибор қаратиш долзарб масалага айлана борди. XV аср охири чорагида йирик сиёсий арбоб Алишер Навоий шахсий даромадлари ҳисобидан пойтахт Ҳирот ва давлатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 20 га яқин ҳовуз, 17 та масжид, 40 та работ, 9 та ҳаммом, 9 та кўприк, 10 хонақоҳ бунёд қилинган, айрим иншоотлар қайта таъмирдан чиқарилган. Ҳирот шаҳридаги “Низомия”, “Ихлосия” мадрасалари, “Шифоия” тибгоҳи, “Халосия” хонақоҳи, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган “Дорул-хуффоз” биноси, Машҳаддаги “Дорул-хуффоз” хайрия биноси, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси каби камёб меъморчилик иншоотлари шулар жумласидандир.

Хусайин Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хуросон марказида илмий-фалсафий ҳаёт гуллаб-яшнаган. Буни Мир Алишер Навоий атрофида жам бўлган Хожа Осафий, Биноий, Шайхим Суҳайлий каби ўнлаб шоирлар; Хондамир, Мирхонддек тарихчи олимлар; Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Мавлоно Ҳижроний, Султонали Коиний, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Муҳаммад Хандон каби машҳур котиблар; Қулмуҳуммад Удий, Шоҳқули Гижжакий, Ҳасан Ноий, Хожа Абдулло Марворий сингари ўнлаб созандалар; Беҳзод каби мусаввирлар жўшқин илмий-иждодий фаолиятида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик — иждодий ҳамкорлик аксарият ҳолатларда ҳамфикрликка ҳамоҳанг бўлди. “Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомийдан нақшбандия таълимотини

ўрганган ва унинг “Нафаҳот ул-унс” асарини бойитиб, туркий тилда “Насойим ул-муҳаббат” асарини ёзган”¹¹.

XII асрда шакланган хамсачилик саккиз аср мобайнида юзлаб жавоб дostonларни юзага келтирди. Айрим ижодкорлар бешлик дostonнинг фақатгина битта, айримлари иккита, баъзилари учта ёки тўртта дostonга жавоб ёзган бўлсалар, жуда кам сонли ижодкорлар бешта дostonга жавоб ёзишга муваффақ бўлишган. Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий Шарқ шеъриятида биринчи бўлиб “Хамса” ёзган ижодкор саналади. Орадан бир аср вақт ўтгач, Хусрав Деҳлавий (1253-1325) Низомий “Хамса”сига жавоб ёзиб, хамсанавислик анъанасини давом эттирди. Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида айтилишича, ҳеч ким Низомий “Хамса”сига Деҳлавийдан ўтказиб жавоб ёза олган эмас. Низомий бешлигига форс адабиётида биринчи жавоб ёзган ижодкор Хусрав Деҳлавий бўлса, Алишер Навоий бу вазифани туркий тилда амалга оширди. Туркий тилда “Хамса” ижод қилиш мақсади Навоийда болалик чоғидан шаклланган. 1483–1485 йилларда Мутасаввиф мазкур мақсадини рўёбга чиқаришга эришди. Ушбу беш дostonни ўз ичига олган асар туркий адабиёт довуғини дунёга танитиб, дунё адабиётининг дурдона асарлари қаторидан жой олишга эришди.

Навоийнинг инсонпарварлик фаолияти – етим-есир, бева-бечора, муҳтожларга муруввати, эл корига ярайдиган кўпгина иншоотларни бунёд этиши, шунингдек, алломанинг пурҳикмат ғоялари, унинг эл орасида мавқеининг ошиши айрим амалдорлар ўртасида норизолик кайфиятини юзага келтирди. Улар шоир билан подшо орасига нифоқ солишга ҳаракат қилишди. Вазиятни юмшатиб, муаммо ечими илинжида Ҳусайн Бойқаро 1487 йилда Алишер Навоийни вазифасидан бўшатади, бош вазир вазифасига Муҳаммад Мажидиддинни тайинлайди. Навоий эса Астрободга ҳоким қилиб юборилади. У 1487–1488 йилларда, яъни икки йил давомида Астробод

¹¹ Ҳусейнова А.А. Шарқ мутафаккирлари дунёқарашида умуминсоний қадриятлар. –Тошкент: Парадигма, 2017. – 45.

шаҳрида ҳокимлик вазифасини ўтайди. Мирхонднинг ёзишича, “Астаробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози эътиборли кишилари, фозиллари ул мактовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топтилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фароғат ва осудаликка эришдилар.”¹² Бу даврда Астробод чегарадош мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, савдо соҳаси анча тараққий этган фаровон шаҳар қиёфасига эга бўлади. Доимий равишда ижод билан банд бўлган Навоий яқин дўстлари ҳолидан ҳам ёзишмалар орқали бохабар бўлган. Мазкур хатлар мазмунан кенг доирада бўлиб, Бадиуззамонга (Султон Бойқаронинг тўнғич фарзанди) ёзган мактубини давлатни бошқариш ҳақидаги рисола деб ҳисоблаш мумкин. Алишер Навоий Астробод шаҳридан ҳукмдор Хусайн Бойқарога йўллаган мактубларида уни, шу билан биргаликда бошқа мансабдорларни дину диёнат билан адолатли сиёсат олиб боришга даъват этиб, давлатни идора қилишда қатъий тартиб-интизомни таъминлашлари зарурлигини уқтирарди. Бироқ, алломанинг элу юрт равнақини таъминлаш борасидаги орзу-мақсадлари тўлатўқис амалга ошиши қийин эди. Ҳукмдор ҳамда Астробод ҳокими Алишер Навоий алоқаларига салбий таъсир қилубчи гап-сўзлар чиққач, у Ҳиротга чақиртирилади. Дўсти Хусайн Бойқаро¹³ унга давлат аҳамиятига молик бир қанча амалларни тавсия қилади. “Алишер Навоий рози бўлмагач, унга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган расмий унвон берилади”¹⁴. Навоийга мазкур унвон мамлакат бошқарувининг барча масалаларига қатнашиш, ҳукмдор билан кўришиш имтиёзини берарди. Бу барча давлат хизматчилари, хусусан, Мажидиддин ҳам хохлаган йўналишдаги муаммони узоқ муддат Навоий билан мурасаи-мадора қилиб, келишувга эришишини тақозо этарди. Аммо Навоий ва

¹² Ш.Сирождинов, Д.Юсупова, О.Давлатов. Навоийшунослик. –Тошкент: Тамаддун, 2018. – Б. 29.

¹³ Хусайн Бойқаро. Рисола. –Тошкент: Шарқ, 1991. – Б. 24.

¹⁴ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970, – Б. 62.

Мажидиддин орасидаги келишмовчиликдан аксарият кишилар бохабар эди. 1490 йилда Мажидиддин сиёсат майдонидан кетишга мажбур бўлади. Бунга асосий сабаб Навоийнинг Балхда ҳоким бўлиб турган укаси Дарвешалининг Мажидиддиндан ранжиб, бош ҳукуматга қарши исён кўтаришидир. Мазкур исён Навоийнинг аралашуви билан ҳал этилади.

Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро таклиф қилган бир нечта юксак лавозимларни рад қилишининг сабаби кўпроқ ижод билан машғул бўлиш истаги эди. Шафқатсиз ҳаёт эса унинг режаларига ўз тузатишларини киритарди. Унинг яқинлари Саййид Ҳасан Ардашер 1488 йил, Абдурахмон Жомий 1492 йил, олим ва шоир Пахлавон Муҳаммад 1493 йилда бирин-кетин фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. Кейинчалик Алишер Навоий уларни эътироф этиб бир неча асарларни яратди. Бундан асосий мақсади кадрли дўстлари номини абадиятга муҳрлаш, қолаверса, уларга чексиз миннатдорчилигини намоён этиш эди. Астробод шаҳрида ёзилиши бошланган "Тарихи мулуки Ажам" ("Ажам подшоҳлари тарихи") асарини 1489 йилда тугатди. 1490–1492 йилларда "Мажолис ун-нафоис" ("Нафислар мажмуаси") тазкирасини ёзди".¹⁵ Мазкур тазкира Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" ва Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон" каби асарлари йўналишида ёзилган. Туркийзабон назм назарияси, тўғрироғи, аруз вазни йўл-йўриқлари тўғрисидаги "Мезон ул-авзон" ("Вазнлар ўлчови") илмий асарини аллома айти шу даврда яратди. 1494 йилда улуг мутафаккир ўзбек тилидаги номаларини жамлаб "Муншаот"¹⁶ ("Мактублар") асарини шакллантирди.

Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан Алишер Навоий 1492–1498 йилларда туркий тилда ёзган барча шеърлари (жумладан, аввалги расмий девонларига кирган шеърлари)ни ҳам тўплаб, "Ҳазойин ул-маоний"¹⁷ ("Маънолар хазинаси") номи остида мажмуа тузди. Мазкур девон тўрт девонни жамлагани сабабли "Чор девон" номи билан ҳам машҳур. Асар

¹⁵ Навоий А. Мажолис ун-нафоис. МАТ.Ж.13.–Тошкент: Фан, 1997. – Б. 282.

¹⁶ Навоий А. Муншаот. Асарлар. Ж. 13. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – Б. 244.

¹⁷ Навоий А. Ҳазойин ул-маоний. МАТ. 20 жилдлик, Ж.6. –Тошкент: Фан, 1990. – Б. 546.

иждокорнинг умри мобайнида битган назмий асарларини ўзида жамлаган. Ушбу девонда мутафаккир ҳаётининг турли давларидаги дунёқараши, рухий ҳолати, мақсад-муддаолари, умуминсоний қадриятлар йўналишидаги ғоялари ифодаланган. Шу йиллар давомида иждокор форсий тилдаги икки қасидаси, шунингдек, форсий назм намуналарини акс эттирган ”Девони Фоний” (”Фоний девони”)ни тузиб, форсий назм ривожига ҳам улкан ҳисса қўшишга улгурди. Ҳазрат Навоий мамлакат маънавий эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мазкур тилда ҳам баракали иждо қилди. Чунки Хуросон ўлкасида форсий тилда сўзлашувчилар кўпчилиқни ташкил қиларди. Шунинг учун ҳам мутафаккир Алишер Навоий ”зуллисонайн”¹⁸ нисбатига сазовор бўлган.

XV асрнинг охирига келиб давлатда сиёсий нотинчлик авж ола бошлайди. Мазкур танглиқни теурий шахзодалар орасидаги можаролар тобора кескинлаштиради. Ҳукмдор ўғиллари тарафдорлари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилишни аксарият ҳолларда Ҳазрат Навоий ўз бўйнига оларди. Пойтахтдаги фиску фасод, хусусан вазир Низомулмулкнинг риёкорлиги оқибатида, Мўмин Мирзо (Бадиуззамоннинг ўғли, Ҳусайн Бойқаронинг энг севимли набираси)нинг шавқатсизларча ўлдирилиши Навоийга кучли салбий таъсир ўтказади. Чунки, Мўмин Мирзо Алишер Навоийнинг энг яқин шогирдларидан эди.

Мутасаввиф ”Лисон ут-тайр”¹⁹ фалсафий достонини ва ”Муҳокамат ул-луғатайн” илмий асарини XV асрнинг сўнгги йилларида яратди. Кўхна Шарк мумтоз адабиёти тарихида ”Гулистон” (Шайх Саъдий), ”Чор мақола” (Низомий Арузи Самарқандий) ва ”Қобуснома” (Кайковус) сингари асарлар сафида турувчи панднома шаклида битилган ”Маҳбубул-қулуб” асари ҳам айни шу даврда ёзилган. Мазкур панднома асар – ”Маҳбубул-қулуб”²⁰ да аллома ўз бошидан кечирган турмуш тарзи, ундаги ўнқир-чўнқирлардан чиқарган хулосаларини батафсил ифодалаган.

¹⁸ Зуллисонайн – икки тилда иждо қилувчи.

¹⁹ Навоий А. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан). Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси Раҳмонов В. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа иждодий уйи, 2005. – 472 б.

²⁰ Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик, Ж.14. –Тошкент:Фан, 1998. – Б. 302.

1500 йил декабр охирларида Навоийнинг ҳукмдор дўсти Бойқаро ўғли Муҳаммад Ҳусайн исёнини бартараф қилиб, Астрободдан Ҳиротга қайтади. Анъанага кўра саройнинг барча эътиборли кишилари, шулар қатори Алишер Навоий ҳам шоҳга пешвоз чиқади. Бу ҳудуд икки-уч кунлик йўл оралик масофани ташкил этарди. Ижодида охирги мисраларини Поёб работида битган ва уни чопар орқали ҳукмдорга тақдим этган Навоий сафарнинг учинчи кунида ўзини беҳол сезади. Ҳусайн Бойқаро билан юзма-юз бўлганда хушини йўқотади. Навоийни уйга оғир аҳволда олиб келадилар. Уч кун хушсиз ётган аллома 1501 йилнинг 3 январида сакта (мияга қон югуриб, беҳуш ётиш (апоплексия) касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Юқорида кўрсатиб, ўтилганидек, Алишер Навоий яшаган давр Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига тўғри келади. Бу даврда барча фанлар қатори фалсафий билимларнинг ривожини учун ҳам етарлича шароит мавжуд эди. Шу туфайли мазкур даврда дунё илм-фани тараққиётига таъсир эта олган кўпгина алломалар етишиб чиқди. Алишер Навоий ҳам Ренессанс даври имкониятларидан юқори даражада фойдаланиб, умуминсоний қадриятларни ўз асарларида акс эттира олган буюк ижодкор, йирик давлат арбоби даражасига кўтарила олди. Шунинг билангина чекланиб қолмасдан, ўз билимларини юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида сафарбар этишга муваффақ бўлди.

1.2. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларининг фалсафий методологик асослари

Марказий Осиёдаги иккинчи уйғониш даврига асос солган Темурийлар давлати диний ва дунёвий илмларнинг, адабиёт ва санъатнинг кескин ривожланишига шарт-шароитлар яратди. Давлат соҳиби бўлган Амир Темур ва унинг авлодлари илоҳиёт илмларига катта қизиқиш билан қарашган. Темурийлар хонадонининг қўллаб-қувватлаши натижасида Нақшбандия тариқати кичик сўфий жамоадан қудратли мафкуравий оқимга айланди. Бундан ташқари, Муҳйиддин Ибн Арабий (ваф. 1241) томонидан ишлаб

чиқилган “Ваҳдат ул-вужуд” тасаввуфий қарашлар концепциясининг Марказий Осиёда кенг ёйилиши айна шу даврда содир бўлди. Марказий Осиё халқлари адабиёти ва санъати йўналишларини белгилаб, мазмун-моҳиятига сингиб кетган калом, тасаввуф ва фалсафа худди шу даврда ёнма-ён ривожлана бошлади. Мазкур йўналишларнинг намоёндалари ҳамда тарафдорларининг ғоялари маданият ва илм-фан ривожига маълум даражада из қолдирди.

Холиқ ва халқ (Аллоҳ, олам ва одам) муносабатлари Шарқ фалсафаси ва илоҳиётининг бош предметини ташкил этади. Ушбу масалалар улуг шоир ижодида ўзига хос талқинини топган. Навоийнинг асаридаги асосий ғоя “ваҳдат ул-вужуд” (“вужуд ягона”лиги) ва тажаллий (тасаввуф фалсафасига кўра бу дунё Аллоҳнинг тажаллийси-Аллоҳнинг жиловланиши)дир. Навоий фикрича, Ҳақ нурига ғарқ бўлиб, унинг жамоли ҳароратида ёнмагунча Ҳақни англаб бўлмайди²¹.

Барча диний-фалсафий таълимотларда марказий ўринни комил инсон ғояси эгаллайди. Навоий ўз асарларида жамиятни инсонпарварлаштириш масалаларини тасаввуфий-ирфоний ғоялар, қарашлар орқали ечишга уринади. Алишер Навоийнинг “комил инсон” ғояси “Илоҳий ишқ” ва “ахлоқ ва нафс тарбияси”га асосланади.

Тасаввуфдаги ҳаётни севиш, табиатни илоҳий мазҳар (илоҳий шаклланган манба) сифатида тан олиб, унинг барча неъматларини қадрлаш ғояси Алишер Навоийнинг жамиятни поклаш, тинчлик ва бағрикенглик тамойилларини тарғиб этишдаги фаолиятида қўл келган.

“Ахлоқ ва нафс тарбияси” аслида калом илмининг “инсон амаллари” концепцияси доирасида буюрилган ва ман этилган қоидалар муаммосидан келиб чиққан. Шу ўринда калом илми билимдони, буюк олим Абу Мансур Мотуридий тўғрисида гапиришни жоиз топдик. У “Тавҳид” китобида “табойиъ” – нарсаларнинг табиати (хоссаси) ҳақида гапирар экан, у ҳар бир жисмоний ибтидо (ойин), яъни ҳиссий органлар ёрдамида ҳис қилинадиган

²¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон. 2009. – Б. 40.

барча нарсаларда борлигини таъкидлайди. Табойилар шундай хоссаларки, улар бир-бирига қарама-қарши кучлар бўлиб, бир-бирларидан қочадилар. Қоида бўйича, уларнинг бирини иккинчиси устига қўйсанг, улар бирикиш ўрнига, ўз табиатига кўра бири иккинчисини итаради ва қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Шундай экан, улар бутун коинотдаги тартиботни издан чиқариб юбориши керак эди. Аммо қудратли Парвардигор табойиёларни, яъни хоссаларни уларнинг ўзаро ички қарама-қаршиликларига қарамай, бир-бирлари билан қовуштирган ва улардаги ўзгаришларнинг тартибли ҳамда мақсадли равишда амалга ошишини назорат қилади²². Мотуридий фикрларига ҳамоҳанг тарзда Алишер Навоий шундай дейди:

“Қатрагача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсаи заркордин.
Они мунга муни анга банд этиб,
Бир–бирига борчани пайванд этиб.
Воситалар бўлди аён тў-бартў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў”²³.

Калом илми намоёндаларининг анъаналарига суянган ҳолда Алишер Навоий ҳам Аллоҳни тафаккур орқали таниш ва мантиқий фикр юритишга чорлаб, инсонга қуйидагича мурожаат қилади:

“Кел қўюбон жаҳл, хирадманд бўл (Жаҳлни бироз тарк этиб, доно бўл),

Бир нафас мустамии панд бўл (Бироз насихат эшитувчи бўл).

Кўр санга ҳақдин не қарамлар дурур (Аллоҳ томонидан сенга қанча яхшиликлар),

Не қадар эҳсону ниамлар дурур (эҳсону неъматлар берилганлигини кўр).

Бу бари инъому ато бир тараф (Барча ҳадя ва сахийликлар бир томон бўлса),

²² Сирожиiddинов Ш. Алишер Навоий ижодида диний эътиқод масаласи. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, – 2017. – Б. 9.

²³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ, 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, 1991, – Б. 26.

Жавҳари ақл ўлди яно бир тараф... (Ақлдек қимматбаҳо хазина бир тараф)

Дуржи вужудингга ниҳон айлабон (Ноёб жавоҳирлар қутичага авайлаб солинганидек),

Дуржни ул нақд ила кон айлабон (Вужудингга ақл жойланган).

Борча жаҳондин қилиб ашраф сени (Аллоҳ Сени жаҳондаги жамики нарсалардан шарафли қилиб),

Айлади ўз розига мушарраф сени”²⁴ (Сенга ўз сирларини англаш, тафаккур қилиш имконини берган)...

Ҳис қилиш ва ақл-идрокнинг билиш жараёнидаги аҳамиятини Алишер Навоий тимсоллар орқали халқ учун тушунарли шаклда баён қилади. Аллома Аллоҳнинг тухфаси бўлган ақлни оламни англашнинг олий даражаси деб билади. Шу тарзда у ақлга, шунингдек, унинг борлиқдаги турли мураккабликдаги ҳолатларни билишдаги ўрнига объектив тарзда муносабат билдиради.

Ҳар бир инсон бу неъматларнинг қадрига етиб, ўзини қадамба-қадам ислоҳ қилиб бориши кераклигини таъкидлаган мутафаккир “Хамса” асарида инсоннинг комиллик даражасига етишиши учун нималардан ўзини тийиши, ҳазар қилиши ва аксинча, қандай хулқ-атворга, хислат ва фазилатларга эга бўлиши кераклигини юксак маҳорат билан тасвирлайди. Алломанинг фикрича, миқдор жиҳатдан тарбияланган инсон, сифатий жиҳатдан комил инсонга айланади. “Хамса”нинг “бисмиллоҳ”идан Алишер Навоийнинг инсон ҳақидаги фикрлари бошланади. Яъни файласуф шоирнинг фикрича, “бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” шундайин бир бебаҳо маржондирки:

“Ҳар дур анга жавҳар”²⁵и жондин фузун²⁶,

Қиймат аро икки жаҳондин фузун”²⁷.

“Жаҳону жон” риштаси бу каби дурлар тизилган маржоннинг ипи ҳисобланади. Мабодо биз буларни маржоннинг хусусияти деб қабул

²⁴ Навоий Алишер. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, 1991, – Б. 296-297.

²⁵ Жавҳар-гавҳар. (Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.1. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 554.)

²⁶ Фузун-қўп. (Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.3. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 358.)

²⁷ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 11.

киладиган бўлсак, унинг фазилати бошқа ҳолатда намоён бўлади. Қайси бир киши мазкур маржонни тасбиҳ қилиб, кўнгил билан ҳақ йўлига иштиғол (ҳаракат) қилса, ганжи бақога (абადийлик ҳазинасига) эга бўлади. Шу орада у маҳзани “вахдатга (Худонинг танҳолиги сири томон) йўл” ҳам олиши мумкин. Аммо мазкур йўл жуда оғир ва хавфли саналади. Навоий таъбирича, инсонлар худди ана шу ерда иккига ажраладилар:

“Қилғучи бу бодия”²⁸ қатъига майл (Сахро(Ҳаққа юзлантирувчи майдон)ни босиб ўтишни хохласанг), Аҳли қабулу рад эрур икки хайл”²⁹ (Қабул қилинувчилар ва рад этилувчилар тоифалари борлиги бил).

Бу ўринда аҳли рад деганда мададкордан мадад олмай йўлга тушувчилар назарда тутиляпти. Бу тоифа кишиларга ганжи илоҳий (илоҳий бойлик) га бориш насиб этмайди. Юқорида тилга олинган тасбиҳ аждаҳо бўлиб уларнинг йўлини тўсади ва бевосита аҳли қабул учун йўл очиб беради. Бундан кейин Алишер Навоий махлуқот(инсон)ни яратган Холиққа ҳамду санолар айтади. Сабаби Аллоҳ ўз қалами билан махлуқот(инсон) тасвирига чеҳра кушолик қилган, яъни унинг кўнглига ишқ отабини алангалатган.

Тасаввуф нуқтаи назаридан Аллоҳ тавсифи дастлабки муножотда берилади: Яъни:

“Не бўлуб аввалда бидоят санга (Сенга азалдан ибтидо бўлмаган), Не келиб охирда ниҳоят санга (Сенга охирда ҳам интиҳо йўқ). Аввал Ўзунг, охиру мобайн ўзунг (Бошланиш ҳам ўзинг, якуну оралик ҳам ўзинг), Барчага Холиқ, бориға айн ўзунг”³⁰ (Барчага Яратувчи, барчага кўзгу ўзинг).

Бу даврда борликда Аллоҳдан бошқа зот йўқ эди. Тангрининг тенгсиз жамоли фақат Унгагина жилваланар эди:

*“Сен эдинггу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснунг ўқ”³¹.*

Тангрига беадад кўзгунинг тақозо этишининг боиси Парвардигорнинг хусну жамоли ҳадсиз эканлигидир. Аллоҳ оламни яратишдан мақсад шу

²⁸ Бодия-сахро. (Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.1. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 305)

²⁹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 12.

³⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент, Фан, 1991, – Б. 19.

³¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 1991, – Б. 20.

эдики, унинг ҳар бир унсурида яратувчининг жамоли, худди кўзгуда акс этгандек зухур этиб туради:

“Жилваи хуснунгга чу йўқ эрди ҳад (Хуснининг гўзаллигига чегара йўқ эди),

Кўзгу керак бўлди анга беадад (Шунинг учун унга ҳадсиз кўзгу керак бўлди).

Очти бу гулшанники рангин эрур (Рангин гулшан(олам)ни очди),

Ҳар гул анга ойинайи Чин эрур (Ҳар бир гул унга ҳақиқий ойна эди).

Жилваи хусн ўлгали зоҳир анга (Хусни жилоланишини кўриши учун),

Бўлди бу миръот мазохир анга”³²(Барча нарса бу ойнада ўз аксини топди).

Аллоҳ барча оламларни яратар экан, борлиқни ташкил этган барча нарсалардан аълороқ ва шарафлироқ бўлган махлуққа ўз жамолини жилвалантириш мақсадида бўлган. Махлуқ инсон номи билан аталган мавжудот эди:

“Ганжинг аро нақд фаровон эди,

Лек боридин ғараз инсон эди”³³.

Инсон ўзга махлуқотлардан фарқ қилиб, Аллоҳнинг каломига комил эканлиги, бундан ташқари, у яратганнинг яширин (ҳали ошкор этилмаган) сирларини ўзида ташувчи, гўё Аллоҳ ҳикматлар хазинасининг бир бўлаги бўлган махлуқ эканлиги унинг бу қадар шарафга лойиқ ва эъзозли эканлиги боисидан:

“Турфа камолингга доғи комил ул,

Сирри ниҳонингга доғи ҳомил ул.

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,

Жисмини ул ганжга қилдинг тилсим”³⁴.

Шу боис ҳам Аллоҳ каломи бўлган Қуръони Каримда ҳазрати инсон шаънига: ”Каррамно – бошқа махлуқлардан мукаррам қилдик”, “Аҳсани

³² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 1991, – Б. 20.

³³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 1991, – Б. 348.

³⁴ Алишер Навоий. Ҳамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. Ўн жилдлик, Ж. 6. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.15.

тақвим – энг чиройли яратилган”³⁵, деган мақтовлар битилган. Бундан ташқари, инсон Худонинг маърифатини (яъни, уни таниш илмини) билишга кодир, доно махлуқдир:

“Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат”³⁶.

Бундан кўринадики, инсон, Алишер Навоий таъкидича, Тангри таоло томонидан ожиз, ҳикмат ва фазилатлардан холи зот сифатида вужудга келтирилмаган. Демак, инсон – Аллоҳнинг мўъжизалар хазинаси, комил ақл ва фаҳмга эга бўлган ориф мавжудотидир.

Алломанинг фикрича, инсон махлуқотлар орасида энг шарафлиси бўлиши билан бошқа яратиклар ҳам беқадр эмас, аксинча, улар ҳам қимматбаҳо жавоҳирлар саналади:

“Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифат”³⁷.

“Ҳайратул-аброр”да тасвирланишича, Тангри таоло башариятнинг илк ота-онаси – Одам ва Ҳавони яратган чоғиданоқ уларни мўътабар этган эди:

*“Ҳо”и муҳаббат санга - ўқдур насиб,
Ким сени ҳақ деди ўзига ҳабиб”*³⁸.

Энг муҳими шундаки, Худода (унинг даргоҳида) неки яширин бўлса, ҳабибининг юзида ўша нарсалар зухур этар экан:

*“Ҳар неки ҳақ важҳи аро мубҳам”³⁹ ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул.
Шоҳид этиб чеҳра бу кўзгу анга,
Ул не қилиб, кўргузубон бу анга.
Айлади чун одами хокий зухур,
Солди анга партавин ул пок нур”*⁴⁰.

³⁵ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Куръони Карим. Ал-Исро сураси 70-оят. – Б. 184. www.ziyouz.com.

³⁶ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. Ўн жилдлик, Ж. 6. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.15.

³⁷ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. Ўн жилдлик, 6-жилд – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.19.

³⁸ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991, – Б. 33.

³⁹ Мубҳам-яширин. (Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.2. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 330.)

Худо одамни алоҳида шарафлаб, унинг бошига улуглик тожини кийдиради, пайғамбарлик тахтига ўтказади. Уни фаришталар хайлига паноҳ қилади, Ҳавонинг чехраси ҳам Аллоҳ нури партавидин бенасиб эмас эди:

*“Истади Ҳавво била чун иттисол (бирлашиш),
Айлади Ҳаввога бу нур интиқол (кўчиш)”⁴¹.*

Алишер Навоий тасвирида инсон яратилишиданок, мушарраф ва табаррук бўлган⁴². Шу боис ҳам инсон мавжудотлар гултожидир.

“Ҳайратул-аброр”да кўнгилга алоҳида урғу берилиб, у икки тоифага бўлинади. Улардан бири ғунча шаклидаги, барча жониворда бўладиган юрак бўлса (моддий), иккинчиси аҳли дил соҳиби ҳисобланган кишиларда бўладиган юракдир (маънавий). Хўш, бу тоифа кўнгиллар қандай хусусият ва фазилатлар касб этади? Уни сўфийлар “олами кубро” – буюклик олами деб атаса, обидлар “арши муалло” деб таъриф берадилар.

*“Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ”⁴³.*

Шуниси эътиборлики, бу кўнгул сирлари хазинаси кашф эттилгунча кўп сарсон-саргардонликни бошидан ўтказиб, гоҳ Каъбадан, гоҳ даҳрийдан ўрин топади:

*“Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган.
Ориз ўлуб жумлаи ҳолот анга,
То бўлубон касби камолот анга”⁴⁴...*

Алишер Навоийнинг таъбирича, ана шундай кўнгилга эга бўлган кишилар сўфий соҳибдил ҳисобланади. Шу билан чекланиб қолмасдан, кўнгул оламнинг бирор тасодифи туфайли юзага келмасдан, балки у

⁴⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент, Фан, 1991, – Б. 34.

⁴¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент, Фан, 1991, – Б. 34.

⁴² Муҳиддинов М, Асроров М. “Ҳайратул-аброр” достонидаги ҳамд ва наътлар талқини // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, 2017. – Б. 34.

⁴³ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. Ўн жилдлик, 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 62.

⁴⁴ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. Ўн жилдлик, 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 63.

яратилган эканлигини идрок этади. Дил соҳиби бўлган сўфийнинг асосий фазилати дунёни идрок кўзи билан англаш ҳисобланади.

“Ҳайратул-аброр” достонида “Кўнгулнинг уч ҳайрати” тавсифига бағишланган бўлимларда диний бағрикенгликка хос қарашлар ўз аксини топган. Кўнгил коинотни сайр қилиб, энг юқори оламга етиб боради ва динлар ҳақиқатини англайди:

*“Чун боридин юққори урди алам,
Юққориги пояга қўйди қадам.
Кўрди ўшал хиттани бутхонае.
Ҳар бутининг ҳайъати дурдонае.
Анда не раҳбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.
Ҳар бути бутгарга парастиида маст,
Ўйлаки бут саждасида бутпараст.
Мунча гаройибгаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.
Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шуҳуд англади.
Юзланиб ўз ҳолида гайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга”⁴⁵.*

(Мазмуни: Кўнгил энг юқorigа қадам қўйганда бутхонага кўзи тушди. У ерда ҳеч ким йўқ: на роҳиб ва на бараҳман. У ерда кумуш танли бутлар бор эди, холос. Кумуш танли бутлар бутпарастлар бутга сажда қилгани каби ўзларини ясаган Бутгарга парвона эдилар. Мазкур ҳодисага дуч келган кўнгил уларга ибрат кўзи билан қаради. Уларнинг барчаси (Бутгарга) сажда ва зикр билан бандлигини кўрдию, Аллоҳ ҳақиқатини англаб етди. Бу вазиятдан бир ҳайрати минг ҳайратга айланди).

Бундан англашиладики, динлардаги расм-русумлар ҳар хил бўлса-да, уларнинг моҳиятини ягона Аллоҳ ташкил этади. Мутафаккир таъкидича,

⁴⁵ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991, – Б.88.

бутпарастлик ҳам Тангри таолонинг тажаллиёт (кўриниш)ларидан бирига сиғиниш бўлиб, дунёдаги, барча динлар аслида фақатгина Аллоҳ таолога сажда қиладилар. “Лисонут-тайр” асарида ҳам юқоридаги каби ғоя ўртага ташланади:

*“Қолмаса олам матоидин жиҳот,
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонга урғайсан илик,
Бу тамаъдин очилғай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравга кеш эмас,
Асл йўлда бандироҳе, беш эмас”.*⁴⁶

(Мазмуни: Киши феъли ва ҳатти-ҳаракатида олам матосидан (дунё молига ҳавасдан) ҳеч нарса қолмагач, куфр ва имон моҳияти тўғрисида ўйлайди. Тафаккур қилиш натижасида бир эшик (ҳақиқат) очилади. У эшикдан ичкарига қадам қўйгач (уни идрок этгач), барча (диний ва эътиқодий тафовутлар, келишмовчиликлар) ноаниқликлардан халос бўласан. Дунёнинг асл моҳиятини англаш йўлидаги тўсиқ куфр ва имон тушунчалари эканлигига амин бўласан.)

Демак, Навоий талқинича, олам Эзгулик учун бунёд этилган. Яратган наздида турли диний таълимотлар аҳамиятсиз ҳисобланиб, инсон ўз-ўзини англаган ҳолатда ақлан борлиқнинг яратилиш моҳиятини тушуниб етиши лозим.

Алишер Навоийнинг таъбирича, кўнгил манзили бўлган инсон танаси ғаройиб хусусиятга эга бир шаҳардир. Мазкур қўрғон икки устун устига қурилган бўлиб, тўрт жавоҳир (ўт, ел, сув, тупроқ)дан иборатдир. Бу тўрт унсур бошқа махлуқотлардаги унсурлардан тубдан фарқ қилиб, Тангри Таолонинг кудрати ила табаррукланган эди:

“Ўтиға Мусо ўти янглиғ зиё,

⁴⁶ Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 12. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.239-240.

Ели Масихо дамидек жонфизо.

Суйи латофатда зилоли биҳишт,

Тупроғи гул, нафҳаси акбар сиришт”⁴⁷.

Хукмдор кўнгил ўз вазири – ақл воситасида давлатга ҳукмронлик қилар эди. Ижодкор тасвирича, бешта сезги органи ҳам вазирнинг маконидан паноҳ топган бўлиб, улар жамлаган маълумотларни ақлга тақдим этади. Вазир ақл эса уларни шоҳга етказади:

“Шаҳ бу хазойинга чу ҳозир бўлуб,

Дикқат ила борчага нозир бўлуб.

Рад қилибон ҳар неки мардуд эрур,

Ойириб ул тухфаки мақсуд эрур...

Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,

Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон”⁴⁸.

Бундан ҳайратга тушган кўнгул:

“Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,

Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи – эканлигини англаб етади”⁴⁹.

Маълумки, Собиқ иттифоқ даврида Алишер Навоий асарларидаги ҳамд ва наът қисмлари ўз аксини топган кириш боблари “расмий боблар” деб аталиб, назардан четда қолиб кетган. Мустақиллик йилларида эса “авлиёлар авлиёси” бўлган Навоий бобомиз мероси тасаввуфий нуқтаи назаридан тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинганида, айнан кириш бобларида ҳам чуқур фалсафий нуқтаи назарлар баён қилинганлиги аён бўлди. Аллома фикрича, инсон, табиат ва борлиқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Бундан ташқари, инсон бошқа жонзотлардан ўз руҳининг, ақлининг юксак даражада ривожлангани билангина эмас, балки юқорида таъкидланганидек, танасининг илоҳийлик касб этгани билан ҳам фарқланади.

⁴⁷ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ.Ўн жилдлик, 6-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.77.

⁴⁸ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ.Ўн жилдлик, 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.81.

⁴⁹ Муҳиддинов М, Асроров А. “Ҳайратул-аброр” достонидаги ҳамд ва наътлар талқини // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий. 2017. – Б.36.

Шундай экан, ҳар бир инсонда мавжуд илоҳийлик, улуғ кадр-қиммат ҳамиша эътиборга молик тутилиб иш тутилиши даркор. Мазкур ҳолат унинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилиш лозим.

Олам Ижодкори ҳамда унинг Элчисига нисбатан чексиз эътиқод ва ихлоснинг ифодаси сифатида вужудга келган алломанинг ҳамд ва наътлари бисёр бўлиб, уларнинг ғоявий сарчашмаларини, асосан, Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шариф ташкил этади. Бунинг исботи сифатида “Бадоеъ ул-васат” девонининг 101-рақами остидаги ғазалини келтириш мумкин:

*“Зиҳи тақаддумунг Одамга бас ҳадиси саҳиҳ,
Бу нукта “кунту набийян” ишоратида сариҳ.*

*Азалда васлинг у ҳажринг магар насиб ўлди
Ки, жон топарни Хизир олди, жон берурни Масиҳ.*

*Сўзунгни хони нубувватқа Тенгри туз ясади,
Зиҳи камоли малоҳат, зиҳи каломи малиҳ.*

*Чу сен чекиб «ана афсаҳ», таронасин қочириб,
Аларки даъво ила сўз очиб, деб ўзни фасиҳ.*

*Демак шариасти байзони меҳрга рожих,
Қуёшни заррага қилган кибидурур таржих.*

*Юзунг сабуҳи азал бодасидин андоқким,
Не субҳга бу сабоҳат, не меҳр мунча сабиҳ.*

*Навоий ўлди ниҳон ишқинг ичра, тиргуз ани,
Неча ниҳон тутайин, айладим ўлуб тасриҳ⁵⁰.*

Ушбу ғазалнинг илк

⁵⁰ Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 5-жилд. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990 – Б.78.

байтида сўфийлар ўртасида машҳур бўлган “Кунту набийян ва кона Одама байнал-мои ват-тин” (Ҳали Одам сув ва тупроқ орасида бўлган, яъни ҳали инсон шаклида яралмаган замонлардаёқ мен пайғамбар эдим) ҳадиси маъноси берилган. Ҳадис илми билимдонлари бўлмиш муҳаддислар мазкур ҳадисни саҳиҳ ҳадислар қаторига киритишмагани боис биринчи мисрадаги “ҳадиси саҳиҳ” иборасини истилоҳ сифатида эмас, балки луғавий мазмунида, яъни “тўғри сўз” сифатида англашимизни тақозо қилади. Ҳазалнинг кейинги байтини таҳлилга тортамыз:

Азалда васлингү ҳажринг магар насиб ўлди

Ки, жон топарни Хизир олди, жон берурни Масиҳ.

Мазкур байтда Хизр ва Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаларига ишора қилинган. Хизр (а)га абадий ҳаёт мўъжизаси, Исо Масиҳ (а)га ўликка жон бериш мўъжизаси берилганлиги диний манбалардан маълум. Навоий пайғамбарлар мўъжизалари дастлаб ибтидосиз замон – азалда, охирзамон пайғамбари Муҳаммад(с.а.в) шарофати билан содир бўлганини биринчи мисрада моҳирона ифодаган.

Сўзунгни хони нубувватқа Тенгри туз ясади,

Зиҳи камоли малоҳат, зиҳи каломи малиҳ.

Ушбу байтда Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в)нинг сийратларига бағишланган яна бир ҳадисга ишора берилганига гувоҳ бўламиз. “Қисаси Рабғузий”да келтирилишича, Ойиша онамиз Расулуллоҳ (с.а.в)дан Юсуф (а) хусни ҳақида сўраганларида ул зот: – Биродарим Юсуф мендан гўзалроқдир, лекин мен ундан малоҳатлироқман, – деб марҳамат қилган эканлар⁵¹. Алишер Навоий ғалаёнга сабаб бўлувчи гўзалликдан эътиқодни мустаҳкам қилувчи малоҳат устун эканлигини ифодалаб, малоҳатнинг ҳусндан устунлиги тўғри, ёқимли сўз сабабли юзага келишини уқтиради.

“Чу сен чекиб “ана афсах” таронасин қочириб

Аларки даъви ила сўз очиб, деб ўзни фасиҳ”.

⁵¹ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 124.

Ушбу байтда “Мен Қурайш аҳлининг энг фасоҳатлисима⁵²” мазмунидаги ҳадиснинг бошланиш қисмидан иқтибос келтирилиб, сарвари оламнинг фасоҳат бобида тенгсизлиги шунчаки қуруқ даъво ёки фахрия эмас, балки воқеликнинг айна ўзи эканлиги, икки дунё сарварининг фасоҳати унинг ғоявий душманлари томонидан ҳам тан олинганини кўрсатади.

Пайғамбарнинг фасоҳатли сўzlари тўғри йўлда юришни маслакка айлантирган, Ҳақ йўлда бўлмоққа имон келтирган инсонлар учун мисоли дастуруламал, йўлни ёритувчи чирокдир. Қуръони каримда “Сирожи мунир” (йўлни ёритувчи чирок – “Аҳзоб” сураси, 46-оят), “Нур” (“Моида” сураси, 15-оят) дея таърифланган бу зоти мунаввар келтирган шариати байзо (“байзо” икки маънони, яъни ойдин, равшан, шубҳадан холи ҳамда қуёш маъносини билдиради) агар меҳр – қуёшга қиёсланса, шариатнинг қуёшдан афзаллиги, қуёшнинг заррадан афзаллиги каби кўринур. Агар қуёш моддий оламни ёритувчи бўлса, шариати муҳаммадия руҳоният оламининг қуёшидир, – дейди Навоий⁵³:

Демак шариати байзони меҳрга рожих,

Қуёшни заррага қилган кибидурур таржих.

Ҳазрат Навоий мазкур байтда арабча байзо, тожикча меҳр ва ўзбекча қуёш сўз маъноларидан шоирона маҳорат билан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат Жалолиддин Румийнинг узум, инаб, истофил ва ангур ҳақидаги ҳикоятини ёдга солади. Шариати Муҳаммадийнинг меҳрдан (қуёш ёки байзо эмас, айнан меҳрдан!) афзаллиги исломий шариатнинг митраизм (меҳрпарастлик – Қуёшга сиғиниш) динидан устунлиги ифодаси сифатида хизмат қилган. Шунингдек, ғазалда дунёдаги барча динлар моҳиятига кўра ягона бўлса-да, ислом шариатига қиёсланганда бошқа диний таълимотлар қуёш ва зарранинг ўхшашлиги ва нисбатида бўлиши ҳам тасвирлаган.

Юзунг сабуҳи азал бодасидин андоқким,

Не субҳга бу сабоҳат, не меҳр мунча сабиҳ.

⁵² للمع في التصوف. علي بن سراج – ليدن - ١٩١٤

⁵³ Давлатов О. Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги ҳамд ва наът ғазаллар // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, – 2017. – Б.128.

Субҳ, сабуҳ, сабоҳат, сабиҳ сўзлари орқали, одатда, гўзаллик, ёруғлик, поклик, яхшилик маънолари англашилади. Бу ўринда Пайғамбарнинг зухури айнан ана шу Поклик, Гўзаллик, Яхшилик, Нур ва Зиё тантанаси экан, ҳар бир киши Исломи пайғамбари келтирган динга эътиқод қилиши орқали мазкур йўлда собит бўлишга сидқидилдан бел боғламоғи жоизлиги таъкидланмоқда.

Алишер Навоий Муҳаммад(с.а.в) шахсияти ва руҳониятига бўлган муҳаббат жондан-да азиз эканлигини қуйидаги мисраларда ифодалаган:

Навоий ўлди ниҳон ишқинг ичра, тиргуз ани,

Неча ниҳон тутайин, айладим ўлуб тасриҳ.

Аллома охирзамон пайғамбари сиймосини нубувват, рисолат, малоҳат, фасоҳат, шариат, сабоҳат тушунчаларида ифодалаб, охирги байтни муҳаббатга йўғрилган сўзлар билан якунлайди. Навоий бу билан бир томондан ислом пайғамбарига бўлган муҳаббати юзаки эътиқод маҳсули эмаслиги, балки буюк маърифат туфайли шаклланганлигига урғу қаратса, иккинчи томондан ахлоқий-фалсафий тушунчалар ҳамда расулуллоҳагина хос бўлган фазилатлар айнан муҳаббат маҳсули эканлигини нозик ишоралар орқали кўрсата олган. Кўпгина уламолар таъкидлаганидек, охирзамон пайғамбарига энг улуғ мўъжиза – Сўз мўъжизаси ато этилгани бу зотнинг бошқа пайғамбарлардан устунлигини кўрсатувчи жиҳатлардир.

“Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомийдан нашқбандия таълимотини ўрганган. Навоий ёзган барча асарлардан нашқбандия руҳи уфириб туради”⁵⁴. “Насойим ул-муҳаббат” асарининг муқаддима қисми “Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди” деб номланиб, унда муаллиф инсон, унинг яратилиши, бошқа махлуқотлар орасида тутган ўрни, авлиёуллоҳларнинг вазифалари, шайхларнинг аъмол, афъол, муомалот ва риёзатлари каби ирфоний-фалсафий масалалар устида тўхталади. Навоий асарнинг муқаддимасида уни ёзишдан мақсад тасаввуфнинг “дақойиқу мушкулотини равшанроқ алфоз (тушунарли тил) да очуқроқ адо (содда

⁵⁴ Ҳусейнова А.А. Шарқ мутафаккирлари дунёкарашида умуминсоний қадриятлар. –Тошкент: Парадигма, 2017. – 40.

услуг) била» баён этиш эканлигини таъкидлайди. Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс” тазкирасидан 616 шайхнинг таржимаи ҳоли ўрин олган бўлса, Алишер Навоий муршиди ва маслакдоши Жомий асаридаги 60 таржимаи ҳолни камайтиради, лекин, “Нафахот ул-унс” асарида тилга олинмаган 214 шайх ҳаёти ҳақидаги маълумотларни қўшимча қилиб, “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилган шайхлар сонини 770 тага етказишга муваффақ бўлади. Асардаги 35 нафарни аёл авлиёлар ҳақида ҳам маълумот келтирилган.

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларидаги тавба, вараъ, сабр, қаноат, таваккул, риёзат, факр, муршид, маърифат, ишк, каромат, ҳол, самў, ваҳдат ул-вужуд, илми зоҳирӣ, илми ботинӣ, илми ладунӣ каби ўнлаб масалалар “Насойим ул-муҳаббат” асарида таҳлил этилган. Шунингдек, шайхларнинг тариқатга қандай кириб келгани, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида батафсил тўхталади. Асарда тилга олинган 770 шайхнинг кўпчилиги тариқатга, аввало, қаттиқ тавба қилиш билан кирганлиги баён этилган. Мутафаккир буни шайхлар ҳаётидаги ибратли ҳикоялар орқали тасвирлашга эришган.

Мисол учун Навоий Абу Усмон Мағрибий ҳақида ҳикоя қиларкан, ҳикоят охирида Абу Усмон Мағрибийнинг сўзларини иқтибос сифатида келтиради: “... қиладурғонларимдан тавба қилиб, бу тариқни ихтиёр қилдим”⁵⁵. Ижодкор Амир Хусайний⁵⁶ тўғрисида гапириб, у ов қилаётган пайтда кийикнинг гапи унга қаттиқ таъсир қилганлиги туфайли тавба қилиб, тариқатга кирганлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, Абу Абдуллоҳ Муборак, Фаридуддин Аттор, Ҳаким Санойи Ғазнавӣ, Ҳишом бинни Абдон, Қазиб ул – бон Мавсилий, Шайх Рўзбеҳон Бақлий, Мавлоно Важихуддин, Шайх Абу Аҳмад Абдол Чиштий сингари шайхларнинг тавбаси қаттиқ пушаймонликдан юзага келганлиги баён қилинади. Демак, тасаввуф аҳли учун тавба, нафақат қилинган гуноҳ ишлардан пушаймон бўлиш, балки

⁵⁵ Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 60.

⁵⁶ Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 461.

аввал қилинган гуноҳларни ювиш учун ўрни келганда савоб амаллар қилиш, бошига келган барча нарсани синов деб қабул қилиб, доимо тўғри йўлда юришдир.

Алишер Навоийнинг аввал “Бадоеъ ул-бидоя” девонига сарлавҳасиз, кейинчалик “Ғаройиб ус-сиғар”га “Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси” сарлавҳаси билан киритилган, олимларимиз томонидан Навоийнинг йигитлик йилларида битгани эътироф этилган қитъаси⁵⁷ ҳамда “Ҳайратул-аброр” достонининг 21-бобидан ўрин олган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Убайдуллоҳ васфига бағишланган мадҳиясида унинг нақшбандия тариқатига бўлган ниҳоятда самимий муносабати, сулукнинг маънавий пирларига хос бўлган ҳамида ахлоққа беҳад ошуфталигию ўзида ҳам уларнинг намоён бўлишини саодат деб билиши ярқ этиб кўзга ташланади⁵⁸. Алишер Навоий ўзининг “Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси” қитъасида нақшбандия ахлоқий талабларининг асоси тўртта эканлиги: “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”ларни шеър ила изоҳлайди⁵⁹. Юқорида номи қайд этилган 11 байтли қитъа ва “Ҳайратул-аброр” достонидаги 45 байтдан таркиб топган бағишловда кузатилганидек, нақшбандийлик тариқати каби эҳтиросу ошкоралик билан бирор бошқа тариқат ғоялари юқори даражада мадҳ қилинмайди. Хусусан, улуғ ижодкор Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбандни бағишловнинг дастлабки 15 байтида тилга олар экан, “нақш” ва шу жумладан ҳосил бўлган сўзни ҳар байтда 2 мартадан (5-байтда 3 марта) қўллаб, ўзининг Нақшбандия таълимотига ихлоси юқори эканлигини кўрсатади:

“Ҳожаки, наққоши сипеҳри баланд,

Бўлгали ҳар сафҳасига нақшбанд.

Айлади авроқ мунаққаш баса,

Нақш рақам айлади дилкаш баса.

⁵⁷ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар, МАТ.20 жилдлик, Ж. 3. – Тошкент: Фан, 1988, – Б. 542-543.

⁵⁸ “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий. 2017. – Б. 106.

⁵⁹ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). –Тошкент: Сано-стандарт, 2019. –Б. 145.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
 Чекмади то хомасидур нақш соз.
 Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
 Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.
 Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,
 Олам ўлуб илгида нақши нигин.
 Бўйла нигин нақшига фармонбари,
 Мунча ажаб нақши ила деву пари.
 Саъй ила бу гунбади бисёр нақш,
 Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.
 Нақшининг оллида намудор уза,
 Нақш бўлуб сафҳаи девор уза.
 Мунча ажаб нақш била аржуманд,
 Кимса эмас гайри шаҳи нақш банд’’⁶⁰...

Алишер Навоий фикр мавзуси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида эканлигини Хожа юксак осмон наққоши бўлиш учун ҳар саҳифага нақш банд этти, дейиш билан ўқувчига маълум қилади ва унинг улуғ тариқатга асос солганини баланд рутбали наққошга қиёслаб, бадий безак бера бошлайди. Навбатдаги мисраларда мазкур наққош нақш билан безатилган варақларни жуда кўп ҳосил қилгани ва уларни мафтункор нақшлар билан безаганию, лекин ҳақиқий наққош қалами ҳам унинг нақшидек кўнгилни ўзига жалб қилувчи, ёқимли нақшни чиза олмагани тасвирланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сиймосида муаллиф орзусидаги фано мақомига эришган ориф шахсни кўрганини мадҳиянинг тўртинчи байтида таъкидлайди. Байтда Баҳоуддин Нақшбанднинг кўнгли ичра нақши жуд – сахийлик нақши собит бўлгани сабаб ул сафҳадан, яъни кўнгилдан мавжудликнинг сурати тамомила маҳв бўлганлиги айтилади. Ўзига фақрлик ҳаётини раво кўриб, ҳалол луқмага таянган, молу жоҳга эҳтиёж сезмайдиган ориф кўнгли ана шундай фано мақомига айланади. Бағишловнинг 5–9-байтларида тасвирланганидек

⁶⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ, 20 жилдлик. Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 96-97.

унинг олдида мавжудликнинг турли жозибали кўринишлари ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Бутун дунёга ўзининг нақши билан донғи кетган Чин ўлкасининг нақши унинг нақшига тенг кела олмаганини, олам худди хожанинг бармоғидаги узуги нақшига айланиб қолганини (бунда Сулаймон алайҳис-салом узугининг кудратига ишора бор), деву парилар ҳам шунчалик ажабланарли нақшлари (ҳийла-найранглари) билан ҳам ўша узук нақшига (ҳукмига) бўйсунушларини таъкидлайди. Шунингдек, осмон неча саъй – уринишлари билан ҳар қанча жозибали нақшларни кўз-кўз этиб турса-да, унинг нақши олдида осмон гунбазининг энг кўримли нақши ҳам қоғозда ишланиб, деворга осилган нақш мисоли қадрсизлигини юқори даражадаги шоирона эҳтирос билан Навоий ушбу сатрларда тасвирлайди. Шу билан биргаликда, муаллиф бунчалик кўп нақш билан аржуманд–азиз бўлган киши бегона киши эмас, шоҳи нақш банд эди, дея сўз ўйини қилиш билан Баҳоуддин ҳазратларини эъзозлайди, буюк тариқат пирини ўзига яқин олади. Кейинги мисраларда ҳам фано нақшидан ўзга нақшлар унинг кўнглидан фоний бўлгани каби тасвирланиб, ушбу сатрлар битилаётган пайтда Хожанинг жаннатга хиром этгани, унинг ҳоли ўрнида қойим мақом – ўринбосар бўлган яна бир пири муршидга ишораси баён этилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўрнида қойим мақом бўлган пири комил Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийни Навоий “офоқ ичида тоқ”, “муршиди офоқ” дея улуғларкан, шоҳу гадо Аҳрори Валийнинг хизматини қилишни улуғ саодат деб билишига ўқувчи эътиборини тортади. Бундан ташқари, мадҳиядан нақшбандия тариқатининг ижтимоийлашувига омил бўлган энг муҳим жиҳатларидан бири Хожа Аҳрори Валий шаънига айтилган таъриф-тавсифларда ўз ифодасини топади:

Гўшаи хилват аро тутмай қарор,

*Ўзини қилмай яшурун ошкор*⁶¹.

Тарихдан аёнки, икки дарё оралиғи – Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган темурийлар Хожа Аҳрори Валийни ўзларининг пири комили

⁶¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 98.

сифатида тан олиб, хожанинг кўрсатмаларига амал қилишни ўзларига шараф деб билганлар. Бундан фойдаланган Хожа Аҳрори Валий мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол иштирок этган ва кўплаб келишмовчиликларга чек қўйишга муваффақ бўлган. “Бобурнома”даги қуйидаги мулоҳазалар фикримизни қувватлантиради: “Самарқанд аҳликим, – деб ёзади Бобур, – йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият (фаровон кун кечириш) ва фароғат била ўтқариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа (Убайдуллоҳ) жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди”⁶². Алишер Навоий мадҳиясидаги мисраларда ҳам ана шундай тарихий воқеаларга ишора қилинаётганлиги аён бўлади:

*Руқъалари етса не шоҳ қошига,
Иш ани қўймоқлиг ўпуб бошига.
Англаб ани бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин*⁶³.

“Хожа Аҳрори Валий тижорат билан шуғулланган бўлсалар-да, “Юкларида тухфаи нақди фано” бўлганини Навоий эътироф этиб, “Ҳимматидин бизни ҳам этсун худой, Фақр йўлида ғани, имонга бой” тарзидаги сатрларида самимий муҳаббат билан мадҳияга хотима ясайди. Айни ҳолат улуғ шоирнинг нақшбандия тариқатига таважжуҳ этганидан фахр-ифтихор туйишининг нишонасидир”⁶⁴.

Нақшбандия тариқатига дохил бўлиш ва юксак маънавий мартабага эришиш учун “хилват дар анжуман”, “сафар дар ватан”, “назар бар қадам”, “хуш дар дам” тамойилларига қатъий риоя этиш лозимлиги Навоийнинг “Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқатининг адоси” номли китъасида ўз бадий ифодасини топган. Қасиданинг илк байтида “Қаноат тариқиға кир, эй кўнгил, Ки хатм ўлғай ойини иззат санга”, – дея шоир ўз кўнглига мурожаат этади. Улуғ ижодкор бу билан нафсдан ғолиб келишнинг

⁶² Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1990, –Б. 24.

⁶³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 98.

⁶⁴ Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоийнинг нақшбандия тариқатига муносабати // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. –Навоий. 2017. –108-бет.

асосий йўлини нақшбандия тариқати билан боғланишда деб ҳисоблайди.

“Хамсатул-муттаҳаййирин” асарининг “Муқаддима”сидаги ишораларга таянган адабиётшунос Р.Воҳидов Абдурахмон Жомийнинг Ҳиротнинг Хиёбон мавзесидаги пири комили Саъдиддин Кошғарий мазори ёнида маскан тутгани ва кўплаб зиёратчиларнинг қаторида Алишер Навоий ҳам бу улуг пир билан учрашганини 1459-1460 йилларда содир бўлган деган фикрга келади”.⁶⁵ “Ёш шоирнинг 18-19 ёшларида юз берган бу учрашув юқорида номи келтирилган қитъада ифодаланганидек “Қаноат тариқи”га киришига илк туртки бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Негаки, Алишер Навоий кейинчалик Ҳазрат Жомий “хизматида таълим ва истифода юзидин” ўқиган китоблари рўйхатида Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”, Шайх Ироқийнинг “Ламаот”, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг “Оталари ишоралари ила битган рисоалари”, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”си сингари ноёб асарларни қайд этади”⁶⁶.

Маълумки, юқоридаги китобларнинг кўпчилиги нақшбандийлик билан бевосита алоқадор. Навоий учун уларнинг мутолааси ва Махдуми Нуран билан кечган суҳбатлари унинг нақшбандия сулукига таважжуҳ қилишига, Хуросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига Хожа Аҳрори Валий сингари фаол қатнашиб, чегара билмас бунёдкорлик ишларини амалга оширишига, ўзининг улкан адабий меросида нақшбандия тариқатининг ўлмас ғояларини санъаткорона ифодалаб, бу тариқатга бўлган самимий муҳаббатини эҳтиросли байтларда бадийлаштиришига сабаб бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Навоий деярли барча диний-ирфоний ва илмий-фалсафий таълимотларни чуқур ўрганган ва улардан етарлича бохабар бўлган.

⁶⁵ Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. –Тошкент: Фан, 1992, –Б.12-52.

⁶⁶ Қаранг: Ҳайитов Ш. Баркамол инсон тимсоли. –Тошкент: Фан, 2003, –Б. 19-33.

Биринчи боб бўйича хулоса:

1. Олам ва одам, таълим ва тарбия, озодлигу ободлик тарғиботчиси Ҳазрат Навоий ўз ҳаёти мисолида асл етук инсон қандай бўлиши кераклигини намоён этди. Аллома ўз замонида инсон манфаатлари устунлиги учун курашиб, адолатсизликни қоралади, давлат хизматчиларининг ўз лавозимларига мос келмайдиган, ноқобил ишларини фош қилди, ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилиб, қўллаб-қувватлади.

2. Холиқ ва халқ (Аллоҳ, олам ва одам) муносабатлари Шарқ фалсафаси ва илоҳиётининг бош предметини ташкил этади. Ушбу масалалар Алишер Навоий ижодида ўзига хос талқинини топган. Барча диний-фалсафий таълимотларда марказий ўринни комил инсон ғояси эгаллайди. Алишер Навоий ўз асарларида жамиятни инсонпарварлаштириш масалаларини тасаввуфий-ирфоний ёндашув ва дидактик калом орқали ечишга уринади. Шу нуқтаи назардан Навоийнинг “комил инсон”и куйидаги икки ғоявий платформа орқали шакллантирилгани ҳақида гапириш мумкин. Бири “Илоҳий ишқ” концепцияси орқали бўлса, иккинчисини “ахлоқ ва нафс тарбияси” ташкил этади.

3. Навоий талқинича, олам эзгулик учун бунёд этилган. Яратган наздида турли диний таълимотлар аҳамиятсиз ҳисобланиб, инсон ўз-ўзини англаган ҳолатда борлиқнинг яратилиш моҳиятини ақлан тушуниб етиши даркор.

4. Алишер Навоий тасаввуф таълимотининг соф назарий муаммоларидан ҳисобланган тавба, вараъ, сабр, қаноат, таваккул, риёзат, факр, муршид, маърифат, ишқ, каромат, ҳол, самў, ваҳдат ул-вужуд, илми зоҳирий, илми ботиний, илми ладуний каби ўнлаб масалалари юзасидан “Насойим ул-муҳаббат” асарида маълумот беради. Фақат шу билан чекланиб қолмасдан шайхларнинг тариқатга кириб келиши, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида батафсил тўхталади. Асарда тилга олинган 770 шайхнинг аксарияти тариқатга, аввало, қаттиқ тавба қилиш

билан қадам қўйганлиги баён этилган. Навоий шайхлар ҳаёти билан боғлиқ ибратли ҳикоялар орқали бунини ўзига хос тарзда ифодалашга эришган.

5. XV асргача бўлган даврда шаклланган диний-ирфоний ҳамда фалсафий таълимотлардан, шунингдек, Шарқ мутафаккирлари бой маънавий меросидан улуг алломанинг хабардорлиги унинг тасаввуфий қарашлари чуқур илмий асосга эга эканлигини кўрсатади.

6. Темурийлар сулоласи вакиллари асосан, Алишер Навоий туфайли Нақшбандия тариқатига эътиқод қилишган.

II БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти ўрта асрларда ўзига хос фалсафа сифатида шаклланди ва Шарқ халқлари маънавиятини юксалтиришда ўзига хос ўринни эгаллади. Тасаввуф шухратини дарвеш, сўфий, солих, фақир ва ориф каби тимсоллар дунёга ёйди. Ундаги асосий тушунчалар ҳисобланган тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, таважжух, ризо ва ишқ каби рухлар сўфийлар учун дастуруламал вазифасини ўтади.

Тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга ўта чанқоқ юракни маълум даражада тинчлантиришга кўмак берди. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси (бу яна муҳимроқ), инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқлик. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улўф гуманист шоир ахлоқни — фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўярдиким, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди. Зеро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди⁶⁷. Мутафаккир ўз асарларида тасаввуфий тушунчаларни таҳлилу таъриф қилиш билан кифояланиб қолмай, тасаввуф тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган орифлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирди. Бу ҳам Навоий асарлари умрбоқийлигининг яна бир сабабидир.

⁶⁷ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 159.

2.1. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида илм ва маърифат, тенглик ва эркинликнинг фалсафий-аксиологик таҳлили

Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти дувруғини дарвеш, сўфий, солих, факир ва ориф каби тимсоллар дунёга ёйган. Хожагон тариқати мутасаввифлари асарларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, ориф Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукаммал хабардор солик. Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирик юрмоқ орзуси ила яшаш туфайли орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик кўзга чалинмайди. Ориф мушоҳада юритаркан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, кудрат сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди, балки бутун коинот, борлиқ ва оламнинг сир-асрорларидан ҳам чуқур огоҳликка етишади. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, “валийлик ишоратларини англамоқ” учун давомли ва сокин бир назар билан Тангри даргоҳига талпинади. Ориф – илоҳий файз одами⁶⁸.

Шайх Абу Сайд Абул Хайрга сўфийлик нима, дея савол берилганида, у: “Қўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлаш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчилик) тушса чидаш”, – деб жавоб берган (“Он чи, ки дар даст дорӣ — бидихий, он чи, ки дар сап дорӣ – бинихий ва он чи, ки ба сап ояд — начахий”). Алишер Навоий таъбири билан айтганда, агар бадавлат бир мусулмон мол-мулкининг қирқдан бирини, яъни икки юз дирҳамдан беш дирҳамни закотга берса, сўфий ориф 205 дирҳамни закотга (камбағалларга) беради.

Демак, шариатда бойликнинг қирқдан бири закот қилиб бериладиган бўлса, тасаввуф тариқати вакили қўлида бор мулкни кишиларга эҳсон қилиб, ўзи хокисорликда, камбағалликда умргузаронлик қилади. Гадо ва дарвеш ўртасидаги фарқ ер билан осмонча бўлиб, гадо қорин тўйғизиш илинжида юрган пастҳиммат, ор-номусдан йироқ тиланчи бўлса, сўфийнинг дарвешлиги онгли-ихтиёрий саъй-

⁶⁸ Сафарова Н. Хожагон тариқатида “илм” категориясининг метафизик таҳлили // “Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида республика миқёсидаги илмий- назарий анжумани материаллари. –Бухоро. 2020. – Б. 47.

ҳаракат натижасидир. Дарвешлик – унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиш баробарида, шу йўлда жонини, борлигини бахшида этишга тайёр.

Ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, дунёдан юз ўттирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани ҳар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиланчилиги (толиблик) Илоҳ жамолига етишиш, ғайбнинг сиру асрорини кашф этиш учун тинмай изланиш, руҳни имтиёзлантириб, яйратиб боришдир⁶⁹.

“Абу Туроб Наҳшабий: “Ориф ҳеч нимадан тийралашмайдиган, балки ҳамма нарса ундан равшанлашадиган зотдир”, – дейди”⁷⁰. Жанда кийимида (хирқа) ташқи кўринишидан афтодаҳол бўлган орифлар, ботиний дунёси юксак даражада шаклланган илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли, донишманд кишилар бўлганлар. Гапнинг пўст калласини айтганда, улар шеърият аҳли наздида – барча яхши хулқ-атвор, қарам-саховат, тавозе, сабр-қаноат каби умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган шахс сифатида гавдаланиши керак эди. Ҳазрат Навоий ҳам кўпгина асарларида сўфий дарвешлар, орифлар тимсолини гоҳ мажозий тимсоллар орқали, гоҳида реал шахслар мисолида тасниф этади. Сўфий шоир “Насойим ул-муҳаббат” ва “Лисон ут-тайр” асарларида турли шайхларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳикоятларни келтириб, орифу дарвешлар сийрати, хулқ-атвори, илоҳийлик сифатларини тасвирлайди.

Орифларга хос сифатлар саналган тавозе, ҳилм, қаноат, сидку сафо, бошига тушган ҳар қандай кулфатларни синов дея қабул қилиб, доимо Аллоҳ ҳукмига розилиқда яшаш каби нажиб хислатлар йиғиндиси бўлган соф тасаввуфий асар ҳисобланган “Насойим ул-муҳаббат” муқаддимасида, бу ҳақда эҳтирос билан ёзади. Ҳазрат Навоийнинг хулосавий асари бўлган “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам дарвешлар ахлоқи масаласига алоҳида ёндашилган. Танқидий руҳда ёзилган асарда дарвешларга бағишланган қисм ва фаслларда салбий таърифлар эмас, аксинча

⁶⁹ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 162.

⁷⁰ Сафарова Н. Хожагон тасаввуфий таълимотида илм эволюцияси // “Хожагон-Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизация тарихида тутган ўрни” мазуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро. 2018. – Б. 41.

иждобий сифатлар баёни, тўғрироғи, тасаввуфий ғоялари таҳлили асосий ўрин эгаллайди. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида турли ижтимоий табақалар ахлоқи ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинса, иккинчи қисмида дарвеш ва орифлар хулқ-атвори, тариқат талаблари тўғрисида сўз боради. Асарнинг учинчи қисми “танбех”лардан иборат бўлиб, унда инсонни залолат ботқоғига элтувчи турли нуқсонлар қаламга олинади.

Биринчи қисм қирқ фаслдан иборат бўлиб, унинг қирқинчи фасли “Дарвешлар зикрида” деб номланган. Мазкур фаслда дарвеш, ринд (“харобот аҳли”) ижтимоий тоифалар сифатида талқин қилиниб, шу каби фирибгар, риёга берилган шайхлар жамиятда шаклланиб қолган бир зарарли унсурлар сифатида қаттиқ танқид қилинади.

Алишер Навоий тариқатдаги асосий тушунчалар ҳисобланган тавба, зухд, таваккул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, таважжух, ризо ва ишқ каби рукнлар тўғрисида асарнинг иккинчи қисмида фикр юритади. Мутафаккир мазкур талаблар нима сабабдан устувор саналиши ҳамда улар қандай қилиб дарвеш сифатига айланиши мумкинлигини ҳам изоҳлайди. Шу билан биргаликда, Навоий ушбу ўн рукн талабларини ўқувчи учун тушунарли ва ифодали тилда баён қилади. Ўз-ўзидан, бу мушоҳадалар алломанинг тасаввуф ва тариқатга оид илмларни чуқур ўзлаштирганини кўрсатади.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида устози Абдурахмон Жомийнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзни айтурда бевахму бок бўлғай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдурки, мусулмонлар анинг тил ва илгидин эмин бўлғайлар ва кўзи кўнглидин мутмаин”⁷¹.

”Зеро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди.

⁷¹ Ҳусейнова А.А. Шарқ мутафаккирлари дунёқарашида умуминсоний қадриятлар. –Тошкент: Парадигма, 2017. – Б. 70.

Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди⁷².

“Махбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисмида “Дарвешлар зикрида” деб номланган фасл мавжуд бўлиб, унда Навоий дарвеш ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади: “Дарвеш улдурким, бўлғай ризоандеш, агар ичида бўлса юз неш, тоши бўлғай марҳамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким сидку фано тариқин тузгай ўзин нечукки бор, андоқ кўргузгай. Аноният ғилзатиға қаттиқ риёзатлар била сафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳидалар била чиқиб, фарқ тариқиға кирмиш бўлғай ва фано доруламони жамоатхонасиға етмиш бўлғай. Ҳиммати назариға мосивуллоҳи номавжуд, балки Вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд. Ичи тоши била мувофиқ, балки ортиғроқ, ботини зоҳири била мусовий, балки ёруғроқ. Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса, андин муроде бўлса маломаткашлиқ. Ботини софи-зоҳир тийралиги кони мунофий. Дарвеш тўни йиртуқ андоқтурурким, ганжи макони бузук. Сапо аҳли жаҳонда андоқтурурким, Фаридун ганжи вайронда.

Маъни аҳли ҳақиқати махфий ва сурат аҳлининг даъви ва даъвати ҳақиқатда бемаъни. Эронлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосин тузубтурлар. Қазодин не келса, ўзларин ризога ёсобтурлар ва олам аҳлининг қаттиқ ранжу ирик маломатиға чидабдурлар. Емак — ичмақдин кечибдурлар, Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва кон ичибдурлар. Ризову таслим зовияси — мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозе аларға кеш, душману дўстиға некандеш. Бу сифату ойин била бўлғон эрур дарвеш”.⁷³

Мазмуни: “Дарвеш шундай одамки, Худо ризолиги билан унинг фикру зикри, доимо банд бўлади, ичида юз дард мавжуд бўлса ҳамки, ташқи кўриниши малҳам сингари юмшоқ (ва шифоли) бўлади, у кишиларнинг таъна-маломатиға эътибор бермайди. Дарвеш садоқат ва фано йўлини танлаган, ўзини борица намоён қиладиган кишидир. У кибр ғализликларини кучли риёзатлар

⁷² Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – 59-б.

⁷³ Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998– Б. 44-45.

билан тозалаб, (кўнглини) поклаган ҳамда дунёвий нафсни қаттиқ курашишлар орқали махф этиб, фақрлик йўлини танлаган ва фанонинг хавфу хатардан холи жамиятига етган одам бўлсин. Унинг ҳиммати назарида дунёдаги жамики ғам-ташвиш ва хазиналар арзимас, йўқдай бўлиб намоён бўлса, балки, дарвеш учун Мутлак вужуд (Парвардигор)дан бошқа вужуд мутлақо кўринмаса. Зоҳири ботини билан ҳамоҳанг, балки ботиний дунёси ортиқроқ бўлса, балки ботини нури ёруғроқ, чакнаса. Модомики, ташқи дунёсида ички дунёсининг хавфи учун нимадир намоён бўлса, бу унинг маломаткашлиги мақсади учун бўлса, ботиннинг сафоси зоҳирининг зулматини рад қилади.

Дарвеш тўнининг йиртиқлиги, худди олтину жавоҳир яширинган маскан хароба бўлганидай гапдир. Сабаби шундан иборатки, сафо аҳлининг дунёдаги ўрни, шоҳ Фаридун хазинасининг вайрона жойда беркитиб қўйилганлиги кабидир. Шундай экан, айтиш мумкинки, маъни аҳлининг сирлари яширин ва аксинча, сурат аҳлининг кибрга берилганлиги ва даъватлари аслида бемаънидир. Сўфийлар (мардлар) суратларини пинҳон тутадилар ва маломатий тарзида тескари муҳр уриб, ташқи дунёлари биносини вайрон қилиб, ички дунёлари пойдеворини тўғриладирлар. Улар бошларига тушган ҳар қандай мусибатга розидирлар ва атрофдаги кишиларнинг қаттиқ, ранжу азобига, таъна-даштномларига бардош қиладилар. Улар ортиқча еб-ичишдан қатъий равишда ўзларини тийиб, Аллоҳ ризолигига мушарраф бўлиш учун ғаму андуҳга мубтало бўлиб, қон ютадилар. Шунинг учун дарвешларнинг мақомлари — ризо ва таслим, ҳордиқ чиқарадиган масканлари — фано чўлидир. Адаб ва тавозе, дўсту душманга бирдек эзгулик раво кўриш уларнинг одатлари. Демак, дарвеш мазкур сифат ва қоидалар билан безанган кишидир.

Ҳазрат Навоийнинг дарвеш сурат ва сийратига берган таърифи шу қадар бир-бирига мантиқий боғлиқликда берилганки, агар биз дарвеш сиймосини давлатга қиёсласак, ушбу баённома худди ўша давлатнинг харитасидек гавдаланган. Ҳар бир жумлада орифга хос бўлган маълум бир фазилят баён қилиниб, мазкур хислатлар маржондай кетма-кет тизилиб, бир-бирини тўлдиради ва изоҳлайди.

Хусусан, Тангри таоло томонидан белгиланган тақдирга розилик ва маломатийлик дастлабки жумлада, фонивашлик кейинги жумлада, риёзат билан покланиш учинчи жумлада, тўртинчи жумлада фақр мақомини қўлга киритиш, бешинчи фикрда эса Мутлақ вужуд томон саъй-ҳаракат қилишда буюк ҳимматни намоён қилиб, йўқлик дунёсидаги барча оворагарчиликлардан йироқ бўлиш, зоҳирий ва ботиний оламнинг бир-бирига мутаносиблиги ҳамда ботиний оламдан таралаётган нур кишилар қалбига нури илоҳий тухфа этиши ҳақида фикр билдирилади.

Мутасаввиф Навоий сўфий ички дунёсининг мафтункорлиги тўғрисидаги ғояни такрор-такрор келтиради. Боиси Ҳазрат Навоий учун орифнинг хулқ-атвори зоҳиран намоён бўлиши, кийиниши эмас, аксинча, у илоҳий хислатларни қанчалик ўзида сингдиргани, инсонларга фойдаси тегадиган яхши амалларни ўзида жо қилганлиги билан белгиланади. Навоий учун дарвеш Худо йўлида жамики мушкулотларга сабр қиладиган, дўсту душманни баробар биладиган, офтоб каби сахий кишидир. Сўфий шоир таъкидича, “дарвешман” деб кўкрак керадиган киши, аслида, дарвеш эмас, аксинча, кибру ҳавога берилган одамдир. Дарвеш одоб ва камтаринликда башар аҳлига ибрат бўлмоғи даркор. Шундагина у ризо ва таслим, фано ва тамкин даражаларига етишади.

Маълумки, маломатия оқими вакиллари ташки кўринишларини харобот ҳолда кўрсатиб ва ҳаттоки, кишилар уларни маломат қиладиган даражадаги ҳаракатларда бўлишарди. Мазкур ҳаракатлари ортида “Халқ бизни қанча маломат қилса, биз Ҳақ наздида шунча эътибор қозонамиз”, деган фикр ётарди. Ҳазрат Навоий сўфий хулқ-атворидаги маломатийликка алоҳида эътибор қаратади, маломатиянинг юқорида кўрсатилгани каби меъёрдан ошган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватламай, балки улардаги камтаринлик, хокисорлик сифатларни маъқул кўради. Навоий дарвешга хос бўлган фазилатларни санар экан, халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган ривоятлардан ҳам моҳирона фойдаланади. “Дарвешнинг ички дунёси бир хазина бўлса, унинг зоҳири шу хазина яширилган харобадир”, – дейди муаллиф. Ижодкор бу ўринда қадимги ҳукмдорларнинг олтину жавоҳирлари вайроналар ичига кўмилган бўлади, деган ривоятга белги бермоқда.

Орифнинг маломаткашлиги Худодан ва халқдан нима келса, уни ризолик билан қабул қилиб, барига сабр қилишида кўринади. Сўфийнинг дунёдан узилиб қолгандай бўлиб қолишининг сабаби, унинг бутун борлиғи билан Мутлақ Рух вужудига сингиб кетганлигидир.

Юқоридагилардан кўринадики, Алишер Навоий тавсифномаси ризо, аноният (манманлик), сафо (кўнгил поклиги), фано, фақр, ҳиммат, зоҳир, ботин, сурат, сир, маъно, қазо кабилар мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига мантиқан боғлиқликка ва ўзаро бир-бирини изоҳлаб келувчи тушунчаларга асосланган. Навоий таъбирича, ориф донишманд, билгувчи, Ҳақ маърифатидан бохабар, том маънода Аллоҳни танигувчи маърифатли кишидир.

Тасаввуф вакиллариининг таъкидича, маърифат – инсоннинг ўзини ва Тангрисини танишидир. Маъни аҳлининг эътирофича киши фақатгина маърифат орқали саодатга эришиб, Яратганга яқинлашади.

Маърифатни сўфийлар ирфон ҳам дейишган ва уни Аллоҳнинг эҳсони деб билганлар. Арабий бу калима “арафа” сўзидан ясалган бўлиб, “билмоқ”, “танимоқ” сингари маъноларда қўлланилган. Демак, тасаввуфнинг амалий босқичи саналган тариқатдан мақсад маърифатдир. Маънавий ёки ички тажриба билан эришилиши боис маърифатга “важдий илм”, “завқий илм” дея изоҳ берилади. Бу илмнинг соҳиби орифнинг қалби Аршдан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққакдир. Чунки “Арш ва курсининг ичидагилар, олами жисмонийдир. Қалби солимнинг руҳи инсонийдирки, у амри Раббоний эрур”. Шунга кўра ориф бирор бир қавм ёки миллатнинг эмас, жаҳоннинг султони, дея тан олинган.⁷⁴

“Насойим ул-муҳаббат” асарида Ҳазрат Навоий тавба, фақр, сабр, зуҳд, ризо каби мақомларга таъриф бериб, уларга оид тарихий шахслар – авлиёлар, шайхлар ҳаётидан ҳикоялар келтиради. Асарда ризо мақомига алоҳида урғу берилиб, Абулҳасан Сирвонийнинг ризо тўғрисидаги фикри келтирилади: “Ризо — ғайбдан етадиган нарсаларга мувофақат қилишдан устун туради”⁷⁵. Заҳириддин Абдуррахмон бинни Али бинни Бузғушнинг ризо

⁷⁴ Латипов Ҳ. Навоий орифлик ва ориф ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2019. 1-сон, –107-б.

⁷⁵ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001, –Б. 156.

ҳақидаги байтини Навоий келтиради. Унинг мазмуни қуйидагича: “Юксак ризо мақомига етганимда ҳам рози эмас эдим, ризодин юксакрок мақомдан ҳам кўнглимиз зада. Бизга фироқ юзланиб, мақсаддан йироқлашган пайтимизда менга саломга келувчи ҳаёлинг билан қаноатланаман”⁷⁶.

Абу Бакр Саққо қуйидаги ҳикоятни келтиради: “...кемада эрдим. Ел кўбди ва кўлак бўлди ва халқ дуога фарёд торттилар. Кемада дарвеше бор эрди, бошин гилимига чирмағон. Анинг қошига бориб, айттиларки, агар телба эмассен, бу ҳолатдаки халқ дуога машғулдурлар, сен ҳам бир нима дегил! Бошин гилимдин чиқарди ва дедиким, [сенинг қалбингга ҳайронман, нега биздан юз ўгирди?] ва бошини юқориға тортти. Дедиларки, не девонадур? Анга дерларки, дуо қил, ул байт ўқур! Яна бошин гилимдин чиқарди ва сўнгги мисрани ўқидиким, [менга бўлган юксак муҳаббатинг нега йўқолди?]. Ул ел ва ошуб бирор нима ўқсуди. Яна анга дедиларки, бир нима дегил! Бош чиқарди ва дедиким, [Иккисидан ҳам ажойиброғи шуки, ғазабланган ҳолимда ҳам сенга ризо кўзи билан боқаман]. Ел таскин топти ва кўлак ором тутти”⁷⁷.

Мазкур ҳикоят орқали инсон маълум бир мушкулот домига тушганда, билиб-билмай қилган гуноҳ ишларидан тавба-тазарру қилган ҳолатда, сабр-тоқат билан таваккал қилиб Парвардигордан ёрдам сўраши англашилади. Абу Бакр Саққо дарवेशни тариқатнинг барча мақомларини босиб ўтганлигига ишора қилиб, ҳикоятда уни намуна сифатида кўрсатмоқда. Сабаби шамол турганида бошқа кишилар саросимага тушиб, босар-тусарини билмай, оҳу воҳ чекканда, дарвеш хотиржам, сокин бир назар ила босиқлик билан шамолни кетказишга муваффақ бўлади. Дарвеш учун атиги бир байт офатни тўхтатишга кифоя қилди. Дарвеш оддий халқдан фарқли равишда фарёд қилмай, ичида кечаётган ҳолатни байтда ифодалай олди. Мазкур байт кенг маънода эканлиги билан характерланади. Дарвеш ғазабнок эса-да, Яратганга ризо кўзи билан боқади. Тариқатнинг барча босқичини

⁷⁶ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. –Б. 334.

⁷⁷ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. – Тошкент: Фан, 2001. –Б.127-128.

босиб ўтган хос инсонларнинг амаллари ва айтган сўзлари ижобат бўлишини мазкур ҳикоят яна бир бор исботламоқда.

Ҳазрат Навоий фикрича, валийлар валоят ва каромат соҳиблари бўлиб, “халойикқа иршоду уҳда (ҳидоят) килурлар, муборак зотларининг баракоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмағай”⁷⁸. Валийлар бажариши ва амал қилиши лозим бўлган баъзи аъмол ва афъоллар қуйидагилар: тавба, ҳалол луқма, муайян касб билан машғул бўлиш, шариат қоидаларига риоя қилиш, тариқат одобига амал қилиш, закот тўлаш, хокисорлик, ўзгалардан ўзини кам деб ҳисоблаш, ширинсухан, раҳмдил, сахий, мард ва мулойим бўлиш, ризолик билан кун ўтказиш, сабрли ва чидамли, садоқатли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик, фавқулодда, ғайритабиий аъмоллар, кароматлар кўрсатиш⁷⁹.

Алишер Навоий авлиёларнинг тариқат одоби борасида қуйидагиларни баён қилади: “Ул адабдурки, яхши ва ямонга, улуғ ва кичикка бажо келтурурлар, андоқки, барча халойикдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар”⁸⁰. Шунингдек, Навоий уларнинг фарзандларига ва ўз қўл остидаги кишиларга, агарки улар нотўғри иш қилсалар ҳам қаттиқ гапирмай, аксинча юмшоқ тиллик ҳамда ширинсўзлик билан муносабатда бўлишларини таъкидлайди. Ҳаттоки, ўғрига ҳам шундай муносабатда бўлишини айтади.

Шу ўринда Хожагон тариқати асосчиси Абдухолик Ғиждувонийнинг устозлари Юсуф Ҳамадоний ҳақида сўз юритишни жоиз деб топдик. Юсуф Ҳамадоний (1050-1142) йирик мутасаввиф саналиб, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдулло Барроқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хўжа Абдухолик Ғиждувонийлар унинг халифалари ҳисобланган. Ғиждувоний ўзининг “Мақсад ас-соликин” асарида муршиди ҳақида шундай дейди: “Ҳақдан огоҳ бўлган ва унинг таомилига мушток, мутлақ ҳақиқатнинг толиби воқиф бўлгинки, ёшлик чоғида ғурур, кибр, нафс ва шайтон васвасаси ғолиб

⁷⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 17, –Тошкент: Фан, 2001, – Б. 9.

⁷⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 17, –Тошкент: Фан, 2001, – Б. 9-16.

⁸⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 17, –Тошкент: Фан, 2001, – Б. 13.

бўлиши мумкин. Шу пайтда умид пайдо бўлиб, бу кароматни топдим, давлатга эришдим ва саодатни топиб, Шайх Абу Юсуф Ҳамадонийнинг йўлига кирдим”⁸¹. Абдухолиқ Гиждувоний устозига бағишлаб ёзган “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” асарида Юсуф Ҳамадоний томонидан айтилган 4 муқаддас калимани келтиради: “Хуш дар дам доред” (ҳар бир нафасда хушёр бўлинг), “назар дар қадам доред” (ҳар бир қадамингизга қараб юринг), “сафар дар ватан доред” (ватан ичра сафар қилинг), “хилват дар анжуман доред” (анжуманда хилватда бўлинг)⁸².

Хусусан, ҳазрат Навоий Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида фикр юритиб, унинг “Имом, олим ва орифи раббоний”⁸³, “каромат” соҳиби эканлигини айтади. Хожа Абдухолиқ Гиждувонийни эса “тарикат ҳужжати” деб атаб, ул зотнинг ахлоқини шундай таърифлайди: “Ҳамиша сидқу ва сафо йўлида ва Мустафо с.а.в. шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво муҳолифатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубтурлар”⁸⁴.

Юсуф Ҳамадоний ғояларини ривожлантирган Абдухолиқ Гиждувонийнинг таълимоти еттинчи пир – Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган тасаввуфий ҳалқада янада такомиллашди. Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари ахлоқий қарашларига чуқур сингиб, темурийлар даврида давлат мафкураси даражасига кўтарила олди. Мазкур даврда фаолият юритган улўф мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий нақшбандийлик таълимоти вакили сифатида, нафақат ўз маънавий меросида, балки бошқарувчилик фаолиятида ушбу таълимот ғояларидан кенг фойдаланди.

Ҳазрат Навоий орифликнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига кўпроқ эътибор бергани боис бир ғазалида қуйидаги фикрни баён қилади:

“Фақр қуйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,

Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс”⁸⁵.

⁸¹ Хўжа Абдухолиқ Гиждувоний. Мақсад ас-соликин. –Б 2.

⁸² Шарипова О. Хўжа Абдухолиқ Гиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлоқий қадриятлар: Фалс. фанлари номз...дисс. – Тошкент., 2010. –Б. 36.

⁸³ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ.20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001, –Б. 247.

⁸⁴ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ.20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001, –Б. 249.

⁸⁵ Навоий Алишер. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 1. –Тошкент: Фан, 1987. –Б. 98. (Латипов Ҳ. Навоий орифлик ва ориф ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёт журнали. 2019. 1-сон, –Б. 107 дан кўчирилди.)

Алишер Навоийнинг дўсти ва замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ёзадики: “Фақр валилик конидан топилган гавҳар ва ҳидоят осмонида чақнаган ахтар (юлдуз)дир”. У – бамисоли куёш, яхшию ёмонга беминнат нур сочади, ҳеч кимни ўз нуридан бебаҳра қолдирмайди. У заминдай вазмин, тавозели, давр ва замон “инқилоби қусури” таъсирида ўзгармас, ўз мақомидан силжимас собит қалб ва хулқ-атвор соҳиби. Дарвеш булут каби сербарака, саховатли. Ҳўлу қуруққа баробар раҳмат ёмғирини ёғдиради, ғўристон билан гулистонни ажратиб ўтирмайди⁸⁶.

Орифлик даражасига эришиш учун илм асос вазифасини ўтайди. Чунки ҳар қандай эътиқоднинг асосини илм ташкил қилади. Аёнки, тасаввуф аҳли билимни иккига: зоҳирий ва ботиний билимларга ажратади. Хожагонлар фикрича, шариат билимлари ва дунёвий билимлар зоҳирий билимдир. Зоҳирий билимлар Яратганни билишнинг биринчи босқичидир. Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Чунки моддий олам, борлиқ Аллоҳ Таолонинг тажаллийси бўлиб, улар ўртасида изчил уйғунлик бордир. Хожагонлар моддий олам ҳақидаги ва шариат билимларини илм ал-яқин ва айн ал-яқин деб атаганлар.

Солик эришган маърифат босқичи эса ботиний илм ҳисобланиб, солик эгаллаган “Ҳаққ - ал-яқин” (“Шак-шубҳасиз Ҳаққа етишиш”) даражасидаги илмдир. Хожагонлар таъкидлашича, бу икки хил, икки даража илмлар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Масалан, Хожа Ориф Ревгарий ёзади: “Илм ал-яқин ва айн ал-яқин бўлмаганидан кейин бу ҳақда (яъни Ҳақ ал-яқин ҳақида) ўйлашнинг фойдаси йўқ”⁸⁷. Дунёвий ташвишлар инсонни ўз гирдобига тортади, натижада инсон ўз яратувчисини унута бошлайди, улар орасида маълум бир тўсиқ (парда) пайдо бўлади. “Сени Аллоҳдан тўсувчи парда дунёдир!”,– дейди Хожа Ориф Ревгарий⁸⁸.

⁸⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. –Тошкент:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

⁸⁷ Ревгарий Хожа Мухаммад Ориф. Орифнома. Қўлёзма. Бухоро//Жонмуҳаммад Гуловнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. – Б.6.

⁸⁸ Ревгарий Хожа Мухаммад Ориф. Орифнома. Қўлёзма. Бухоро //Жонмуҳаммад Гуловнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. – Б.8.

Ибн ал-Арабий ҳам илм турлари ҳақида тўхталиб, уларни аклий, хиссий илмлар (биринчи гуруҳ), ҳол илми (иккинчи гуруҳ) ҳамда сирру асрор илми (учинчи гуруҳ)га ажратади. “Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм – ҳол мартабасига кўтарилган сўфийлар илми ҳисобланади. Учинчи илм авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла нур кўринишида қалбга киради”⁸⁹.

Айни шу жойда Алишер Навоийнинг илмга муносабати ҳақида тўхталмоқчимиз. Алишер Навоий ҳам ҳар бир орифга илмларни эгаллаганлик даражасига қараб, ҳар хил даражалар насиб этишини ёзади:

Бўлди ирфони ҳар кимга сифат,
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,
Қилди водий тай қилурға иштиғол⁹⁰.

Шуни таъкидлаш жоизки, билиш назарияси Навоий ижодида умуман, унинг фалсафий тизимида асосий белгиловчи лаҳзалардан бири ҳисобланади. Навоий воқеликни тўғри акс эттириш катта аҳамиятга эга бўлиб, у билиш жараёнининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Е.Э.Бертельс ижодида Навоийнинг реал воқелик билим манбаи, инсон билимни ўраб турган оламдан олади, билим бу оламнинг аксидир (акси-жаҳон) деган фикрлари ўз аксини топган. Буларнинг барчаси субъектдан ташқарида мавжуддир. Навоийнинг фалсафий асари “Ҳайратул аброр”да бу масалага махсус боб ажратилган. Оламдаги барча нарсалар идрок (ҳис қилиш аъзолари) қилиш предметлари (объектлари)дир⁹¹.

“Ҳайратул-аброр”нинг ўн биринчи мақолатида илм-фанга, илм аҳлига юксак баҳо берилиб, кишиларни илм олишга, илм аҳлини эса эъзозлашга даъват қилинади.

⁸⁹ Шарипова О. Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлокий кадриятлар: Фалс. фанлари номз...дисс. – Тошкент: 2002. –Б. 76.

⁹⁰ Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 12. –Тошкент: Фан, 1996. – Б. 251.

⁹¹ Б.Н.Туробов “Е.Э.Бертельс ижодида Алишер Навоий фалсафий-тасаввуфий қарашлари таҳлили”. Фалс.фан.док.(DhD)...дисс. автореф. – Самарқанд –2021. –Б. 15.

Алишер Навоий замонасидаги баъзи иллатларни мақолатнинг илк байтлариданоқ фош этишга бел боғлайди:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,

Хор дурур олими жоҳил азиз.

Токи жаҳон зулмини қилмиш писанд,

Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд.

Разлға рифъат, билик аҳлига ранж,

Тоғ уза хорова, ер остида ганж⁹².

Даҳр, яъни дунёнинг иши оддий халққа зулм қилиш билан давом этаркан, олимлар хору, жоҳил, яъни илмсиз кишилар азиз бўлиб қолаверади, – дейди, мутафаккир. Аллома кейинги байтда ҳаётий тамсилларга мурожаат этиб, жаҳонда зулм ўтказиш авж олиб бораверар экан, меванинг ерга тушиб, кадрсизланиши, ёғоч – дарахтнинг эса сарбаланд туриши бардавом бўлади, деб куюнади. Мазкур фикр орқали Навоий яна аҳли илмнинг хору зорликда яшаши давом этаверади, демоқчи. Навбатдаги байтда айтилганидек разил одамга рифъат, яъни юксак мартаба насиб этиб, билим аҳли машаққатлар гирдобида қолишининг сабаби – шу. Ушбу ҳолат тоғ устида янтоқ ўсиб, ер остига ганж яширин туришига қиёсланади. Мутафаккирнинг бу каби образли жумлаларни қўллаши китобхон эътиборини тортиб, Навоийнинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигини яна бир карра исботлайди. Жамиятда юқоридаги каби зулм давом этаверса, илмталаб киши бу шаҳарни тарк этиб кетиши ва бир неча йиллик машаққатлардан сўнггина ўз олдида қўйган мақсадига эришишини баён қилади:

Оч этибон қорнини муҳтожлик,

Туъмага муҳтож этибон очлиқ.

Жисмини чу заъф этибон андоқки нол,

Хома киби тил чекиб, айлаб савол.

Ҳар не етиб қониъ ўлуб ер юруб,

То ўзини ўз мақсадиға еткуруб⁹³.

⁹² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 226.

Келтирилган парчада толиби илмнинг машаққатли кунларида жисми ноль, яъни қамиш ичидаги пуфакдек бўлса ҳам, сабр-тоқат унга чинакам ҳамроҳ бўлгани ва айнан шу фазилат уни мақсадига етказгани айтиляпти. Охир-оқибатда илм унга ҳақиқий шараф келтиришини таъкидлайди. Мазкур ҳолат ўқувчига Ҳазрат Навоий ўз бошидан ўтказганларини айтиб бераётгандек таассурот уйғотади.

Шунингдек, Навоий “Ҳайратул-аброр”да яна фикрларини давом эттириб, илм толибининг кўнгли, илм дарёсининг жуссаси қатрада жо бўлгани сингари илм масканига айланишини таъкидлайди. Бунинг учун илм толиби миллат ажратмай ўқиб-ўрганишдан чарчамаслиги зарурлиги, айнан шу ҳолатдагина унинг кўнгил уйини илм бир жаҳонга айлантиришига урғу қаратиб, Ибн Синодек фикратга эга бўлган илм соҳиби олдида бутун фалакларнинг мушқули жадаллик билан ҳал бўлишини айтади. Машаққатларни енгган илм толиби дину эътиқод масаласида Имом Ғаззолий ва Имом Шофеийлар даражасига эга эканлигини ёзади. Мисралар мазмунидан кўринадики, илм ҳар икки дунё учун инсонга фойда келтириб, кишини ердан кўкларга кўтаради. Шунингдек, шеър мазмунан инсонларни илм йўлидаги машаққатлардан чўчимасликка, аксинча, ўз устида тинимсиз изланиб, ўзини ислоҳ қилишга ундайди.

Навоий таъбирича, илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиши учун ҳар қандай тўсиқларни ортда қолдиради, ўзига илмни таянч қилиб олган инсон ҳеч қачон ҳаёт йўлларида, турмуш чорраҳаларида қоқилмайди, хор бўлмайди. Аллома таъкидича, илмнинг вазифаси инсон бахт-саодатига хизмат қилишдан иборат.

Илмни, фанни ўрганишга ундаркан, бу билан Навоий ҳақиқий инсоний хислатларни ўрганишга, уларни ўзлаштиришга ва чин инсон бўлишга чақиради. Илмли бўлиш, Навоий фикрича, ҳақиқий одам бўлиш демакдир. Илмли одам ҳам ўзини бахтиёр этади, ҳам ўзгаларни саодатли қилади. Навоийча, илмли одам агар ўз илмини амалда жорий этмаса, фойдали ишга

⁹³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 229.

сарфламаса, эл-юрт манфаатига яратмаса гўшанишин олим бўлиб қолади, ҳақиқий одам ҳисобланмайди. Демак, Навоий умуминсоний кадрият бўлган илмни умумга фойда берувчи, халққа бахт бағишловчи воситага, қуролга қиёслайди. Илм инсонларнинг бир-бирларига ёрдам берувчи омил бўлишини истайди.

Илм эгаси, олим одам инсонларни жамиятни текширади, ўрганади, қандай инсон жамиятнинг яхши, қандайи ёмон эканлигини тайин этади, одамлардаги хислатларни тадқиқ этади, уларнинг қайсиси хайрли, қайсилари қабих, зарарли эканлигини муайян этади. Инсоннинг ҳақиқатан ким эканлигини, унинг яшашдан мақсади нима эканлигини, қандай яшаш зарурлигини, қандай қилса, қайси йўлда юрса, яхши яшай олишини, қандай принципларга асосланган жамият, яхши ё ёмон, нима қилса, мамлакат обод, халқ хушбахт бўлишини таҳлил этади, ўргатади.

Алишер Навоий умрининг охирида битилган фалсафий ва ахлоқий – таълимий йўналишдаги “Маҳбубул–қулуб” достони уч қисмдан иборат бўлиб, инсонийликни эгаллашда муҳим ўрин тутаяди. Асарнинг учинчи қисми йигирма тўққизинчи мақолотида мутафаккир илм тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилади:

Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой – ёғинсиз булутга ўхшайди; илмига амал қилмаган олим –устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

Байт: Ҳаммол қимматли юк ташиса ҳам,

Унга иш ҳақи бир –икки чақадан бошқа наф тегмайди.

(Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,

Йўқ наф анга ғайри музд бир –икки дирам⁹⁴.) (37- Танбех)

Алишер Навоий учун илм бу – ҳамма масалаларни ҳал қилувчи воситадир:

Улум ичра менга то бўлди мадҳал,

Топилмас мушкили мен қилмаган ҳал.

⁹⁴ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 14. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 90.

Бу билан мутафаккир дунёдаги ҳар қандай қийин масалалар илм туфайли ҳал бўлишини, энг мушкул ишларнинг ҳам ечими топилишига эътиборни қаратади.

Ижодкор қуйидаги байтда ҳар қандай мушкулотнинг калити бўлган илм хазинасини ёшлиқдаёқ эгаллаш лозимлигини уқтиради:

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,

Қарилик чоғи харж қилғил ани⁹⁵.

Кексалик чоғида илм асқотишини таъкидлайди. Табиийки, ёшлиқда тана соғлом, бақувват, хотира эса тиниқ бўлади. Бу эса ўрганилганлар онг-шууримизда бир умрга муҳрланиб қолишининг гаровидир. Ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ёшлиқда олинган билим – тошга ўйилган нақшдир”.

Алишер Навоий таъбирича, илм олиб, унга амал қилмаган киши мисоли ерни ҳайдаб, уруғ сепмаганга ёки уруғ сепиб, уруғидан ҳосил олмаганга ўхшайди.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий илмни, илмли одамларни ғоят қадрлаб:

“Бировким қилса олимларға таъзим,

Қилур гўёки Пайғамбарға таъзим”⁹⁶, – дея насиҳат қилади.

Юқоридаги таъкид, фалсафий категория бўлган алоҳидаликни ўзида намоён қилиб, мутафаккирнинг илм аҳлига бўлган юксак муносабатини намоён қилади.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Навоий илм орқали Фарҳоднинг ақл идрокли, билимдон, камтар, ҳунарманд, иродали, инсонпарвар ва эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади. Мазкур дostonни ўқиган ўқувчи инсоннинг етуклигини кўрсатувчи сифатлардан бири – илм эгаллаш эканига иқрор бўлади:

“Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,

Билиб таҳқиқини касб этмаган илм”⁹⁷.

⁹⁵ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. 15 жилдлик, Ж. 15. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 242.

⁹⁶ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ.20 жилдлик, Ж. 8. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 510.

Кўринадик, Ҳазрат Навоий Фарҳоддаги инсоний хислатларни мадҳ этиб, у илм эгаллаш билан чекланиб қолмай, ватанпарварлик, инсонийлик фазилатларини ҳам чуқур эгаллаганлигини таъкид этади. Аслида, инсон зехнини, фикрини қилич каби ўткир қиладиган восита илм эканлиги рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Илмсиз инсон мевасиз дарахтга қиёсланади. Илм дарахт меваларидек кишига озуқа бериб, унга маданият, маърифат дунёси эшикларини очади. У орқали яхши-ёмонни фарқлаш, қариндош-уруғнинг фазилатларини англаш, ҳалолни ҳаромдан ажратиш қонун-қоидаларини ўрганиш мумкин.

Навоий “Ҳайратул-аброр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида кўча-кўйда санғиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-сўфийлар, бадмаст риндларни қоралаб, танқид остига олса, “Мажолис ун-нафоис” асарида дарвештабиат олим-шоирлар ва хунар аҳлини барча учун намуна бўладиган хушхулқ инсонлар сифатида қаламга олади. Хусусан, Давлатшоҳ Самарқандий (Амир Давлатшоҳ)ни хушхулқ ва дарвешсифат ҳамда юқори салоҳиятли йигит эканлигини таъкидлаб фикрини қуйидагича давом эттиради: “Тўшае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанат (деҳқончилик) била қаноат қилди ва фазойил ва камолот иқтисоби (касби) била умр ўткарди”⁹⁸. Ёки Навоий Амир Маҳмуд Барлосни хуштаб ва хушхулқ эканлигини айтиб, бундай дейди: “...дарвешваш ва фоний машраб (фано бўлишга мойил) ва бетакаллуф кишидур”⁹⁹. Бу сифат, мутафаккирнинг ёзишча, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Масъуд, Мавлоно Ҳожи, Мир Ҳусайн Али Жалойир; шахзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий “табъи дарвешу ўзи шоҳнишон..., қаноат кўнимининг хокнишини, илму зако аҳлининг яғонаси, фақру фано хайлининг бенишонаси”, дея таъриф этади¹⁰⁰.

Айтиш мумкинки, ўзида ижодкорлик, олимлик, сиёсатдонлик ва дарвешлик хусусиятларини мужассамлаштирган Ҳазрат Навоий учун дарвешлик комил инсонга хос барча хусусиятлар тизими сифатида эътироф этилган.

⁹⁷ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 8. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 74.

⁹⁸ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 13. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 135. www.ziyouz.com

⁹⁹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 13. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 145.

¹⁰⁰ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. –176-б.

Навоий бадий-фалсафий дунёқараши моҳиятини англаш учун, албатта, XV–XVI асрларда Ўрта Осиёда етакчи диний-фалсафий мафкура ҳисобланган тасаввуф таълимоти ғояларидан ҳамда унинг бевосита таъсири остида шаклланган сўфиёна адабиёт намуналаридан ҳам етарлича бохабар бўлиш даркор. Чунки “тасаввуф адабиётини ўрганмасдан ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас”¹⁰¹. Ҳазрат Навоий назмиётининг ҳам ирфоний адабиётда бекиёс саналиши сабаби унинг мана шундай фалсафий муҳитда камолга етганлигидир. Нақшбандия тариқати вакили Алишер Навоий учун ҳам назмда қалам тебратишдан асосий муддао назмбозлик ёки қофияни маржондек тизиш эмас, балки, кўнглида лиммо-лим бўлган ориф руҳи ва ҳолини уни ҳазм қила оладиган ўқувчисига тортиқ қилиш эди.

Ижодкор шеърнинг мақсадини ҳам шундан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Навоий назмнинг мақомини “эъжоз” – мўъжизавийлик мақоми билан тенглаштирир экан, у қайси суратда бўлмасин (ғазалми, рубоийми, қитъами, фардми ва ҳ.к.) унинг замирида маъни бўлиши кераклигини, назм бўлсаю маъниси бўлмаса аҳли маъни олдида эътибори бўлмаслигини таъкидлайди:

“Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди тенгри каломида назм.
Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас”¹⁰².

Инсон адабиётнинг предметини ташкил қилгани сабабли, у фақатгина инсонга хос руҳий ҳолатларни чизиш билан кифояланмай, киши маънавий оламининг юксалишига ҳам жавобгар саналади. Навоий буни яхши тушунган ҳолда ўзининг ҳар бир девонини анъанавий ҳамд ва наътлардан

¹⁰¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 54-б.

¹⁰² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.Ж.7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 61.

ташқари ирфоний-фалсафий мазмундаги шеър ва байтлар билан бойитади.

Орифона ғазалларнинг мазмун-мундарижасини тадқиқотчи К.Муллахўжаева қуйидагича таърифлайди: “Дунёни мукаммал идрок этиш, зотни сифатда, моҳиятни ҳодисада кўра олиш, ўзликни англаш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш сингари масалалар ва энг муҳими, шу сифатларни ўзида жамлаган комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашлар орифона ғазалларнинг бош ғояси ва асосий мазмунини ташкил этади”¹⁰³. Мазкур фикрни нафақат аллома ғазалларига, балки унинг бошқа турдаги барча шеърлари мазмунига кўра бемалол қўллаш мумкин.

Мутафаккирнинг “Муножот” асарининг ҳар бир жумласи Аллоҳга мурожаат, яъни “илоҳи” сўзи билан бошланади. Мутафаккир назмий ва насрий асарларидаги мурожаатларида, айниқса, “Муножот” асарида Аллоҳнинг комил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эҳтиёжларини изҳор этади.

Кўҳна Шарқ шеърлятига хос бўлган айнан мана шу “ожизлик изҳори” мумтоз адабиётдаги анъанавий баён усулларида бўлиб, комил инсонга хос бўлмиш фазилатлардан ҳисобланган. Ижодкор ўзини беҳад гуноҳкор, яратганни пок ва акрам (карамли), ўзини чексиз исёнкор ва Холиқни раҳмли ва меҳрибон деб атар экан, ички қофия, тазод, иштиқоқ санъатларининг бетакрор намуналари шоир ҳис-туйғулари билан уйғунлик касб этганлига гувоҳ бўламиз:

Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен ва мен – гуноҳкор.

Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен ва мен тийрарўзғор.

Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ,

Аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ...¹⁰⁴

Мазкур асар моҳиятан Ҳақ васлига ташна, орифлик мақомига эришган ошиқнинг ҳиссиётларини ўзида акс эттириб, жанрий жиҳатдан назм ва наср хусусиятларини намоён қилади.

¹⁰³ Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги. – Тошкент: НДА. 2005. – Б. 14-15.

¹⁰⁴ A.A.Gulova. Religious and sufi works of Alisher Navai - an inexhaustible treasure. Indonesian Journal of Education Methods Development Vol 9 No 1 (2020).

Абу Наср Саррож тасаввуфнинг қуйидаги мақомларини таъкидлайди: Тавба, Вараъ, Зухд, Фақр, Сабр, Хавф, Рижо, Таваккул, Ризо. Баъзи бир тадқиқотчилар санаб ўтилган мақомлар ёнига яна Қаноат, Сидқ, Итминон, Шукрни ҳам қўшганлар.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарининг муқаддимасида тасаввуф аҳли, азиз-авлиёлар даражасидаги асл сўфийлар барча соҳаларда Муҳаммад пайғамбарнинг издошлари бўлган етук, баркамол инсонлар, илм, маърифат соҳиблари эканини билдиради. Бу уламолар давлат бошлиқлари ва мансабдор шахсларни мамлакатда халқ фаровонлиги учун адолат тизгинини доимо ушлаб туришга, кишиларни ўзидаги зарарли иллатлардан воз кечиб, руҳий ва маънавий юксаклик томон ҳаракат қилишга даъват этадилар. Тасаввуфнинг бошқа ахлоқий, ижтимоий, фалсафий таълимотлардан фарқи – унда назария билан амалиётнинг бирлиги, ажралмас, узвий эканлигидир. Агар сўфий олим, ориф билганларига ўзи амал қилмаса, мунофиқлар қаторига тушиб қолади. Бундай фасод (бузилиш)га йўл қўймаслик учун бўлғувчи софий (сулук толиби, солиқ) пири раҳбарлигида руҳини, нафсини жуда кўп иллатлардан тозалаши, риёзат, машаққатлар чекиб, синовлардан, имтиҳонлардан ўтиши керак. Алишер Навоий “Насойим” муқаддимасида бу имтиҳонлардан аввалгиси тавба мақоми, иккинчиси “луқма қилляти” (озлиги, яъни турли-туман тансиқ таомларга қизиқувчилар бу имтиҳондан ўтолмайди), учинчиси – таом топиш учун бирор касб-ҳунар билан шуғулланиши (Азиз-авлиёлардан кўпчилиги бинокор уста, дурадгор, ғишт қуювчи, пичоқчи, новвой, қассоб бўлиб, шу касбларидан ҳалол таом топар эдилар) лозимлигини айтади.¹⁰⁵ Навоий ёзишича, тўртинчи мақом – шариат риояти, яъни шариатдан четга чиқмаслик, ношаръий ишлар билан шуғулланмаслик. Мазкур шартларни Навоий исломнинг асосий аркони, устунлари деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, файласуф хокисорлик, ҳалимлик, ризо, саховат, сабр, жавонмардлик, сидқ, риёзат ва кароматни

¹⁰⁵ Ўзбекистон фалсафаси тарихи. Ж. 2. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. –Б. 105-151.

тасаввуф аҳлининг амаллари, феъллари, риёзат ва муомалатлари қаторига киритади.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Абдурахмон Жомий ва унинг замондоши бўлган валий зотлар ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритганини маълум қилади. “Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди” деб аталган қисмда Алишер Навоий инсоннинг яратилиши сабаби, Аллоҳнинг ҳикмати, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳаққа ҳабиб эканлиги билан боғлиқ тушунчаларни баён қилади.

Мир Алишер Навоий икки дунё сарвари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам тўғрисида қуйидаги фикрларни айтади: “Ва чун ул Ҳазрат с.а.в. анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким ноқислар такмилига умматининг комилу олимларини номвар эттики, бурунғи анбиё ўрнига ухдо қилгайлар ва йўлдин чиқғонларга йўл кўргузгайлар...”¹⁰⁶

Алишер Навоий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг пайғамбарлик эшиги беркитилган бўлса-да, мўминлар пок эътиқод, тақво билан Аллоҳга дўстлик – валийлик мақомига эришишлари мумкин, чунки “Олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир”, валий зотларнинг барчаси Аллоҳ йўлида собит бўлган зотлардир, улар халқни тўғри йўлга бошлайди, деб айтиб ўтади¹⁰⁷.

Навоий авлиёларнинг аъмоли – амаллари, афъоли – феъл-атвори, муомилоту риёзати – муомаласи (халқ билан муносабати) ва Ҳақ йўлида чекадиган машаққатларини асар муқаддимасининг “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” деб номланган қисмида баён қилади. Мазкур қисмда шайхлар фаолияти билан боғлиқ луқма ҳалоллиги, имон калимасини руҳга сингдириш, шариатга амал қилиш, беш вақт намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, ҳилм, одоб, тақдирга ризо бўлиш ва сабр қилиш, риёзат чекиш, сидқ – ростгўйлик сингари амалларга тегишли

¹⁰⁶Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 9.

¹⁰⁷A.A.Gulova. Religious and sufi works of Alisher Navai - an inexhaustible treasure. Indonesian Journal of Education Methods Development Vol 9 No 1 (2020).

фикрлар келтирилади. Албатта, юқорида келтириб ўтилган амаллар оддий одамларга тааллуқли хатти-ҳаракатлардан тубдан фарқ қилади. Имон калимаси бўлган калимаи шаҳодатни ҳамма чин кўнгилдан айтиши мумкин эканлиги, аммо валий зотлар бу каломни зубонларига олгач, хушларини ҳам йўқотишлари мумкинлиги муаллиф томонидан қайд этилади.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида асосий эътибор шайхнинг фаолиятига қаратилган. Валий зотларга хос умумий хусусият шуки, ҳар бир шайх шариат ҳукмларига тўлиқ амал қилиб, Аллоҳ висолига эришиш учун дунё мол-дунёси қайғусидан воз кечиш билан чекланиб қолмай, ўз борлигидан ҳам мутлақо воз кечади. Тасаввуфий эътиқодга кўра бу фоний дунёга заррача бўлса-да муҳаббат қўйиш Ҳақ ишқига соя солади. Асарда ҳар бир валий зот тўғрисида шунчаки маълумот берилмай, улар таркиби араб тилидаги байтлар ва ҳикматли фикрлар билан тўлдирилади. “Насойим ул-муҳаббат”да машойихлар ёки Ҳазрат Навоий тилидан баён қилинган араб ва форс-тожик тилидаги оят, ҳадис, ҳикмат ва шеърӣ парчалар сони мингдан ортиқни ташкил қилади. Асар таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги тўрт мазҳаб бошлиғи – Имом Аъзам, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ханбалдан тортиб Муҳаммад Ғаззолий, Баҳоуддин Валад ўғли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўғли Султон Валад каби буюк зотлар ҳақидаги қизиқарли, ибратли ҳикояларга кўзимиз тушади. Мазкур авлиёлар ҳақидаги маълумотлар тарихий-илмий асосга эга бўлиб, тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга (Жумладан, Жалолиддин Румийга болалигида Фариддин Аттор ўзининг “Асрорнома” асарини ҳадя қилиши ёки Шамсиддин Табризий ва Румий учрашуви билан боғлиқ маълумотлар).

Шуни эътироф этиш керакки, ҳазрат Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи ҳолига бағишланган мазкур “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойилу-л-футувват” асари шоирнинг етук мутасаввиф олим сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи муҳим манбадир.

Навоийнинг мазкур диний-тасаввуфий йўналишдаги асарларини ўрганиш орқали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ

муайян маълумотларга эга бўламиз, унинг ислом илмининг етук билимдони бўлганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Булар алломанинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлик муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи маълумот эканлиги билан аҳамиятлидир.

Навоий таъбирича, асил сўфийлар мазҳабпарастликни номуносиб ва Худога хуш келмайдиган иллат деб билган. Улар наздида барча инсонлар — Худо томонидан яратилган мавжудот ва ҳар бир дин Худога олиб борадиган бир йўлдир. Бу йўллар маълум маънода бир-биридан фарқланиши мумкин, аммо йўлчининг мақсади, нияти уни бошқа йўловчилар билан яқинлаштиради.

Тасаввуф вакиллариининг таъкиди бўйича, “ҳар зарра миқдорича Ҳақ сари йўл бор” (Шайх Абу Сайд Абул Хайр), ҳеч кимга йўл ёпилган эмас. Фақат бу йўлда қатъий ихлос, уммон каби сабр-тоқат бўлса бас.

Тасаввуф илмини ҳар тарафлама ўрганган инглиз олими Р. Николсон бундай ёзади: “Мусулмон бўлиб туриб барча динлар ва мазҳаблар билан муроса-мадора қиладиган ва ўзаро кечиримлилик ва меҳрибонлик асосида яшайдиган жами кишилар, агарчи расман сўфий бўлмасалар ҳам, лекин улар (амалда) сўфийдирлар”¹⁰⁸.

Шундай қилиб, Навоий ўз асарларида турли тоифадаги сўфийлар ахлоқини таърифлаб, улардаги комил инсонга хос бўлган барча умуминсоний қадриятларни эътироф этган. Айниқса, уларнинг тупроқ каби хокисорлиги, мардлиги, тўғрисўзлиги, сабр-бардошлилигини алоҳида таъкидлаб, кишиларнинг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчани Мутлақ вужуд томонидан яратилган хилқат сифатида таърифлайди. Инсон эзгулик йўлида фаолият юритиш, яратиш учун яратилганини айтади.

Демак, ҳақиқий ориф ўзлигидан ва ўткинчи дунёдан юз ўтирган, Ҳақ бақосида ўзлигини қайта кашф этган, зоҳиран бандаю, ботинан озод инсондир. Тасаввуф вакиллари солиқнинг эркинлиги, озодлиги деганда, сўфийнинг

¹⁰⁸ Доктор Али Астр Жалий. Ирфон асослари ва орифлар. Техрон, хиж. 1376. –Б. 55. Иқтибос Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: Мовароуннаҳр –Ўзбекистон, 2009. –Б. 296.дан олинди.

умумбашарий хислатларни тўлиқ тарк этиши ва пок рух ҳолида Мутлақ рух дунёсининг заруратлари чексизлигини қалбан ҳис қилишини тушунганлар.

Бу ўринда ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг “Субҳат ул-аброр” достонида сўфийга берган таърифини келтирмоқчимиз, ўйлаймизки, бу куйма ҳикматлар сўфийлар хислатини ёрқинроқ очишга ёрдам беражак:

Завки сўфигари ар ҳаст туро,

Бояд аз хеш назар баст туро.

Сўфий он аст, ки аз худ растаст,

Аз неку жастау аз бад растаст¹⁰⁹...

Мазмуни: Мабодо, сўфийликка нисбатан завқ сенда мавжуд бўлса, унда сен ўзингни унутишинг зарур; ўзингга эмас, ўзгага боқошинг керак. Ўзидан воз кечган, эзгуликдан ҳатлаб ўтиб, разолатдан йироқ бўлган одам сўфий ҳисобланади. Абдурахмон Жомий тасаввуф йўлига кирган солиқ тўғрисида ўз фикрларини давом эттириб яна шундай дейди: у фоний дунё одами, лекин дунёдан халосдир, олам тузоғидаю, бироқ, оламдан озоддир. Моддийликлар қуршовида, аммо, уларнинг ташқарисида; масофада бўлсада, ундан ташқаридир. Сўфий макон, яъни дунёда эмас, лекин дунё ундан тўлиқ, дарвеш замондан алоҳида, аммо, замон у биландир. Унинг ибтидоси ҳамда умрбоқийлиги ўртасида қарама-қаршилик мавжуд эмас, умрбоқийлиги ибтидосидан орият этмайди. Унга замонларнинг айланиши ўз таъсирини ўтказмайди, унинг ботини даврлар ўзгаришидан ўзгармайди.

Юқорида айтилганидек, ориф эътиқодига, ҳулқиға даврлар ўзгариши, давлат бошлиқларининг алмашиши таъсир этмаслиги зарур. Дарвеш кичик эҳтиёжлар, кишиларнинг кундалик югур-югурларигина эмас, умуман ўткинчи дунёнинг ғаму ташвишларидан юқори турадиган, фалаклар сатҳи сингари кенг тафаккурли, уммондек сирқирра қалб соҳиби бўлган етук шахс саналган.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида илм ва маърифат, инсон эрки масалаларига алоҳида эътибор қаратилган,

¹⁰⁹ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 12.

тасаввуф анъанасидаги солиқнинг Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориғ бўлиш ғояси Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларида мужассам. Алишер Навоий фикрича, мутлақ ўзликни йўқотиш, жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, балки шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. Навоий учун ориф комил инсон тимсоли саналади.

2.2. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида ахлоқий қадриятлар

Навоийнинг ижоди бой ва кўп қиррали бўлиб, унда борлиқнинг моҳияти, инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар юритилган. Алишер Навоийни буюк файласуф эканлигининг далили, унинг асарларида борлиқ, юксалиш, билиш, сабаб ва оқибат сингари фалсафа фанининг азалий масалалари юқори даражадаги маҳорат билан талқин этилганлигидир. Навоий асарларидаги фалсафий ғоялар дунёқарашининг барча асосий белгиларини ўзида мужассам этган¹¹⁰. Алишер Навоийнинг деярли барча маънавий меросида, жумладан “Хамса” ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб” асарида фалсафа фанининг асосий тушунчалари тавсифини кузатиш мумкин.

Одоб-ахлоқ, ўзликни англаб, маънавий етукликка интилиш масаласи устуворлик қилувчи “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайратул-аброр”да юксак инсоний фазилат ҳисобланган саховат ва адаб масаласига алоҳида урғу берилади. Достоннинг бешинчи мақолати қарам васфига бағишланган бўлиб, мазкур мақолат бир юз саккиз байтдан иборат. Асарда саховат, ҳиммат, эҳсон, марҳамат, олижаноблик, яхшилик, очиқ қўллик, жавонмардлик сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам қилган қарам инсон, хусусан, комил инсон учун, унинг ҳаёт тарзи, тақдири учун муҳим аҳамият касб этган умуминсоний қадриятлардан бири эканлиги кенг изоҳланган. Мутафаккир мақолатнинг дастлабки байтлариданоқ саховатда беқиёс инсон тасвирлайди:

¹¹⁰ Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. /Таржимон. И.К.Мирзаев-ф.ф.д. –Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2015. Б. 216.

Эй тушуб эгнингга карам кисвати,
 Қолмайин илгингда дирам қиймати.
 Панжанг ўлуб сийм фишонлиққа фош,
 Машриқу Мағрибга нечукким қуёш¹¹¹.

Ижобий фазилатлари билан мақолат марказида турган қахрамон эғнида саховат кисвати, яъни кийимини кийган, қўлида эса дирам. Навоий “қўлида дирамнинг қиймати қолмаган” деганда, карам аҳли бойликни қўлида ушлаб турмайди, агар қўлида шундай нарса бўлса, уни ҳеч қандай қийматга эга кўрмай, бошқаларга тортиқ қила олади, деб таъкидламоқда. Навбатдаги мисраларда ўз фикрини ривожлантириб, саховат эғасининг бармоқларини қуёшга ўхшатади. Чунки, қуёш панжаларидан ҳаммага баробар нур таратиб, оламни мунаввар этади. Шу каби саховат эғаси ҳам Мағрибу Машриқда бармоқлари орасидан сийм сочиши билан шуҳрат қозонган.

Буки сенга тенгри ато айлади,
 Қисм карам бирла сахо айлади¹¹².

Файласуф юқоридаги каби олижаноб фазилатга эга бўлиш ниҳоятда мушкуллиги сабабли бундай сифатлар инсонга Аллоҳ инояти ила берилишини баён қилади.

“Они сахий англағил, эй хушманд,
 Ким ани давлат қилибон сарбаланд.
 Ҳоли агар яхшидурур, гар табоҳ,
 Кимсадин этмас тамаи мол-у жоҳ.
 Ҳамнеки ҳақ берса қаноат қилур,
 Ҳам неки амр этмиш итоат қилур”¹¹³.

Навоий таъбирича, саховат тамадан узоқ бўлиши керак. Худди қуёш барча-барчага беминнат нур сочгани каби саховат кўрсатувчи учун олувчи олганини қайтара оладими, йўқми аҳамиятсиз бўлиши даркор.

¹¹¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 142-144.

¹¹² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 144.

¹¹³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 148.

Шу ўринда ислом динининг муқаддас манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда хайр-эҳсон, саховат масалаларида қай тариқа ёндашилганлигига эътибор қаратишни жоиз топдик. Қуръони каримда келтирилишича, инсон шундай улуғ зотки, унга Иблисдан бошқа барча махлуқлар бўйсунди. “Эсланг, (Биз) фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан сажда қилдилар. Фақат иблис (кибрланиб) “Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?”¹¹⁴, – деди”. Ислом динининг муқаддас китоби бўйича, инсон оламнинг сарвари, гултожи бўлиб, қуруқликдаги отуловлар, денгиздаги кемалар, еру осмондаги ҳамма нарсалар унинг измига бўйсунди. Дунёда нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси инсон учун, унинг камолоти, бахт-саодати учун яратилган. Инсон ана шуларга шукр қилиб, умргузаронлик қилиши даркор. Бу ҳақда “Бақара” сурасида шундай дейилади: “У сизлар учун Ерни пойандоз, осмонни “бино” қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар ундирди. Бас, билиб туриб Аллоҳга (ибодатда) бошқа (сохта маъбуда)ларни тенглаштирмангиз”¹¹⁵! Шунинг учун инсон тақво билан машғул бўлиши билан бирга, бу дунёда савобли ишлар билан шуғулланиши, солиҳ амалларни бажариши, ўзгаларга, айниқса, муҳтож ва камбағалларга ёрдам бериши, уларга хайр-эҳсон қилиши, раҳмдил бўлиши керак.

Қуръони карим ва ҳадисларда инсоннинг бу дунёда бажарадиган ишлари, инсонпарварлиги, хулқ-одоб қоидаларига риоя қилиши, хайрли ишлари тўғрисида кўп гапирилади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Қуръони каримда яхши ишлар ва солиҳ амаллар 31 марта, эзгу ишлар 12 марта, хайр-эҳсон, садақа, меҳр-шафқат 40 марта, ҳидоят йўли 5 марта тилга олинади .

Айниқса, ҳадисларда инсонпарварлик, бировларга яхшилик қилиш ҳақида пурҳикмат фикрлар мавжуд. Ҳадисларда келтирилишича, “Яхшилик – нафсингиз таскин топиб, дилингиз ором оладиган ишдир. Ёмонлик ёки гуноҳ

¹¹⁴ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. Бақара сураси 34-оят. – Б. 7. www.ziyouz.com.

¹¹⁵ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. Бақара сураси 22-оят. – Б. 5. www.ziyouz.com.

эса унинг аксидир, гарчи муфтийлар фатво берсалар ҳам ўз қалбингизга караб иш тутинг”¹¹⁶, – дейилади. Бошқа бир ҳадисда эса одамларга яхшилик қилиш зулмга қарама-қарши қўйилади. “Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетиш эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир”.

Умуман олганда, яхшилик ҳадисларда жуда кенг маънони билдирувчи тушунча сифатида талқин қилинади. Бу тушунча хайрли ва савобли ишлар, инсоннинг тўғрилиқ, софдиллик, нафсни тийиш, камтарлик, сахийлик ва бошқа фазилатлар ҳамда хулқ-одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳадисларда яхши одам ҳар томонлама макталади, унинг фазилатлари, солиҳ амаллари, қилган хайрли ишлари бирма-бир санаб ўтилади. Ёмон одам, унинг ярамас қилиқлари, қабих ишлари қораланади.

Қуръон ва ҳадисларда инсонийликнинг муҳим белгиларидан савоб ишлар қилиш, меҳр-шафқатли бўлиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва бева-бечораларга ёрдам бериш ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Ҳадисларда бировларга садақа қилиш одамийликни белгиловчи муҳим хислат сифатида қаралади. “Садақанинг афзали соғлом вақтида, хасислик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан кўрқадиган ҳолида қилинган садақадир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз халқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур”.

Ислом фалсафасида инсонпарварликка хилоф хатти-ҳаракатлар, тубан ва ярамас иллатлар: очкўзлик, фаҳш ишлар, такаббурлик, бойликка ва нафсга берилиш, ёлғончилик, зулмкорлик гуноҳ ишлар сирасига кирази. Ислом динида, айниқса, бойликка ҳирс қўйиш қаттиқ қораланади. Лекин, бойлик эгаси бўлиш ман қилинмайди. Чунки Қуръони каримда айтилишича, у Аллоҳ томонидан баъзи кишиларга ато этилган неъматдир. Модомики шундай экан,

¹¹⁶ <http://www.authorstream.com/Presentation/raimbekovjahongi-2185636/>

бойликни инсон бошқалар билан баҳам кўриши, уни муҳтожларга тарқатиши, мол-дунёнинг учдан бир қисмини садақа қилиши лозим. Шунинг учун ҳадисларда молу дунё тўплашга берилиш, нафсга ружу қўйиш, тамагирлик ва очкўзлик қаттиқ танқид остига олинади. “Инсонга бир водий тўла молу дунё берилса, у иккинчи водийнинг ҳам берилишини хоҳлайди. Иккинчисидан кейин учинчисини ва ҳоказо, унинг нафси тўймайди. Инсоннинг кўзини фақат тупроқ (қабр тупроғи) тўйдиради. Кимки тавба қилса, Тангри уни кечиради”, – дейилади ҳадисларда. Қуръони карим ва ҳадисларда сахийлик бойлик тўплашга, унга ҳирс қўйишга, очкўзликка қарши қўйилади.

Сахийлик, ислом фалсафасига кўра инсоннинг гўзал фазилатларидан биридир. Бундай хислатга эга бўлган киши у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам эъзозланади, у жаннатга ҳам, инсонларга ҳам яқин бўлади.

Алишер Навоийнинг фикрича, адабли киши “ўзига қарши халқ томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини боғлайди ва кишини ҳазил-мазоқдан ва камситилишдан сақлайди. Киши табиатини инсонлик йўлига солади ва одам миждозига одамгарчилик манзилида ором беради”.¹¹⁷ Шу билан биргаликда, аллома: “Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир...тавозе ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одобли ва гўзал ҳулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, бир-бирига бўлган муҳаббати борган сари ривож топади”¹¹⁸, – дея таъкидлайди.

“Ҳайратул-аброр” достонида адаб масаласига ҳам алоҳида урғу берилади. Файласуф шоир таъбирича, инсонга шараф келтирадиган нарса унинг наслу насаби ёки амал-мартабаси эмас, аксинча, ҳаёю одобидир. Шунинг учун ҳаёнинг қатраси тупроқни олтинга айлантирувчи кимёга ўхшатилади:

¹¹⁷ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 14. –Тошкент: Фан, 1998. –Б. 58-59.

¹¹⁸ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983-й. – Б 48.

Асарда одоб ва ҳаёси билан подшоҳлик даражасига кўтарилган Ануширвон ҳақида ҳикоят келтирилади. Унда айтилишича, Ануширвон подшоҳлик тахтига ўтирмасдан бурун бир қизнинг ишқида ўт бўлиб ёнарди. Бечора ошиқнинг кўнгли ғунча каби қанчалик қонга тўла бўлмасин сирларини ошкор қилмас, маҳбубининг висолига мушарраф бўлгунича ғаму андуҳлар ичида яшар эди. Ва ниҳоят маъшуқаси билан суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлган қонгор(бахтли) ошиқ бир гулзор ичидаги овлоқ жойда ёри томон интилади. Ануширвон ишқида ёниб кул бўлаёзган маҳбуба бутун ихтиёрини унга таслим этганди. Гул юзли ёрни қучиш ниятида ошиқ қўл чўзганида, тасодифан, кўзлари наргис гулига тушади. Шу онда одоб ва ҳаё бобида танҳо бўлган Ануширвонда ўзгариш бўлиб, унинг қўллари ўз-ўзидан маҳбуба томон интилишдан воз кечади. Бу ҳолдан ҳайратга тушган гўзал ёр ошиғига савол беради:

“Ким бу не қўл сунмоғи чекмак эди”.

Посухини шоҳи муаддаб деди:

“Ким бу висол ичраки воқеъ дурур,

Наргиси шаҳло кўзи монёъ дурур”¹¹⁹.

Юқоридаги мисралар мазмунидан кўринадикки, Ануширвон ҳолатининг ўзгаришига кўзмонанд шаклда очиладиган гул – наргис гулининг қараб турганлиги сабаб бўлади. Ануширвон тасаввурида наргиснинг гулчаларидаги кўзга шаклан ўхшашлик гул нигоҳларининг бу воқеага эътибор билан назар ташлаётганлигини эслатади. Равшанки, одоб соҳиби ошиқ йигит бундан хижолат бўлади. Инсондаги бундай юксак фазилат унинг эътиқодий қарашлари самараси натижасида шаклланишини муаллиф эътироф этиб, қўйидаги хулосани китобхон ҳукмига ҳавола қилади:

Айни ҳаё бирла футувват анга,

Бермади ул амрга қувват анга.

Наргисини тўлдирибон ёшидин,

Қўпди дағи кечди ул иш бошидин.

¹¹⁹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991, – Б. 173-б.

То ани охир бу ариғ нияти,
 Буйла ҳаё шеваси хосияти,
 Жумлаи олам аро шоҳ айлади,
 Адлини оламға паноҳ айлади.
 Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
 Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.¹²⁰

Навоий ҳаё ва футувватни тарғиб қилади. Маълумки, футувват инсондаги ҳамида ва нажиб ахлоқни тарғиб қилувчи тариқатлардан ҳисобланади. Аёнки, мазкур тариқат ҳам шарият аҳкомларига таяниб, шаръий никоҳсиз яқинлашишни рад қилади. Ануширвон кўзларига ёш олиб, ниятидан қайтишининг сабаби ҳам шу. Ундаги янги ният – одоб ва ҳаё жумла оламаро адолатли шоҳ бўлишига сабаб бўлади. “Айш қанчалик дилкаш бўлмасин, одоб билан ҳаё хушдир”, – дея буюк шоир юксак тарбиявий аҳамиятга эга хулоса чиқаради. Албатта, аллома томонидан ўртага ташланган улуғ фалсафа инсонни яхшиликлар томон ундаши, жаҳолат ва тубанлик ботқоғидан асраши, жамиятни ахлоқсизликлардан фориғ этиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг учинчи қисмида Алишер Навоийнинг узоқ ҳамда мураккаб ҳаёт тажрибасининг хулосалари берилган. Навоий асарда юксак инсоний фазилатларни тарғиб этиш билан бирга, жамият, давлат тараққиёти учун зарарли, инсоннинг шаънига путур етказадиган зулмкорлик, беҳаёлик, қаллоблик каби иллатларни қоралайди ва жамиятни бу иллатлардан огоҳ этиб, олдини олиш зарурлигини таъкидлайди.

Бундан қарийб олти юз йил илгари Алишер Навоий тинчлик, осойишталик буюк неъмат эканлигини сабаб ва оқибат фалсафий категориялари орқали изоҳлаб, уни асраб-авайлаш осон эмаслигини уқтиради:

“Уйки, ўйнаб тебратур сокинга хотир жамъ эмас,
 Не ажаб, гар амн йўқтур гунбази гардон аро”¹²¹.

¹²⁰ Ўша манба. –Б. 164.

Юқоридаги байт мазмуни қуйидагича: Агарда, уй озгина тебранадиған бўлса, албатта, унда истиқомад қилаётган одам хотиржам бўла олмайди. Дарҳақиқат, доимо айланма ҳаракатда бўлган фалак ичра осойишталик йўқлиги асло ажабланарли ҳолат эмас.

Тадқиқотчи Ш.Туробова таъкидлаганидек, “глобаллашув жараёнида дунёнинг турли бурчакларида инсоннинг қадри топталаётган, инсоният бошига кулфатларни солаётган хунрезликлар авж олаётган бугунги кунда Навоий эъозлаган умуминсоний қадриятлар дунёдаги барча халқларнинг манфаат ва интилишларига мос келиши билан жуда қимматлидир”¹²².

Буюк мутафаккир одоб ва камтаринликни улуғлаб, таълим-тарбияга оид қимматли фикр-мулоҳазаларини “Ҳайратул-аброр” достонининг олтинчи бобида баён қилади. Асарнинг ўнинчи бобида эса тўғрилиқ, ростгўйлик ғоясини тараннум этади:

Тузмаса меҳробини аҳли ниёз,
Эгри боқиб рост эмасдур намоз.
Рост қалам халқ эрурлар салим,
Эгри дурур хатки, эмас мустақим.
Ростдур ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.
Булса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакка туз этгай магар.
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати¹²³.

Юқорида келтирилган шеърини парчанинг илк байтида ниёз аҳли ҳақида сўз боради. Агар улар меҳробини тўғри қилиб тузмаса, Аллоҳга тўғри юзланмаганининг намози ҳам тўқис бўлмаслиги тўғрисида фикр билдирилади. Навбатдаги байтда эса барча инсонларга тегишли хусусиятларга оид фикр

¹²¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ.20 жилдлик, 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1987. –Б. 39.

¹²² Туробова Ш. Алишер Навоий маънавий меросида инсонни кадрлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий. 2017. –Б. 338.

¹²³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991, –Б. 202.

билдирилади. Муаллиф: “Хатни тўғри ёзадиган кишилар ҳақиқий соғлом кишилар ҳисобланади”, – деб таъкидлайди. Хатнинг ёзилишига қараб хат ёзувчига баҳо берса бўлади. Мабодо у эгри ёзилган бўлса, демак, ёзган киши ҳам тўғри эмас. Ҳақ одамнинг қарашини тўғри бўлади. Киши қўлининг эгри бўлиши, унинг ўзи ҳам ўғри эканлигидан далолатдир. Қўлиэгрилик билан фойда топган кишининг қўлини халқ кесиб ташлаб тўғри қилади. Агарки инсон кўзи туғилишидан эгри бўлса, биттани иккита қилиб кўриш унинг одати ҳисобланади.

Мақолатнинг сўнгида “Шер ва Дуррож” масали келтирилиб ёлғончилик ва эгриликнинг ёмон оқибатлари очиб берилади, бу каби иллатлар инсонга зарар келтириши ҳайвонлар тимсолида кўрсатиб берилади.

Алишер Навоий таъбирича, инсон дунёдаги бутун борлиқдан, бутун мавжудотдан юқори туради. У мавжудотлар ичида “шариф” ҳисобланади. Мутафаккир инсонни борлиқнинг, умуммавжудотнинг энг бебаҳо дурдонаси, коинот тожи деб тарифлайди:

...Карам бирла халқ айлагай оламе,

Бу оламда мақсуд анга одаме.

Гараз одами анга олам туфайле,

Не ким ғайри оламдур ул ҳам туфайл¹²⁴.

Кўринадики, Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон, унинг (инсоннинг) борлиғи оламнинг мазмуни бўлиб, дунё яратилишидан мақсад ҳам одамдир. Бундан келиб чиқадики, бутун воқелик унинг (инсоннинг) истаклари объектидир ва мазкур истакларга хизмат қилиши даркор.

Очилғон гулшанда инсон гули,

Не инсон гули, боғи ризвон гули¹²⁵.

Алишер Навоий асарларида аёлга муносабат, аёл зотига эҳтиром бўлакча. “Насойим ул-муҳаббат” асарида 770 та шайх ҳаёти ва фаолиятига

¹²⁴ Алишер Навоий. “Ҳамса”. –Тошкент: Фан, 1960, –Б. 622.

¹²⁵ Ўша асар, – Б. 621-622.

оид маълумотлар жамланган бўлиб, шулардан ўттиздан ортиғини авлиё аёллар ҳаёти ҳамда фаолияти ташкил этади.

“Ҳайратул-аброр”да аллома ислом оламида маълум ва машҳур мутасаввифлар – Иброҳим Адҳам ва Робияи Адавия ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Мазкур ҳикоятда баён қилинишича, Иброҳим Адҳам ўн тўрт йил чўлу биёбонда юриб, Маккаи мукаррамага етиб келишга муяссар бўлади, аммо зиёрат қилишга мушток бўлгани муқаддас Каъбатуллоҳ ўз ўрнида бўлмаганлигига гувоҳ бўлади. Бунинг сабабини суриштирганида у ерда ҳозир бўлган кишилар муборак саждагоҳнинг авлиё аёл Робияи Адавия истиқболига чиққанлигини айтадилар. Бу ҳолатдан Иброҳим Адҳам чуқур қайғуга ботиб, фиғонини фалакка кўтаради, Мутасаввиф Робия билан учрашишга қарор қилади. Заковатли аёл Робия Иброҳим Адҳамнинг фиғонли саволларини тинглагач, қуйидагича жавоб беради:

Робия деди анга: “Огоҳ бўл,
Ким неча йил бодияда борча йўл.
Бўлди ишинг арзи намоз айламоқ,
Шева манга арзи ниёз айламак.
Санга самар берди намозу риё,
Бизга бу бар берди ниёзу фано”¹²⁶.

Юқоридаги шеърий парча мазмунидан аён бўлишича, инсон фақат тоат-ибодат билангина чекланмай, диндошларига эзгу ишлар қилиб ёрдамлашишга улгурмоғи керак. Аслида, Иброҳим Адҳам фаолияти, ҳаёт тарзи рисоладагидек кўринади. Аммо унинг эътиқоди йўлида зоҳир ва ботин орасидаги таносуби оз бўлса-да озор топган. Авлиё аёл Робияи Адавияда эса ана шу нуқта ҳам мавжуд эди. Кўриб турувчи, сезувчи, билувчи, баҳоловчи Тангри таолога ўша бўшлиқ маълум бўлади. Шу сабабли Аллоҳ ана шу қалтис нуқтани суюкли бандаси Робия кўнглига солиб, унинг тили орқали ошкор қилди.

¹²⁶ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 120.

Алишер Навоий ўз асарлари қаҳрамонлари тилидан ота-онанинг борлигини ғанимат билиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш кераклиги, иложи борича улар хизматида бўлиб, дуоларини олиш лозимлигини, айниқса, онаи зорга алоҳида эҳтиромда бўлиш даркорлигини бот-бот уқтиради.

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,
 Керак эрдики мен ўлсам бошинг узра ғамхор.
 Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшуб,
 Ичурурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.
 Ҳам ғизо мен керак эрдики тутуб оллингда,
 Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.
 Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб,
 Эврулуб бошинга фарзандлиғ айлаб изҳор,¹²⁷ —
 дея Искандар сингари оҳ-воҳ этгани натижа бермас.
 Буким мен-мен, манга ўлмак дағи ҳайф,
 Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф.
 Сен ар дардимдин ўлсанг ранжфарсой,
 Манга ул ранжу ғамдин вою юз вой!
 Мени розилиғингдин қилма навмид,
 Манга дўзах ўтини солма жовид¹²⁸, —

деб Фарҳоддек фарёд қилишдан фойда келмас. Навоий ҳазратлари валад вужуди самин лаълининг кони бўлмиш ота-онани кўп фурқатда қолдирмаслик, йироқлик билан уларни меҳнатга қўймаслик, ўз кўнглича, улардан бемаслаҳат боши оққан томонга кетмаслик, иссиқ ўрнини совутмаслик, бегонани уй сори ёвутмасликка чақиради. Ота-онани ранжитувчи иш қилмаслик, ҳар дам ўзини, кўнгил билан кўзини асрамоққа ундайди. Бинобарин, кўнгил пок бўлса, инсоннинг барча аъзолари саломат бўлади. Кўз эса дил ойнаси, севги-муҳаббат дилга меҳмон бўладими, бирор

¹²⁷ Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 жилдлик, 4-жилд. —Тошкент: Фан, 1989, —Б. 491.

¹²⁸ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик, 8-жилд. —Тошкент: Фан, 1991, —Б. 456.

хурсандчилик ва ёки мусибат юзланадими, инсон ўзлигини асраши лозимлиги қайта-қайта уқтирилади¹²⁹.

Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,
 Ҳавас жоми кўнглумга ошон эмиш.
 Керак эрди, то кирди мағзимға хуш,
 Хирад токи солди димоғимға жўш.
 Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
 Қабул айласам эрди қуллуқ санга.
 Санга айлабон хоки даргоҳлик,
 Анинг отин айтсам эди шоҳлик¹³⁰.

Мазкур парчада Алишер Навоий “олам очмоқ”ни ўзига мақсад қилган, айтиши шу мақсад учун муҳтарам онага айрилиқ азобини раво кўрган, оқибатда ҳукмдорлик шуҳрати фарзанд сифатида онаси олдида “киприк била чун йўлин супуриб”, қуллик қилиш, ер ўпиб хизматини қилишга асло тенг бўлмаслигини англаб етган шоҳ Искандар номидан фарзанд учун ойу қуёш бўлган ота-онага хоки даргоҳлик айламоқлик аслида айнан шоҳликнинг ўзи эканлигига иқрор бўлади.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда эътироф этилганидек ҳар бир инсон учун ота-она олдида фарзандлик бурчини адо этмоқ, уларнинг оғирини енгил қилиб хизматига шай турмоқ, кўнгилларини олмоқ, хоки пойи бўлиб қуллик бажо қилмоқ энг олий саодатдир. Буни эса файласуф шоир шоҳлик, дея эътироф этади. Бу фалсафани ҳар бир фарзанд ўз вақтида тушуниб етса, шунга қараб ҳаракат қилса, нафақат ўз ота-онасига, ўзига ҳам яхшилик қилган бўлади. Халқ орасида “қайтар дунё” деган ибора бежизга айтилмаган. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “шоҳнинг фарзанди гулдур, нахлиға фарзанд шоҳ”. Ваҳоланки, фарзанд кўз олдида ота-онасининг ўз ота-оналарига муносабати айтиши ибрат мактабидир.

“Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,

¹²⁹ Абдиқадир гулшани.–Тошкент: Шарқ, 2016. 2-китоб, – Б. 122.

¹³⁰ Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 20 жилдлик. 11-жилд. –Тошкент: Фан, 1993.– Б. 592.

Куллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-анога эҳсон қилмоқ”¹³¹.

Юқорида келтирилган парча “Назм-ул жавоҳир” асарида олинган бўлиб, унда Алишер Навоий фарзандини лозим топилса ота йўлида жон фидо қилишга, онага ҳам имкони борича кўп ва хўп хизмат қилишга даъват қилади.

“Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи”¹³².

Мазкур мисралар “Арбаъин”¹³³ асарида ўрин олган бўлиб, аллома “Жаннат оналар оёғи остидадир” ҳадисини назмда ифодалаган. Бу билан ҳазрат Навоий дилбандига бирор ғам етса, шомдан тонггача жони маҳзун, тонгдан шомга довура ашки гулгун, андух ўти димоғини маҳрур этган, оқ сочи юзига кофур сочган онаизор чеккан азобларини кўтаришга тоғлар ожиз эканлигини таъкидлаб, фарзандлар мунис ва муҳтарам волиданинг пойини ҳар қанча тавоф қилса, шунча оз эканлигини, уларнинг кўнгилларини олиб, қанча хушнуд этсак, жонимизни пойига пояндоз қилиб тўшасак, олдимизда жаннатнинг жилва қилишига восил бўламиз, дейди.

Муаззам асарлари одоб қомуси бўлган аллома ижодида оила масаласига ҳам алоҳида ёндашилади. Ҳар бир киши оилада ҳам одоб қонун-қоидаларига қатъий риоя этмоғи даркор. Ўз навбатида оила бошлиғи турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари учун жавобгардир. Фарзандлар ўз исмларидан уялиб юрмасликлари учун ота-она фарзанд дунёга келганда, аввало, чиройли исм қўймоқлиги фарз эканлигини баён қилинади:

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,

¹³¹ Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин, МАТ. 20 жилдлик. Ж. 15. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 168.

¹³² Алишер Навоий. Арбаъин. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 16. –Тошкент: Фан, 2000. – Б. 264.

¹³³ Алишер Навоий. Арбаъин. Асарлар. Ж.15. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 260.

Ким десалар етмагай андин уёт¹³⁴.

Фарзандга таълим бериш ота-онанинг муҳим бурчларидан эканлигини Алишер Навоий қуйидаги мисраларда ҳам баён этади:

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,

Қилғали таълим анга илму адаб¹³⁵.

Бу билан у илмли киши ҳаёт йўлларида қоқилмайди, ўз илмига таяниб, юзага келган ҳар қандай муаммо ечимини осонлик билан ҳал қилади, яхши-ёмонни фарқлаб, умрини эзгу ишларга бағишлайди дейди. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек “Ҳар бир нарсанинг ўз йўли бор. Жаннатнинг йўли илмдир”.

Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида умуминсоний қадрият бўлган ишқни учга бўлади. Биринчиси авом, яъни оддий кишилар учун кенг тарқалган ишқ. Ишқнинг иккинчи хили хос кишиларга тегишли. Улар юксак фазилатли инсонлар бўлиб, поклиги билан ажралиб туради ва пок юзли кишиларга ошиқ бўлиб, улар жамолидан баҳра оладилар. Ва ниҳоят, ишқнинг учинчи хили – сиддиқлар ишқи бўлиб, улар Ҳақни, Аллоҳ васли ва жамолини кўришни орзу қиладилар. Бу йўлда ҳатто ҳалок бўладилар¹³⁶.

“Қайс мактабга бориб таҳсил олиб юрганида Лайлини кўргач, ҳолатида ўзгариш пайдо бўлади, яъни унга нисбатан ишқ-муҳаббат пайдо бўлади. Бу учрашувни Навоий шундай тасвирлайди:

Яъни кўруб они Қайс маҳзун,

Рухсорини қилди қаҳрабогун.

Ҳам чехраси ранги қаҳрабодек,

Ҳам кўнглида қўзғалон сабодек.

Ҳар дам йиқилурға жисми мойил,

Ҳуши доғи лаҳза-лаҳза зойил,

Топиб анга жисми нотагон заъф,

Кўнглида доғи замон-замон заъф.

¹³⁴ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 158.

¹³⁵ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр, МАТ. 20 жилдлик. Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 159.

¹³⁶ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 14. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 70.

Тағйир пазир кўзга ҳоли,
 Кўзга неки, ҳар дам ўзга ҳоли.
 Чун зўр кетурди ишқи бебок,
 Аввал қадаҳ олди ҳушини пок”¹³⁷.

Бу ҳолатга ботиний нуқтаи назардан қарасак, мажозий ишқнинг намоён бўлганини кўрамиз. Лекин зоҳирий томондан қаралса, унда авом ишқи тасвирланаётганини пайқаш мумкин”¹³⁸.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги бош қаҳрамонлар Фарҳод ҳамда Ширин муносабатларидаги севги ҳам мажозий маъно касб этади. Ширин тимсолида Яратганга бўлган муҳаббатга ҳам ишора қилинади. Иккала дostonда ҳам дунёвий ва илоҳий ишқ ҳамоҳанг тарзда ифодаланган. Яъни илоҳий ишққа эришиш учун дастлаб дунёвий ишқни бошидан ўтказиш керак, деган ғоя устуворлик қилади.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” асарларидаги Лайли ва Ширин каби қаҳрамонлар етук шахс қиёфасида намоён бўлади.

Дostonда Меҳинбону адолатли, эл-юрт ғамини ейдиган, давлатни обод қилиш ва илм-фанни ривожлантириш учун фидойилик кўрсатадиган, умуминсоний қадриятларни ўзида жамлаган ҳукмдор сифатида гавдалантирилади. У Фарҳод билан Ширинга яқиндан кўмак беради. Унинг хизматидагилар ҳам ўзлигини англаган, илм-фанга иштиёқи баланд, фозил инсонлар сифатида таърифланади. Меҳинбону Фарҳод билан Ширин севгисини қадрлайди, уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Меҳинбону саройидаги қизлар ҳам қомила, оқила инсонлар сифатида талқин қилинади:

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
 Бири адвор даври ичра раққос.
 Бири мантиқ русумида рақамкаш,
 Бири ҳайат рукумига қаламкаш.

¹³⁷ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ.20 жилдлик. 9-жилд. –Тошкент: Фан, 1992.– Б. 75.

¹³⁸ Пардаева М. Алишер Навоий асарларида қомил инсон ғояси. Фалс.фанл. номз. дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент. 2010. –Б. –327–328.

Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
 Балоғатда бири айтиб дақойиқ.
 Бири тарихда, сўз айлаб фасона,
 Бири ҳикмат фани ичра ягона.
 Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб
 Муаммода бириси от чиқориб¹³⁹...

Аён бўладики, Меҳинбону қўл остидаги ўн нафар гулрухсор киз ахлоқ-одобда тенги йўқ, ҳар бири бирон илм ва санъат соҳасини ёки касб-хунарни мукаммал эгаллаган етук, оқила ва билимдон аёллар.

Навоий оламнинг асосини муҳаббатда кўради. Киши учун ҳаёт йўлларида ҳамроҳ, ҳамдард суюкли ёр бўлиши кераклигини уқтиради:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
 Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун¹⁴⁰.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз ижодий ва амалий фаолияти орқали умуминсоний қадриятлардан бўлган одоб-ахлоқ, саховат, тўғрилик, иймон, вафодорлик, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, ҳокисорлик каби фазилатларни улуғлади¹⁴¹.

Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибдоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. Илм-фанни мол-мулк ва бойликдан афзал билди. Унинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, барқарорлик каби ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қарашлари бугунги фуқаролик жамияти қурилишида ҳам устувор тамойил ва меъёр сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда¹⁴².

Ҳазрат Навоий таъбирича, мазкур умуминсоний қадриятлар, наинки, одамни улуғвор, фозил ва мўътабар этади, балки Аллоҳга яқинлаштиради, илоҳий хислатларга мойил қилади. Албатта, юқоридаги ахлоқий талаблар

¹³⁹ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 8. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 272.

¹⁴⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул –аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 191.

¹⁴¹ Гулова А.А. Алишер Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларида аёлнинг ўрни. // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎЗА илм-фан бўлими (электрон журнал). 2020 йил ноябрь ойи сони. –Б 187.

¹⁴² Рашидов Ш. Навоий муножотларида фалсафий масалалар талқини // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий таракқиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий. 2017. – Б. 348.

Алишер Навоий даври мафкурасидан келиб чиққан. Улар, асрлар давомида сайқаллашган, уйғунлашган, ҳаёт мазмунига айланган, таълим-тарбияга сингдирилган ғоялар ҳисобланади.

Аслида, мазкур ғоялар бугунги кунда ХХІ аср тараққиёти шароитида ҳам жуда муҳим саналади. Сабаби келажак авлодни тарбиялаш аини дамда жуда долзарб масала ҳисобланади. Айрим ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлардан узоқлиги, эътиқодининг сустлиги улар ўртасида фирибгарлик, гиёҳвандлик, текинхўрлик, дангасалик, ўғрилиқ, босқинчилик сингари зарарли иллатларнинг томир ёйишига шарт-шароит яратилмоқда. Бу эса келажак авлод тарбияси учун диққат-эътиборни янада кучайтириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёсини ривожлантиришга алоҳида ёндашишни тақозо қилмоқда.

Умуман олганда, Мир Алишер Навоий қаламига мансуб насрий ва назмий асарларда одоб-ахлоқли бўлиш ҳар бир Мутлақ руҳ ҳосиласи, яъни инсон учун ҳам қарз, ҳам фарзлиги эътироф этилади. Айниқса, бу жиҳат аёлларда тўқис бўлса, нур устида аъло нур. Чунки тарбияли, оқила, ибо-ҳаёли аёл ўзидаги барча ижобий хислатларни келажак эгаси бўлган фарзандларига тортиқ қилиб, уларнинг комиллигига замин ҳозирлайди.

2.3. Сабр, тавозе ва одиллик тушунчаларининг умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “сабр”га қуйидагича изоҳ берилади: Сабр [а.- чидам, бардош, ирода, қатъият] 1.Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш. 2.Ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш”¹⁴³.

“Сабр Қуръоннинг 70 жойида зикр қилинган. Бошқа ҳеч қандай фазилат бу миқдорда зикр қилинмаган”¹⁴⁴. Дарҳақиқат, бу бекорга эмас.

¹⁴³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Ж. 3. –Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 411.

¹⁴⁴ Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Имон. –Тошкент: Камалак, 1992. –Б. 103.

Чунки мушрикларга қарши сабр-тоқат билан кураш олиб бориш натижаси ўлароқ муқаддас динимиз – ислом қарор топган.

Сабр тимсоли саналган Айюб пайғамбар мол-дунёсидан, болачақасидан ажралиб, йиллар давомида оғир дардга йўлиқса-да, сабр-тоқатни ҳамроҳ биледи ва охир-оқибатда Аллоҳ иноятига мушарраф бўлади. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай дейилади: “Ва Биз ўз томонимиздан меҳрибонлик кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлсин деб (Айюбга) аҳли оиласини ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича (бола-чақа) ҳадя этдик. Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилгувчи ҳолда топдик. У нақадар яхши бандадир”¹⁴⁵.

Икки дунё сарвари Муҳаммад с.а.в. ҳам сабрда тенгсиз эди. Муҳаддис Имом ат-Термизий бу тўғрида қуйидагича баён қилади: Ҳазрати Абу Талха розияллоҳу анҳу дептурлар: Жаноби расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида ниҳоятда оч қолганлигимиздан шикоят қилдик ва қоринларимизга боғлаб олган бир-бир тошларимизни кўрсатдик. Жаноби расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзни эшитиб, ўзларининг муборак қоринларини очдилар. Боқсак, Жаноб қоринларига икки адад тош боғлабдурлар¹⁴⁶. Табиийки, Пайғамбаримиз хонадонидагиларга ҳам бундай сабр-бардош билан умргузаронлик қилиш одат тусига кирган эди. Имом ат-Термизийнинг маълумот беришича, “Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳу дебтурлар: Бизлар Оли ва Авлоди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам комил бир ойга қадар уйимизда ўт ёқмас эрдик. Фақат хурмо ва сув ила ўтар эрдик. Яъни емак учун хурмодан бошқа бир неъмат хонаи саодатда бўлмас эрди. Хурмо ҳам кифоят қилмоғонлиғида сув ила қорин тўйғазур эрдик”¹⁴⁷. Тасаввуф аҳли бўлган орифлар учун Пайғамбаримиз ва у зотнинг аҳли оиласига хос бўлган факр ва сабрга таянган ҳаёт тарзи ибрат эди. Ва улар ҳам бундай яшашни ўзларига шараф деб билганлар.

¹⁴⁵ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. “Сод” сураси, 43-44-оятлар. – Б. 309. www.ziyouz.com.

¹⁴⁶ Термизий А.И. “Шамоили Муҳаммадийя”. –Тошкент: Меҳнат, 1991. –Б. 87-88.

¹⁴⁷ Термизий А.И. Шамоили Муҳаммадийя. –Тошкент: Меҳнат. 1991. –Б. 87.

Ҳақиқатдан ҳам, сабр сўфийлар учун асосий мақомлардан ҳисобланган. Чунки сабр бўлмаса сўфий орзу қилган Ҳақ васлига эришиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сабр талаби саналган нафсининг икки тури бўлиб, булар – таом нафси ва хирсий нафсдир. Албатта, сўфий булардан ўзини қатъий жиловлаши керак. Айниқса, таом нафси асосий ўриндадир. Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Абулҳасан Харақоний (в.1034 й.) ҳақида шундай дейди: “... дебдурки, қирқ йилдурки, нафсим бир ичгуча совук сув ва аччиқ дуг тилар. Ҳануз анга бермайдурмен”¹⁴⁸. Оддий халқ сабридан тасаввуф тариқатига кирган киши ўртасидаги фарқ шундан иборатки, оддий халқ вакили сабрни мажбурий қабул қилса, ориф киши бу машаққатли йўлни онгли равишда ихтиёран қабул қилади. Сўфий учун эса сабр ихтиёрий интилишидир. Бунда у сабрнинг барча талабларига тайёр туради.

“Насойим ул-муҳаббат”да баён қилинишича, Жалолиддин Румий “...ходимдин сўрсалар эрдики, уйда ҳеч нима борму? Агар деса (ходим) эрдики, йўқтур, мунбасит бўлуб, шукр қилурлар эрди ва дерлар эрдики, бу кун бизнинг уй пайғамбар уйига ўхшар”¹⁴⁹.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида Навоий умуминсоний қадрият саналган сабрга алоҳида боб ажратади ва қуйидаги фикрларни баён қилади: “...Сабр аччиқ, аммо фойда берувчи; у – қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири ўз муродига етади; қайси бир гирифтор кўнгил сабр тугунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт тугуни очилади. Сабр шодликлар калитидир, бандларни ечувчидир. Сабр ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи; сабр улфатдир, узоқни кўзлаган; аммо охирда истакка етказувчи. Сабр уловдир – секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр – туядир – оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр – насиҳатгўй, ачитиб гапирадиган киши табиати ундан

¹⁴⁸ А.Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, Ж. 15. –Тошкент: Бадиий адабиёт. 1968. –Б. 111.

¹⁴⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ.Ж.17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 320. Иқтибос Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти. Филология.фанл. докт. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент:1998. –Б. 237.дан кўчирилди.

озор чекади, лекин амал қилган охирда муродига етади. Сабр – табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнггида соғлиқка эришади”¹⁵⁰.

Демак, сабр бошланиши ниҳоятда оғир ва машаққатли, аммо охири саодатли бўлган йўлдир. Бу йўлда киши иродаси тобланиб, маънавий даражаси сайқалланиб, юксакликка кўтарилади.

Сабрнинг истилоҳий маъноси ҳақида мутафаккир ва мутасаввифлар бир-бирига ҳамоҳанг бўлган фикрларни билдирганлар: “Роғиб: “Сабр нафсни ақл ва шариат тақозо қилганидек тутиб туришдир ёки иккиси тақозо қилган нарсадан тутиб туришдир”, – деган. Муновий: “Сабр ҳиссий ва ақлий оғирлик ва аламларга чидашдир“, – деган”¹⁵¹.

Абу Ҳомид Ғаззолий сабр тўғрисида фикр юритиб шундай ёзади: “Йўқсилликда сабр, бир жихатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликда сабр тамомила бир ирода ишидир...” Имом Ғаззолий сабрни иккига ажратади:

1. Бадан сабри. 2. Ҳавойи нафс тақозоларидан нафсоний сабр қилиш.

Мутафаккир бадан сабри деганда, баданга тушган оғир машаққатни кўтарганга ўхшайдиган, шунингдек, ибодат ва бошқа нарсалардан бўлган оғир-қийин амалларни бажариш билан боғлиқ ҳолатни назарда тутди. Ҳавойи нафс билан боғлиқ сабрни таҳлил этган вақтда уни бир неча қисмга ажратади. Агар сабр қорин ва жинсий аъзо шахватидан бўлса, бу иффат деб номланиши, агар сабр қилиш урушда бўлса, бу шижоат деб аталиши, агар сабр аччиқни ютишдан бўлса, бу ҳилм деб юритилиши, агар сабр ғам ва ташвишдан ҳосил бўлса, бу бағрикенглик деб номланиши, агар сабр бир ишни беркитишда бўлса, бу сирни беркитиш деб номланиши, агар сабр ҳаёт афзаллигида бўлса, бу зуҳд деб исмланиши, агар сабр бироз насиба қадрига бўлса, бу қаноат деб аталиши, мутасаввиф томонидан батафсил ёритиб берилади¹⁵².

¹⁵⁰ Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983, –Б. 46.

¹⁵¹ https://telemetr.me/content/AAAAAEUy_jiMRc8TAopf_A/post/333/.

¹⁵² Қаранг: Музаффаров Ф. Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Фалс. фанл. докт.(PhD) илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Самарқанд: 2019. –Б. 79.

Муҳаммад Ғаззолий сабр уч нарсa – илм, ҳол ва амал¹⁵³ билан ривож топишини айтиб, сабр қилувчи кишиларни уч гуруҳга ажратади. Буларнинг биринчиси мутасаббир, яъни мажбуран сабр қилувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи бўлса, иккинчиси собир – сабрли, сабрига содик киши ва учинчи тоифа инсонлар саббор – ўта сабрли деб кўрсатилади.

Шарти ёмон вазиятларда шикоят қилмаслик ва яхши кунларда шукрона келтириш бўлган сабр тасаввуфий тушунчада инсоннинг яхши ва ёмон барча ҳолларини Парвардигордан эканлигини англаш ва унга кўниш кераклигини англатади. Фақатгина инсонга хос фазилат бўлган сабр учун, аввало, ақл ва маърифат зарур. Лекин бу бир-бирига тамоман тескари бўлган кучларнинг ғолиблигидан вужудга келади. Шу нуқтаи назардан Абдулла Авлоний сабр ҳақида шундай дейди: ”Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни ифбатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, манманликни тавозега, ёмонликни яхшиликка айлантирмакка қуввати етар”.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, умуминсоний қадрият ҳисобланган сабр инсонга хос бўлган нафси ғам ҳамда хафагарчиликдан, тилни арз-доддан, танани хавотирдан сақлаб турувчи мезондир. У нафсининг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, бажарилиши расо ҳамда чиройли саналмаган амаллардан ўзини тийишдан иборатдир. Қуръон ва Суннат аҳкомларида собит туриш ҳам сабрли бўлиб, бало етганда гўзал одоб ила туриш, ғам-қайғу келганда инсон қалбининг собит туриши тарзида изоҳланган. Зеро, Алишер Навоий ҳазратлари сўзи билан айтганда, “Сабр бор ерда айрилиқ ўтида куйганларга ғам йўқ, иштиёқ эгаларига куйишдан алам йўқ”. “Назм ул-жавоҳир” асарида Навоий назмий усулда сабрга таъриф бериб, дасаввал унинг фойдаси ҳақида эмас, балки унинг кишига азоб етказиши ҳақида сўз қотади. Инсон нафси сабабли юзага келадиган қийинчиликларни “Сабр арчи кишига афзун айлар” дея баён қилади. Чунки, инсон бой-бадавлатликда, бошига омад қуши қўнган пайтда у фурсатларнинг

¹⁵³ Имом Аҳмад ибн Қудом Мақдсий. Минҳожул-қосидийн (Саодат изловчиларга қўлланма). Араб тилидан Абдулҳамид Муҳаммад Турсун таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 339.

омонат эканлигига сабр қилишнинг уддасидан чиқиши, йўқчилик пайтидаги сабрга нисбатан қийинроқдир. Шайх Сирри Сақатий ҳақида Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да шундай дейди: Бир куни шайх Сирри Сақатий муридларига сабр ҳақида сўзлаётган пайтида бир чаён орқасидан келиб, унга нишини санчади. Бир шогирди у кишидан чаённи нега ўлдирмаганлиги ҳақида сўраганида, шайх: “Уялдим, чунки сабр хусусида сўзлаётган эдим”, – деб жавоб берган экан. Мазкур ибратомус ҳикоятдан маълум бўладики, сабр мақомида инсонда сўз ва амал доимо ҳамоҳанг бўлмоғи лозим.

Ушбу асарнинг кириш қисмида мутасаввиф “сабр” ҳақида шундай дейди: “Яна сабрдурким, ҳар не Ҳақдин, юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай”¹⁵⁴...

Тариқат мақомлари ичида алоҳида ўринга эга бўлган сабр сўфийлар тилида мушкулотлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Аллоҳдан бошқага нола-илтижо қилмасликни англатади. Ўзини бало гирдобига ташлаб, ундан заррача кўрқмайдиган солиқ кушойиш топади, янги руҳоният манзилларини кашф қилишга муваффақ бўлади. Нафс сўфийнинг душмани бўлиб, у сабр орқали яксон қилинади, ибодатдан ҳузурланиш ҳам сабр сабабли вужудга келади. “Сабр – иймоннинг ярми”, деган нақлнинг юзага келиши шундан бўлса керак. Сабр ҳақида “Насойим ул-муҳаббат” асарида еттита шайх фикр билдирган. Навоий Абу Али Котиб Мисрийнинг сабр ҳақидаги фикрини алоҳида таъкидлайди: “Фақирликда афзаллик бўлгани учун бойлик томон кўз тикмайман. Ўзимга келган синовларга, албатта сабр қиламан. Аллоҳ сабрни мақтади”¹⁵⁵.

Абу Исо Термизийнинг жияни шайх Абубакр Варроқ Тирмизий ҳақида Навоий сўз юритиб, у “асли Тирмиздин”¹⁵⁶ бўлса-да, Балхда яшаганлигини таъкидлайди. Абубакр Варроқ Тирмизий дўстларини сафар ва саёҳат қилишга даъват этмасди. “Айтардики, иродат қилган ерингда муридлигинг

¹⁵⁴ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 15.

¹⁵⁵ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 141.

¹⁵⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 82.

камолга етгунча сабр қилиб туришинг барча баракотнинг калитидур”¹⁵⁷. Шайх Абубакр Варроқ сабрни “баракотнинг калити”га қиёс қилмоқда.

Дарҳақиқат, сабр қилувчи (собир) бошига тушган ҳар қандай қийинчилиқни Аллоҳнинг синови дея қабул қилиб, уммон каби сабрга эга бўлса, муридлик камолига етиб, баракотга эришади.

Маълумки, “Насойим ул-муҳаббат”да 770 та шайхнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг 35 таси Алишер Навоий айтганидек, “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” ҳақидадир. Шундай орифа аёллардан бири Тилмизаи Сирри Сақатий бўлиб, унинг ҳаётидан олинган ҳикоят киши эътиборини тортади. Бу орифа аёлнинг бир ўғли бўлиб, муаллими уни тегирмонга юборади. Ўғли тегирмоннинг сувига тушиб, чўкиб кетади. Бунга муаллимга хабар берадилар, муаллим эса ўз навбатида унинг онаси олдида бориб, унга сабр ва ризо ҳақида насихат қилади. Бунга тушунмаган Тилмизаи Сирри Сақатий муаллимдан бу гапларнинг сабабини сўрайди. Устоз эса ўғли тегирмоннинг сувига тушиб кетганлигини тушунтиради. Она бунга ишонмайди. “... Тенгри таоло мунг қилмайдур”¹⁵⁸, – дейди. Шайх яна сабр ҳақида гапиради. Бунга ишонмаган она сув ёқасига бориб, ўғлини чақиради, у “лаббайк” деб жавоб қайтаради. Сувга кириб, ўғли Муҳаммадни қутқаради. Ҳамма ҳайрон бўлади. Устоз эса бунинг сирини шайх Жунайд деган кишидан сўрайди. Шайх Жунайд эса бунинг сири аёлнинг сабр қилиб, Аллоҳ таолога ишонишида эканлигини айтади.

Кубравия тариқатининг асосчиси, халқ қаҳрамони Нажмиддин Кубро ҳам тариқат мақомларига бирма-бир таъриф бериб, сабрга қўйидагича тўхталади: “Сабр, мисли майит нафсга ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарсаларга мужоҳада билан барҳам бермоқдир.” Мазкур фикрдаги “мужоҳада” сўзи вазифанинг қийинлигига эътиборни қаратади. Табиийки, нафс хохламайдиган нарсаларни унга етказиш билан ушбу жараён амалга

¹⁵⁷ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 82.

¹⁵⁸ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 487.

ошади. Мисол учун нафснинг муддаоси ваҳдат – ёлғизлик эмас, балки, касрат – анжумандир. Яъни бу дунё хой-ҳавасларига учиб, маишатбозликда умргузаронлик қилиш, тоат-ибодатдан йироқ юришдир.

Бу борада, ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинади: “Жаннатнинг атрофи машаққат ва мушулотлар билан, жаҳаннамники эса орзу ҳаловатлар билан ўралгандир”.

Демак, Шайх Нажмиддин Кубронинг таъбирича, нафс улфатлик қилган ва хоҳлаган нарсаларни унга тортиқ қилмасдан, намунали, ҳидоятга элтувчи йўлдан тўғри юришда матонат кўрсатиш лозим. Зеро, Аллоҳ таоло: “Улар (ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга) сабр қилишгач, Биз улардан (одамларни) ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар оятларимизга пухта ишонар эдилар”¹⁵⁹, деб марҳамат қилади.

Тасаввуфда муддао маълум мақомга эришиш экан, бунда хоҳ мурид, хоҳ муршид бўлсин сабрда собит турмоғи, шу билан том маънода ўзини ислоҳ қилмоғи жоиз.

Ўзига тариқат йўлини ихтиёр қилган сўфий бошига тушган барча ғаму-кулфат, дардга чидайди, ҳеч қачон шикоят қилмайди. Олий мақомга эришгач, сўфий дунёдаги бор ғаму ташвиш, қийинчиликларга нисбатан мутлақо бепарво ва лоқайд бўлади. Сабаби унинг бошига тушган жамики мушкулот Аллоҳдан бўлиб, сўфий уни синов деб қабул қилади.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида келтиришича, бемор кишиларни ўз дуоси билан даволовчи машхур сўфий Шайх Саҳл бинни Абдуллоҳ Тастурий ўзининг бавосир маразини (геморрой касаллиги) даволамай, “йиллар ул саъб маразға сабр қилиб дуо қилмадиларки, ҳар не тенгридин келса, хушдур, биз они нечук рад қилали”,¹⁶⁰ дея Аллоҳдан нажот кутган экан.

¹⁵⁹ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. “Сажда” сураси, 24-оятлар. – Б. 278. www.ziyouz.com.

¹⁶⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Асарлар.15 жилдлик. Ж. 15. –Тошкент: Бадий адабиёт. 1968. – Б. 72.

Яссавия тариқати асосчиси Аҳмад Яссавий ҳам бутун умр илм-маърифатга интилиб, ўзидаги иллатлардан қутулиш учун сабр-матонат билан курашиб, натижада олий мақомга эришган:

“Дунёдаги қурти, қушлар қилди салом,
Ул сабабдин ҳаққа ёвуқ бўлдим мано”¹⁶¹.

Сабр инсонни маънавий жиҳатдан юксак поғоналарга кўтариб, эзгуликка чорлайди. У инсонийликнинг бош белгиси саналади. Шу боис ҳам профессор Е.Э.Бертельс: “Сабр сўфийдаги энг яхши хислатдир”, – дейди¹⁶².

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ҳазрат Навоий сабрни одамийлик мулкнинг кўрки, беағи деб билади. Сабр этагини ушлаган ҳар бир киши, албатта, муродига етади, дея ишонч билдиради.

Мўминни комилликка етаклайдиган фазилатлардан бири – тавозе ҳақида ҳам Ҳазрат Навоий алоҳида тўхталади. Луғатларда “камтар, хокисор, сипо, оддий, ювош, камсуқум” каби бир неча сўзлар билан изоҳланган “тавозе”, асосан, камтарликни, кибрнинг зиддини англатади.

Инсоннинг мансаби, улуғлиги талаб этиб турган ҳолатдан чиқиши ва оддий одамлар мақомига тушиши, камтар бўлиш ҳолати ва шу вазият истилоҳда тавозе сифатида қабул қилинади.

Муҳаққиқ олимлар фикрича, кишининг ўз нафсига қадр-қиймати ҳам, алоҳида ажралиб турадиган хислати ҳам йўқ деб қараши ва ўз ҳолатини аслида ҳақли бўлганидан анча юқори деб билиши тавозе ҳисобланади.

Такаббурлик бу – ортиқчаликка мойил бўладиган хулқ бўлса, аксинча, ноқисликка мойил бўладиган хулқ “пасткашлик ва хорлик” дейилади. “Тавозе” эса уларнинг ўртасидаги фазилат бўлиб, севимли ва ёқимли хулқ саналади. Ҳазрати инсон илми, одоби, тавозеси билан ёқимли бўлиб, меҳнати билан улуғланади. Гўзал инсоний фазилатлардан бири бўлган тавозе – камтарлик ислом таълимотида алоҳида қадрланиб, мусулмонлар шу сифатга эга бўлиш лозимлиги даъват этилади.

¹⁶¹ Насафий. Ҳожа Аҳмад Яссавий. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –Б. 8.

¹⁶² Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –Москва: Наука, 1965. –Б. 37.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозе билан (камтарона) юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда, “Саломатлик бўлсин”, деб жавоб қиладиган кишилардир”¹⁶³.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаллам шундай марҳамат қилади: “Аллоҳ таоло менга тавозеликда бўлинглар, ҳатто бир киши бошқаси устидан фаҳрга бормасин ва бир киши иккинчи кишига зулм қилмасин”, деб ваҳий юборди (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мутакаббирларни шундай маломат қилиб айтди: **“Мутакаббирларнинг жойлари нақадар ёмон”**¹⁶⁴.

Бу оятга ҳамоҳанг тарзда Ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Қалбида заррача кибри бор инсон жаннатга кирмайди”¹⁶⁵ (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Шайбонинг сўзини нақл қилган Рисолатул Кушайрия соҳиби фикрича, “Шараф – тавозеда, иззат-икром – тақвода ва ҳуррият қаноатдадир”.

Шайх Юсуф Хусайний умуминсоний қадрият ҳисобланган тавозени таърифлаб, шундай дейди: “Ал-Хайру куллуҳу фи байтин ва мифтоҳу ат-тавозе ва аш-шарру куллуҳу фи байтин ва мифтоҳу ат-такаббур” (“Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозедир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, калити такаббурликдир”)¹⁶⁶.

Алишер Навоий “Ҳукамо қавлининг таржимаси инсоният бобида” сарлавҳали китъасида комил инсонга хос бўлган учта хислат: тавозе, кечиримлилик ва ато, яъни саховатга урғу қаратади. Демак, Навоий талқинича, тавозе, кечиримлилик ва ато, яъни саховат комил инсонга хос бўлган хислатлардир. Мутафаккир асарларида манманлик камтарлик, тавозе, хокисорликка қарама-қарши қўйилади. Шу ўринда Навоий асарларида

¹⁶³ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. Фурқон сураси, 63-оят. – Б. 240. www.ziyouz.com.

¹⁶⁴ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. Наҳл сураси, 29-оят. – Б. 170. www.ziyouz.com.

¹⁶⁵ <https://islom.uz/maqola/8843>

¹⁶⁶ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009, – Б. 448.

алоҳида эҳтиром билан тилга олинган Боязид Бистомий ҳазратлари номи тилга олинган ҳикоятга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

Султон Маҳмуд Ғазнавий йўлда борар экан, мўрисидан тутун чиқиб турган бир кулбани кўриб ичкарига кирди. У ерда Абул Ҳасан Харақоний ҳазратлари яшарди. У зот ўз ишлари билан оввора бўлиб, султонга эътибор қаратмади. Бу ҳолдан Султон Маҳмуд каттиқ хафа бўлади, лекин бунини сездирмай деди:

– Устоз!

– Нима гап?!

– Устозингиз Боязид Бистомий ҳазратлари қандай инсон эди?

Абул Ҳасан Харақоний ҳазратлари устозининг исмини эшитгач тўлқинланиб:

– Устозим шундай одам эдики, мусулмон бўлмаган инсоннинг юзига боқса, уни имон нури билан шарафлантирарди.

– Бу қанақа гап бўлди? Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ни Абу Жаҳл ва бошқа мушриклар кўрдилар. Улар имон келтиришмади. Сенинг устозинг пайғамбардан ҳам буюкми?!

Абул Ҳасан Харақоний шундай жавоб беради:

– Абу Жаҳл ва бошқалар Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га Абу Толибнинг еtimi деб қарашди, пайғамбар сифатида кўра олмадилар. Устозимнинг юзига бирор киши Боязид Бистомий деб қараса, имон билан шарафлантиради.

Султон ундан мамнун бўлиб, кулбадан чиқди. Абул Ҳасан ҳазратлари султонни ташқаригача кузатиб қўйди. Маҳдум Ғазнавий бу ҳолдан ҳайратланиб сўради:

– Келганда юзимизга ҳам боқмаган эдингиз. Энди нега ташқаригача кузатиб чиқаяпсиз?

– Келганда кибр билан ичкарига кирдингиз. Чиқаётганингизда эса тавозе билан чиқмоқдасиз. Энди юзингиз гўзаллашди¹⁶⁷.

¹⁶⁷ Сотволдиев Қ. “Ислом нури” газетасининг 2019 йил, 2-сонидан.

Юқоридаги ҳикоятдан хулоса қилиш мумкинки, киши ўзини қанчалик камтарин тутса, шунчалик иззат ва шарафларга муяссар бўлади. Боиси банда учун белгиланган мақом – хокисорлик, кулликдир. Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбандга “Нега ўзингизга хизматкор сақламайсиз”, дейилганда, ул зот: “Менга бандалик хос. Зеро, Ҳожалик ва куллик бири-бирига мос келмайди” – дея жавоб берган эканлар. Бундан кўринадикки, банда хокисорлик мақоми томон ҳаракат қилар экан, унинг қадамларига ҳасанот ёзилиб, у иззат-икром ва шараф соҳибига айланиб боради.

Навоий таъкидича, одобсиз кишилар ҳеч қачон элда азиз бўлмайди. Ҳаё ва одоб иймоннинг белгиси бўлиб, инсонларга нисбатан ҳурмат ва тавозеда бўлиш саодат калити саналади:

“Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд”¹⁶⁸.

“Тўрт нарса бандани олий даражаларга кўтаради, гарчи унинг амали ва илми оз бўлса ҳам: тавозелик, ҳалимлик, сахийлик ва чиройли хулқ. Булар эса иймоннинг мукамаллигидир”, – дейди Жунайд Бағдодий. Аҳли донишлардан бири куйидаги фикрни эътироф этади: “Ким ўз нафсини бирор қийматга эга деб ҳисоблар экан, демак, у тавозедан бенасибдир. Барчанинг тавозели бўлгани яхши: агар бой тавозели бўлса, ҳаммасидан ҳам яхши!”

Адабнинг энг яхши сифати – тавозедадир дея англаган буюк ижодкор асарларида беҳуда кулгуни адабсизликнинг нишонаси сифатида талқин қилади:

“Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ”¹⁶⁹.

Алишер Навоий бола тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, даставвал, ота-она масъулияти – фарзандига чиройли исм қуйиш, яхши муаллимга бериб, илм ўргатиш эканлигини уқтиради. Шу билан биргаликда,

¹⁶⁸ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан.1991. –Б. 155.

¹⁶⁹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 156.

фарзандлар ота-оналарига муносиб ҳурмат кўрсатиб, доимо тавозеда бўлишлари зарурлигини айтади:

“Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.
Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил”¹⁷⁰.

Ота-онангга бир хилда қуллуқ қил, чунки Аллоҳ таоло: “Ота-онангга яхшилик қил”¹⁷¹, – деган. Уларга хизмат қилишни расму одат айлаб, бу ишни икки дунёнинг саодати деб бил.

“Бўл банда ато-аноға яксон-
Ким, Ҳақ деди: “Волидайн эҳсон”.
Қуллуқларин айла расму одат,
Кавнайн аро бил саодат”¹⁷².

Ширинсухан, юмшоқ феълли, оғир-босиқ бўлиш ҳам тавозе ҳисобланади. Бу каби инсонлар сўзи, муомаласи билан кишиларни ўзига оҳанрабодек тортади. Қалб қулфларини очиб, уларда эзгуликка ишонч, рағбат ҳосил қилади.

Ваҳоланки, “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ кинидан чиқади”, тарзидаги пурмаъно ҳикмат бежизга айтилмаган. Яхши сўз беморнинг дардига шифо бўлиши, ёвни биродарга айлантириши, йўлини йўқотганни тўғри йўлга солиши мумкин. Мутафаккир Аз-Замахшарий яхши сўз, панд насиҳатни садақадан, қўлдан берилган моддий ёрдамдан ҳам юқори қўяди. Аксинча, ўйланмай айтилган биргина сўз кишилар орасига совуқчилик солиши, ёмон вазиятларга олиб келиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳадиси Шарифда айтилганидек “Инсон гўзаллигининг ярми – унинг тилидадир.” Маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда “Бошимизга тушадирган қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан

¹⁷⁰ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 160.

¹⁷¹ А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. “Аҳқоф” сураси, 15-оятлар. – Б. 345.
www.ziyouz.com.

¹⁷² Ибратли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев, –Тошкент: Сано-стандарт. 2016, –320-б.

келади”. “Сўзлашда тақво этиш луқма ва таомдаги тақводан ортикдир”, – деган эди донишмандлардан бири.

Дарҳақиқат, сўзи тақволи одам бировнинг дилини ранжитадиган гаплардан йироқ бўлади. Ноўрин вазиятларда “доно”лик қилиб, инсонларни чалғитмайди.

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,

Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,

Яна айла таъзиму ҳурматни фош!

Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,

Нечук борсанг, тутқил ул сори йўл¹⁷³.

Алишер Навоий сабр-тоқат, тавозе каби фазилатлар билан биргаликда адолат, яъни одилликка ҳам алоҳида урғу қаратади. Сабаби, дунёнинг ободлиги, жамият турмушининг тараққиёти учун айнан адолат устун вазифасини ўтайди. Навоий маънавий меросида кўпроқ “адл” сўзи қўлланилади.

Аввало, Ҳазрат Навоий одиллик талабини ўзига қўяди. Жумладан, “Лисон ут-тайр”нинг муножот, яъни Аллоҳга мурожаат қисмида қуйидаги байт келади:

Адлу эҳсонингга хос этгил мени,

Нафси золимдин халос этгил мени¹⁷⁴.

Тасаввуф аҳли анъансига мувофиқ Мутлақ вужуддан унинг кўнглига инсоф, адолат нуруни жо этишини, нафс балосидан озод қилиб, ўз ҳимоясига олишини сўрайди.

Шунингдек, одилликнинг муҳим шарти сифатида ҳақни ноҳақдан, ростни ёлғондан ажрата олиш эканлигини кўрсатиб, шундай дейди:

Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ,

Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ¹⁷⁵, —

¹⁷³ Ибрatли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев, –Тошкент: Сано-стандарт. 2016, –77-б

¹⁷⁴ Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ.20 жилдлик, 1 Ж. 2. –Тошкент: Фан.1996. –Б. 10.

Яъни, Навоий таъбирича, кимки, ҳақни ноҳақдан фарқлаб фаолият олиб борар экан, худди, адолати билан Ғарбу Шарқни ёритиш даражасига эришибди.

Мутасаввиф адолатни таърифлаб, яна шундай дейди: “Адл бир кўрғондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур”¹⁷⁶. Дарҳақиқат, моддийлик қийматига эга бўлган ҳар қандай мулкнинг маълум бир бўлаги ишлатилса, у камаяди. Лекин Навоий таъкидича, одиллик сувда йиқилмайди, оловда куймайди, қанча сарфласанг, шунча кўпаяди.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Қуззот зикрида” (“Қозилар ҳақида”), “Муфтийи фақиҳлар зикрида” (“Қонуншунос муфтийлар зикрида”) каби бобларида Алишер Навоий умуминсоний қадрият ҳисобланган адолатга алоҳида урғу қаратади. Хусусан, Навоий куйидагиларни ёзади: “Қози ислом биносиға аркондир ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур”¹⁷⁷. Навоий таърифича, қози (судья) ислом биносининг устуни ва ислом динига бўйсунувчиларнинг ҳар турли амаллари юзасидан ҳукм қилувчидир. Қозига бундай масъулиятли иш юклатилган экан, у бунга ҳар томонлама лойиқ бўлиши даркор. Диний ва дунёвий илмларни пухта ўзлаштирган бўлмоғи зарур. Мазкур соҳа вакилларининг энг олий бурчи – ҳуқуққа оид илмларни чуқур ўрганиш, шу билан биргаликда унга масъулият билан риоя этиш. Алишер Навоий тасвиридаги қози табиатида худбинлик, шахсий манфаатдорликка оғиш бўлмаслиги, ақл-заковатлилиги ва оққўнгиллилигидан инсонда унга нисбатан эҳтиром ва шукуҳ, иккиюзламачиликдан йироқ бўлмоғи, фаросатлилиги ҳамда ишга диққат-эътибордан диёнат ва виждонийликдан узоқ кишилар кўнглида қайғу бўлмоғи даркор. Эгаллаган илмига муносиб ҳаракат қилиб, бошқаларга намуна бўлган қози шахсий манфаатлар қуршовига тушмайди, кўп кишининг

¹⁷⁵ Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ.20 жилдлик, 1 Ж. 2. –Тошкент: Фан.1996. –Б. 20.

¹⁷⁶ <http://www.adolatgzt.uz/society/5413>

¹⁷⁷ <http://www.adolatgzt.uz/society/5413>

тақдири унинг қўлида эканлигини англайди. Ўзига ишониб топширилган лавозим мажбуриятларига алоҳида масъулият ҳамда одиллик билан ёндашади.

Навоий қонун ва қонуншунос, жамият ва инсон, одиллик ва ноҳақлик муносабатлари ҳақида “Махбуб ул-қулуб” асарининг “Муфтийи фақиҳ (қонуншунос)лар зикрида” сарлавҳали бобида алоҳида тўхталиб ўтади. Уларни ўқиганда, қарийб олти аср муқаддам айтилган фикрлар бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашган даврда ҳам ўз қийматини йўқотмаганлигига гувоҳ бўласиз. Алишер Навоийнинг таъкидича, фақиҳнинг (қонуншуноснинг) ҳаёли қонунга зид томонга йўналмаслиги, ҳийлагарлик қалбига бегона бўлиши, фикри теран, битганлари улуғ қонуншунослар гапига мос бўлиши жоиз. Фақиҳ ахлоқли бўлиши, золим кишилардек меҳр-шафқатдан йироқ бўлмаслиги, арзимаган бир чақа эвазига юз ҳақни ноҳақ ҳамда кўрсатилган заррача марҳамат эвазига кўп “йўқ”ни “бор” деб ёзмаслиги керак. Навоий бор-йўғи бир сават узум учун бутун бошли узумзорнинг ёниб кетишидан қайғуга ботмайдиган ҳамда атиги бир ботмон дон учун хирмоннинг талон-тарош қилинишидан ғам чекмайдиган қонуншунос давлатга, халққа зиён етказишдан бошқасига ярамаслигини уқтиради.

Улуғ мутафаккир “Садди Искандарий” достонида одиллик қилишнинг яхши амал, савобга сабаб бўлувчи иш эканлигини таъкидлаб, бир соатлик адолат бани башар ва жинларнинг тавба-тазаррусидан, ибодатидан улуғроқдир дейди:

Ки, адл ичра ўтганга бир соати,
Эрур беҳки, жинну башар тоати¹⁷⁸.

“Садди Искандарий”да агарда бирор киши томонидан адолатли иш қилинса, унинг аввал қилган ва қилмаган гуноҳлари афв этилиши айтилади:

Ҳамул адлким тутти сендин вужуд,
Гуноҳинг бағишланди буду набуд¹⁷⁹.

¹⁷⁸ Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ.20 жилдлик, Ж. 11. –Тошкент: Фан.1993. – Б. 128.

Навоий асосий умуминсоний кадриятлардан бўлган адолатга ўз фалсафий меросида шу қадар чуқур эътибор қаратадики, бу буюк алломанинг жамият ҳаётида адолатнинг эгаллаган ўрнига алоҳида эътибор берганига исбот бўлади.

Мир Алишер Навоий сабр-тоқат, тавозе, адолат каби кадриятларни асарларида шунчаки васф этиб қолмай, балки мазкур умуминсоний кадриятларни ўз ҳаётий фаолиятига жо қилиб, оддий халққа ибрат бўла олган. Буни кўпгина сиймолар, жумладан, Огоҳ Сирри Левенд эътирофида ҳам кўришимиз мумкин: “Навоий ҳаётини эл-юртга вақф этган (бағишлаган), умрини хайр-саховат, ҳиммат, халққа фойдали бўлмоқ учун ўтказган, ўқишни, ёзишни, фурсат топилиши билан дўстлари ва севганлари билан суҳбатлашишни энг катта завқ деб билган; комил инсон ўлароқ яшаган зотдир. Одабийлиги ва инсонларга нисбатан севгиси – уни юксалтирган энг буюк васфларидан биридир... Навоий мағрурдир, бироқ ғурурини камтаринлик ила бирлаштиргандир”¹⁸⁰.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий сабр қилиш, тавозели бўлиш орқали нафақат инсон истаган адолатга эришиши, балки жисмоний-маънавий ва руҳий камолотга етишиши мумкинлигига урғу қаратади.

Иккинчи боб бўйича хулоса:

1. Алишер Навоий “Насойим” муқаддимасида тавба мақоми, луқма ҳалоллиги, таом топиш учун бирор касб-ҳунар билан шуғулланиш, шариат риояти, хокисорлик, ҳалимлик, ризо, саховат, сабр, жавонмардлик, сидқ, риёзат ва кароматни тасаввуф аҳлининг амаллари, феъллари, риёзат ва муомалатлари қаторига киритади.

2. Ишимизнинг мазкур бобида Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида илм ва маърифат, инсон эрки масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, тасаввуф анъанасидаги солиқнинг Олий мутлақ зот моҳиятида

¹⁷⁹ Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ.20 жилдлик, Ж. 11. –Тошкент: Фан.1993. – Б. 134.

¹⁸⁰ Ибратли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайдуллаев, –Тошкент: Сано-стандарт. 2016. – Б. 176.

ўзликдан буткул фориф бўлиш ғояси Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларида мужассам. Алишер Навоий фикрича, мутлақ ўзликни йўқотиш, жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, балки шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. Навоий учун ориф комил инсон тимсоли саналади.

3. Алишер Навоий асарларида орифларга хос сифатлар саналган тавозе, ҳилм, қаноат, сидқу сафо, шариат қоидаларига риоя қилиш, тариқат одобига амал қилиш, закот тўлаш, ширинсухан ва раҳмдил, сахий, мард ва мулойим бўлиш, ризолик билан кун ўтказиш, садоқатли бўлиш, риёзат чекишдан кўрқмаслик, фавқулодда, ғайритабиий аъмоллар, кароматлар кўрсатиш, бошига тушган ҳар қандай кулфатларни синов дея қабул қилиб, доимо Аллоҳ ҳукмига розилиқда яшаш каби нажиб хислатлар улуғланади. Сўфий шоир таъкидича, “дарвешман” деб кўкрак керадиган киши, аслида, дарвеш эмас, аксинча, кибру ҳавога берилган кимсадир. Дарвеш одоб ва камтаринликда башар аҳлига ибрат бўлмоғи даркор. Шундагина у ризо ва таслим, фано ва тамкин даражаларига етишади. Булардан кўринадики, Навоий асил сўфий ва сохта сўфий ўртасидаги фарқларни белгилаб беради.

4. Ўз эътиқодий қарашларидан келиб чиқиб, аллома мунофиқлик ва риёкорликни қаттиқ танқид остига олади. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида одамларни алдаб, бойлик орттирувчи риёкор “шайхлар”ни кескин қоралайди. Бутун вужуди билан ўзини Аллоҳ йўлига бахшида қилиб, дунё молини назарга илмайдиган, олийҳиммат Ҳақ ошиқларини мадҳ этади.

5. Алишер Навоий таъбирича, асил сўфийлар мазҳабпарастликни номуносиб ва Худога хуш келмайдиган иллат деб билишган. Улар наздида барча инсон — Худо томонидан яратилган мавжудот ва ҳар бир дин Худога олиб борадиган бир йўлдир. Бу “йўллар” маълум маънода бир-биридан фарқланиши мумкин, аммо йўлчининг мақсади, нияти уни бошқа йўловчилар билан яқинлаштиради.

6. Алишер Навоий асарларида турли тоифадаги сўфийлар ахлоқини таърифлаб, улардаги комил инсонга хос бўлган барча умуминсоний қадриятларни эътироф этган. Айниқса, уларнинг тупроқ каби хокисорлиги, мардлиги, тўғрисўзлиги, сабр-бардошлилигини алоҳида таъкидлайди, кишиларнинг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча Мутлақ вужуд томонидан яратилган хилқат эканлигини таъкидлайди. Инсон фақатгина эзгулик йўлида фаолият юритиб, бунёдкорлик учун яратилганини айтади.

7. Алишер Навоий саховатни улуғларкан, бундай фазилат кишиси инсонлар орасида куёшдек мўътабарлигини эътироф этади. Ғоятда таъсирли байтларда инсоннинг энг муҳим фазилати бошқаларга, хусусан, ўз яқинларига, юртдошларига ҳиммат камарини белига боғлаб яхшилик қилишида кўринишини баён қилади.

8. Алишер Навоий адаб ҳақидаги ўз мулоҳазаларида ота-она ва фарзанд орасидаги ўзаро муносабат, ҳар иккала томоннинг масъулиятлари хусусидаги қимматли фикрлари кишилик жамиятида ўта муҳим. Оила муҳитида яхши тарбияланган киши Ануширвон сингари одоб ва ҳаё борасида танҳо бўлиши мумкинлигига урғу беради. Одоб ва ахлоқ фазилати Ануширвонни оламаро подшоҳ қилгани каби, бундай кишилар одамлар орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлишини қайта-қайта таъкидлайди.

9. Ҳазрат Навоий умуминсоний қадрият бўлмиш сабрни одамийлик мулкнинг кўрки, безаги деб англайди. Сабр этагини ушлаган ҳар бир киши, албатта, муродига етади, дея ишонч билдиради.

10. Алишер Навоий талқинича, тавозе, кечиримлилик ва ато, яъни саховат комил инсонга хос бўлган хислатлардир. Мутафаккир асарларида манманлик илллати камтарлик, тавозе, хокисорликка қарама-қарши қўйилади.

11. Алишер Навоий асарларида сабр, тавозе каби тасаввуфий категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва одоб-ахлоқ, тарбия жараёнидаги субстанционал аҳамияти очиқ берилган. Мир Алишер Навоий сабр-тоқат, тавозе каби фазилатларни асарларида фалсафий жиҳатдан шунчаки васф этиб

қолмай, мазкур умуминсоний қадриятларни ўз фаолиятига жо қилиб, оддий халққа ибрат бўла олган.

12. Аллома тасаввуфий ғояларининг умуминсоний моҳияти жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги борасидаги қарашларининг цивилизацион аҳамияти билан далилланган. Алишер Навоий сабр қилиш, тавозели бўлиш орқали нафақат исталган адолатга эришилиши, балки инсоннинг жисмоний-маънавий ва руҳий камолотга етишилиши мумкинлигини уқтиради.

III БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик чоғидаёқ бошланган бўлса-да, ҳали-ҳануз давом этмоқда. Ўрганилганда ҳам, тадқиқотлар бир миллат доирасида эмас, бутун дунё миқёсида амалга оширилмоқда. Навоий асарлари нафақат манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик, тилшунослик йўналишида, балки, мутафаккирнинг онтологик ва гносеологик қарашлари нуқтаи назарларидан ҳам махсус ўрганилмоқда.

Алишер Навоийнинг ижоди шўролар даврида фақат бир томонлама таҳлил қилиниб, диний-тасаввуфий жиҳатлари салбий баҳоланган. Асарлардаги диний-тасаввуфий қисмлар нашр қилинмаган.

Бугун мустақилликдек буюк неъмат туфайли Ҳазрат Навоий бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Алишер Навоийнинг умуминсоний моҳиятни ўзида сингдирган инсонпарварлик ғоялари муқаддас динимиз мафкурасидан илҳом олган бўлиб, Мутасаввиф ўз илмий-фалсафий меросида унинг илоҳий ҳамда дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний маъно имкониятларини ривожлантириб, сайқал берган. Олти асрдирки, Ҳазрат Навоийнинг ижод маҳсули инсон ва халқ манфаатлари, жумладан, ёшлар тарбияси учун хизмат қилмоқда.

3.1. Ёшларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда Навоий қарашларининг аҳамияти

Юртимизда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш” жараёнида Навоий илмий меросини ўрганишда янгича дунёқараш шаклланиб бормоқда. Буни биз қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужатлар мисолида кўришимиз мумкин:

□ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 январдаги “Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг адабиёт институтига Алишер Навоий Номини бериш тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 сентябрдаги “Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти бериш тўғрисида”ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори”¹⁸¹;
- “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори¹⁸².
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 февралдаги “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш” тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидандир. Шунингдек, 2019 йил 15 октябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитида илк бор Ўзбекистон унинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев¹⁸³ мазкур анжуманда аъзо давлатларнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа

¹⁸¹ Турдиев Б. Навоий илмий мероси – миллий маънавий янгиланишимиз пойдевори // Башарият маънавий юксалиши ва ёшлар тарбиясида Алишер Навоий меросининг аҳамияти мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро: 2021 йил. –215-б.

¹⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 19.10.2020 йилдаги ПҚ-4865-сонли Қарори.// <https://lex.uz/docs/-5054929>

¹⁸³ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.

соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга доир муҳим ташаббусларни илгари суради. Бу анжуманда Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус – Кенгашга аъзо давлатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меморчилик соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритган ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида мукофот таъсис этиш тўғрисидаги таклиф куни тартибига қўйилади. 2021 йил 31 апрелда бўлиб ўтган Кенгашнинг навбатдаги саммитида жуда муҳим ва қувончли воқеа юз берди: Юртбошимизнинг ижодкорларни рағбатлантириш борасидаги мазкур нуфузли мукофотни, буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий номи билан аташ тўғрисидаги таклифи Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон каби аъзо давлатлар вакиллари томонидан маъқулланди.

Маълумки, туркий халқларни асрлар давомида ўзининг бой ва ўлмас мероси билан бирлаштиришга хизмат қилиб келган улуғ зот – Алишер Навоийга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишлари ҳеч қачон сўнмайди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан 2020 йил декабр ойида тузилган махсус ишчи гуруҳ Ҳиротдаги Ҳазрат Навоий мақбараси қайта таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш мақсадида Афғонистонда бўлиб, қизгин музокараларни амалга ошириб қайтди. Бу борада яқин кунларда кенг миқёсда амалий ишлар бошланиши кўзда тутилган. Бу ҳам Президентимизнинг аллома шахсиятига бўлган юксак эҳтироми рамзидир.

Аллома таваллудининг 580 йиллиги айни дамларда халқаро миқёсда ва юртимизда кенг нишонланмоқда.

Юртимизда Ҳазрат Навоий номини абадийлаштириш, руҳини шод этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унга кўра, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил қилиш, аллома ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга салмоқли ҳисса қўшган юртимиз ҳамда чет эл фуқароларини, шунингдек,

илмий-ижодий муассасаларни мукофотлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Ҳирот шаҳридаги жойлашган Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш каби кўплаб долзарб вазифалар белгилаб олинганлиги таҳсинга сазовор. Айни вақтда Туркий Кенгашга аъзо давлатларнинг 150 миллиондан ортиқ аҳолиси мазкур табаррук санани кўтаринки руҳда, тантанали нишонлаётганлари қувончлидир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросининг кўлами ва таъсир даражаси шунчалик кенгки, шу боис у замон ва макон чегарасини тан олмайди. Унинг асарларида умуминсоний қадриятлар мадҳ этилади. Бу эса ҳар қандай миллатга мансуб инсон маънавияти учун сув ва ҳаводай зарурдир. Аммо, Навоий ва унинг асарлари туркийзабон халқлар, жумладан, биз ўзбеклар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва халқнинг миллат сифатида юзага чиқишида бошқа бирор бир шахсият Алишер Навоийчалик чуқур из қолдирмаган. Шунинг учун бизда Навоийни тушуниш ва тушунтириш йўлидаги изланишлар ҳеч қачон тўхтаб қолмаган.

Алишер Навоий ижоди ва ҳаёт йўлини тадқиқ этиш, хусусан, XX аср бошларида шиддат билан бўй кўрсатди. Бунда миллат фидойиси ва маърифатпарвари Абдурауф Фитратнинг алоҳида ўрни бор. Фитрат халқда миллий руҳни уйғотиб, миллий онгни ўстиришда бебаҳо бойлик бўлган она тилимизнинг беназир аҳамияти борлигини биринчилардан бўлиб англаб етди ва шунга яраша ҳаракат қилди.

Ўтган аср бошларида ўзбек тилини адабий тил даражасига кўтарилишига қарши бўлганларнинг бу борада қуйидагича важдлари бор эди:

- туркчага кириб қолган арабча, форсийчанинг туркчалари йўқтур;
- илмий истилоҳларнинг туркчалари йўқтур;
- илмий истилоҳларни турклаштирмоқ учун ҳаракат қилиш билан вақтимизни беҳуда ўтказган бўламиз;
- чиғатой тилида билим ўқумоқчи бўлсак, юз йил кутиб турайлик;

- арабча илмий-адабий бир тилдир: арабча илмий истилохларни ўзгартирмак тўғри эмас, биз илмий китобларимиздан илмий сўзларни чиқариб, арабчилар сўзини киргуза олмаймиз. Бундай эътирозларнинг аксарияти Навоий даврида ҳам мавжуд эди¹⁸⁴.

Навоий яшаган XV аср шароитига назар солсак, мазкур даврда ҳам бадиий асарларни форс тилида, илмий асарларни араб тилида ёзиш анъанаси бузиб бўлмас қонуният сифатида мавжуд эди. Алишер Навоий ушбу қоидага қарши ҳаракат қилиб, ўзбек тилининг жуда кенг имкониятга эга эканлигини ўз маънавий мероси орқали кўрсатди ҳамда ҳақли равишда “ўзбек адабий тилининг асосчиси”га айланди.

Абдурауф Фитрат буюк аллома Навоий изидан бориб, уни ўзи учун миллий тимсол деб билди. “Муҳокамат ул-луғатайн”¹⁸⁵ асаридан илҳомланиб, улуғ мутафаккир Навоий сингари ўзбек тили дунёнинг ҳеч бир тилидан қолишмайдиган даражада бойлигини исботлашга ҳаракат қилди.

“Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи (миллатпарвар) ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир,” – дея бежизга таъкидламаган эди адиб Вадуд Маҳмуд¹⁸⁶.

Фитрат “Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида” (“Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1925) ва “Фарғод-у Ширин” достони тўғрисида” (“Аланга” журнали. 1930) каби мақолаларини биринчилардан бўлиб эълон қилди. Туркистон Мухтор жумҳурияти ва Туркистон ўлка мусулмон бюроси томонидан 1919 йилдан бошлаб Алишер Навоий таваллудининг ҳижрий-қамарий сана ҳисобидаги 500 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. “Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларини бошлаш ҳақида” 1925 йилнинг 11 июлида Ўлка мусулмон бюроси ҳузуридаги ўзбекшунослик қўмитаси қарори қабул қилиниши муносабати билан бир қанча ишлар амалга

¹⁸⁴ Азимов И, Сапарниёзова М. Фитратнинг алишер навоий ижодига муносабати хусусида // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий. 2018. – 263-б.

¹⁸⁵ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ.20 жилдлик. Ж.16. –Тошкент: Фан, 2000. – 335 б.

¹⁸⁶ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2007. –34-б.

оширилади. Навоий юбилейи 1926 йилнинг 4 март куни Биринчи Туркология курилтойи доирасида Боку шаҳрада ўтказилиб, унда В.В.Бартолд, Ф.Кўпрулузода, А.Н.Самойлович, В.Чўпонзода сингари олимлар Ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қиладилар.

“Муҳокамат ул-луғатайн”, “Чор девон”, “Махбуб ул-қулуб” асарлари ва “Хамса”нинг қисқартирилган шакли Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш (Бутун собиқ Шўролар Иттифоқи миқёсида) тўғрисида илмий сессиянинг қарорлари эълон қилиниши туфайли чоп этилди. Қолаверса, навоийшунослика оид тадқиқотлар олиб борилди, Навоий асарлари кўпгина хориж тилларига ўтирилди. “Алишер Навоий” (Олим Шарафиддинов), “Гениал шоир” (М.Шайхзода), “Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида” (В.Абдуллаев) сингари илмий тадқиқот ишлари юзага келди. 1940 йилда “Ўзбек адабиётининг асосчиси” (Родоначальник узбекской литературы) тўплами нашр этилди. Унда Е.Э. Бертелс, А.К. Боровков, О.Усмонов, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Х.Зариф каби навоийшунос тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари жамланди. Бундан ташқари, мазкур сессия Алишер Навоий асарларини осонроқ тушуниш имкониятини яратувчи тўрт жилдли изоҳли луғат тузиш тўғрисида қарор ҳам қабул қилади. Бироқ иккинчи жаҳон уруши бошланиши сабабли мазкур иш кечиктирилади.

1941 йилда бошланган уруш сабабли Собиқ иттифоқ ҳудудида Алишер Навоий юбилейи 1948 йилнинг май ойида ўтказилди. “Наваий. Опыт творческой биографии” (Е.Э.Бертелс), “Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти” (О.Шарафиддинов), “Алишер Навоий” (С.Айний) каби навоийшуносликка оид асарлар ушбу муносабат билан эълон қилинди.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид 40–50-йиллар оралиғида В.Абдуллаевнинг “Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти” (1941), О.Усмоновнинг “Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳақида” (1947), И.Султоновнинг¹⁸⁷ “Навоийнинг “Мезон ул-

¹⁸⁷ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2010. – 416 б.

авзон” ва унинг критик тексти” (1947), С.Мирзаевнинг “Навоий арузи” (1948), А.Саъдийнинг “Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиёти ривожига юксак босқич сифатида” (1949) каби диссертацион ишлари ҳимоя қилинди.

Профессор А.Саъдий Навоий асарлари юзасидан тадқиқот олиб бориб, унда тасаввуф таъсири кучли эканлигини таъкидлайди. Ҳазрат Навоий тараннум этган ишда дунёвийликдан кўра илоҳийлик устуворлигини айтиб, “Хамса” дostonлари пантеистик ҳам илоҳий ишқ билан тўлган” деган хулосани билдиради. Социалистик мафкура таъсирида тадқиқотчининг фикрлари 30-йилларнинг ўзидаёқ танқид остига олинди. Хусусан, адабиётшунос Олим Шарафиддинов А.Саъдий асарига қарши ёзган раддиясида кесатиб шундай дейди: “...бизнинг донишманд авторимиз Навоийни мистика, таркидунёчилик, ўлмасдан бурун ўлиш, дунёвий ишларга душманлик билан суғорилган тасаввуф (суфизм) поэзиясининг типик вакили сифатида таърифлайди”¹⁸⁸. Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, Олим Шарафиддинов тасаввуф таълимотига бутунлай қарши ва ҳатто Навоийнинг ҳам тасаввуфга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини исботламоқчи.

1940 йилда нарш қилинган Ойбекнинг “Навоийнинг дунёқараши масаласига доир” номли мақоласида ҳам ўша давр мафкураси тазйиқи остида тасаввуф таълимотига нисбатан зид фикрлар айтилса-да, аммо, Алишер Навоий ижодида тасаввуфнинг ўрни борлиги таъкидланиб, бунинг сабаби сифатида мутафаккир яшаган давр мафкураси ҳамда Навоий илҳомланган ижодкорлар Фариддин Аттор ва Ҳофиз Шерозий каби шоирларни улғайтирган тасаввуфий шеърят деб кўрсатилади.

Ойбек бу таъсир қандай бўлганлигини 1930 йилда ёзилган илмий ишида қисман кўрсатиб ҳам берган эди. Ойбек бу тадқиқотида Навоий дунёқарашини ҳам тасаввуф билан боғлайди ва ёзади: “Навоий дунёнинг яратилиши ва унинг моҳиятини тасаввуфнинг пантеистик фалсафасига мувофиқ англайди”. Ойбек бу фикрини Навоийнинг дунёқарашига бағишланган мақоласида ҳимоя қилиб, катта дадиллик билан, очиқ ва аниқ

¹⁸⁸ Шарафиддинов О. Танланган асарлар. –Тошкент: Фан, 1978. – Б. 182.

эслаган эди: “Навоийнинг англашича, Худо – дунёдир, у бутун жаҳонда тажассумлангандир... Бунда Худо бутун олам билан имманент (бир-биридан ажралмас)дир”¹⁸⁹.

Тадқиқотчи В.Раҳмонов эса Е.Э.Бертелс фикрларини қўллаб-қувватлаган. Олим ўз мақоласида “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” асарларининг ғоявий мазмунини бир-бирига қиёслаган ҳолда икки буюк ижодкорнинг Аллоҳ, олам ва одам тўғрисидаги қарашлари ҳамоҳанг эканлигини таъкидлайди.

Навоий ижодини тадқиқ этиш билан чекланиб қолмай, бевосита мутафаккир яратган ижод уммонидан илҳом олиб, асарлар яратган ижодкорлардан яна бири академик Ғафур Ғуломдир. У, аввало, Ҳазрат Навоийнинг бадиий ижод қоидаларини ўз даври талабларига кўра имкони борича ижодий ўзлаштирган назмий қалам соҳиби эди. Ғафур Ғулом улуг шоирнинг айрим ғазалларига мухаммаслар боғлаган ва шеърларида аллома бадиий сиймосини гавдалантирган эди. Жумладан, шоир шундай дейди:

Бирор шоҳ байтингни ёдда тутмаган,
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ.
Олтин болдоқдаги нефрит кўз каби,
Асаринг биз учун бўлди қора чўғ.

Адабиётшунос олим Ғафур Ғуломнинг Навоий асарлари тадқиқотчиси сифатидаги дастлабки ишлари қаторига Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асил матни ва кенг ўқувчиларга мўлжалланган насрий баёни (махсус шарҳлари билан) нашрини айтишимиз мумкин. “Фарҳод ва Ширин” достони матни ва насрий баёни 1940 йилда лотин ёзувида, 1956 йилда эса кирилл ёзувида нашр этилган.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом буюк мутафаккир Алишер Навоий меросига алоҳида аҳамият қаратган. У шарқшунос олимлар: В.В. Бартольд, А.С. Самойлович, Е.Э. Бертельс, А.К. Боровков, С. Е. Малов, Н.Ю. Якубовский,

¹⁸⁹ Қаранг: Абдукодиров А.Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти. Филология.фанл. докт. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент:1998. –Б. 4.

А.А. Семёнов, Ҳ.Орасли, Б.Қорриев, А.Мирзоев, Ш.Абилов каби татар, озарбайжон, туркман, тожик, рус олимларининг Навоий ижоди масалаларига бағишланган тадқиқотлари билан яқиндан танишган. Ўзининг Навоий кўмитасидаги йигирма етти йиллик фаолиятида И.Султон, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Ҳ.Зариф, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева каби навоийшунослар билан ҳамкор-ҳамнафас ишлаган. Улар ижодларини синчковлик билан кузатиб борган, ўрни билан уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўрган. Шу боис ҳам Ғафур Ғуломдай Навоий ижодининг зукко тадқиқотчиси билдирган аксарият фикр-мулоҳазалар бугун ҳам ўз қимматини сақлаб турибди¹⁹⁰.

Навоийшунос олим Ғ.Ғулом “Девони Фоний” таркибига кирган баъзи ғазалларни таржима қилган. XX аср 40-йилларидан 60-йиллари иккинчи ярмигача бўлган вақт оралиғида олиб борган тадқиқотлари, айрим замондош адиблар, хусусан, Ойбекка бўлган муносабатида унинг Навоийга бўлган муносабати ёрқин ифодасини топган. Ғ.Ғулом қарашларида ўша даврларда адабиёт-санъат олдида турган вазифалар кўлами акс этганлигининг боиси ҳам шу. Шунинг учун улар навоийшуносликнинг ривожланиш босқичларига хос хусусиятлардан холи эмас.

У Навоий ижодини тадқиқ этиш билан чекланмай, ўзи билан бир даврда ижод қилган ижодкорлар ижод намуналари билан ҳам қизиққан, ўрни келганда ўз муносабатини билдирган. Навоийшунос олим Ойбекнинг “Навоийнинг адабий мероси”, “Навоий идеяларининг кенглиги”, “Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли” сингари мақолалари навоийшунослик равнақида алоҳида таъкидлади. Академикнинг “Ойбек ёзувчи ва олим” номли мақоласи 1955 йилда ёзилган бўлиб, унда Ойбекнинг Навоий яшаган давр ва шоир ижодий меросини чуқур ўргангани “Навоий” романи муваффақиятини таъминлаган асосий омил сифатида изоҳланади.

1966 йилда Ғафур Ғулом Навоий кўмитасининг улуғ шоир таваллудининг

¹⁹⁰ Матёкубова Т, Ёкубова С. Навоий ижодининг зукко тадқиқотчиси // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, 2017. 162-бет.

525 йиллиги муносабати билан ўтказилган X анъанавий илмий сессиясида “Буюк устоз” номли маъруза билан катнашади. Ҳазрат Навоий ижодидан илҳом олган Ғ.Ғулом ўзбек адабиётини камол топтириш, унинг имкониятларини кенгайтиришда Навоийнинг алоҳида фидойилиги борлигини эътироф этади. Академик илмий жамоатчилик олдида ҳар сафар чиқиш қилганда Навоий шахсияти ва ижодига оид маълум бир масаланинг янги бир қиррасини кашф этиб, янги бир гап айтишнинг уддасидан чиқади. Мазкур ҳолат унинг олим, миллат жонкуяри сифатида масъулият билан ўз устида тинимсиз иш олиб борганлиги далили бўла олади.

Алишер Навоий шахсиятига эътибор ва эҳтиромнинг асрлар давомида сўнмаганлиги, аксинча, замонлар оша мутафаккир илмий-фалсафий меросига эътиборнинг кучайиб бораётганлиги, Ҳазрат Навоий маънавий меросида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ эканлиги билан изоҳланади. Қуйида Навоий тараннум этган умуминсоний қадриятлар мисолида фикримизни далиллаймиз.

Ҳазрат Навоий наздида ҳақиқий одам халқ манфаатини ўз мафъатидан устун қўйиб, халқнинг ғамини ўз ғами деб билган кишидир. Ҳамиша, ўз манфаатини ўйлаган, ўзганинг ғам ташвишига шерик бўлмаган, худбин одамни ҳақиқий одам деб бўлмайди. Файласуф таъкидича, шохми ёки оддий деҳқон, ким бўлишидан қатъи назар, инсонийлик фазилатларига эга бўлиши даркор. Мутафаккир шу боис ҳам ҳар бир кишини инсофли, адолатли, сахий ва маърифатли бўлишга чорлайди. Жамиятда мавжуд бўлган золим, худбин, хасис кишиларни адолатга, одамийликка, олижанобликка, тўғри ва меҳрибон бўлишга ундаш мақсадида Навоий қўлига қалам олади. Навоий наздича, бу каби одамларни тарбиялаш керак.

Хамсанинг илк достони бўлмиш “Ҳайратул-аброр”да одоб, қаноат, карам, ишқ, вафо, ростлик, илм сингари олижаноб хислатлар ҳақида Алишер Навоий жуда кўп фикр билдиради. Хусусан, раҳбар маънавияти тўғрисидаги сўзлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Достонда “...раҳбар қўл остида ишловчи одамлар бирор хилоф иш тутсалар, уни ҳисобга олиб муомала

қилмоқ керак, уларнинг яхши-ёмон аҳволидан хабардор бўлиб турмоқ бошлиқнинг шу жамоага ҳурматини билдиради”,¹⁹¹ – деб таъкидлайди файласуф шоир. Тамагирликни инсонни охир-оқибатда хорликка олиб келувчи иллат сифатида баҳолайди. Тамагир раҳбар гадо кабидир. Аксинча, қаноатли дарвеш эса подшоҳ каби юксак туради, – дейди, аллома. Шу боис энг аввало, инсонда нафсни тарбиялаш даркор. Раҳбарнинг нафси тўқ бўлиб, маънавий жиҳатдан одамийлик хислатларини ўзида сингдирган бўлса, албатта, жамоа – халқ тинч, жамият обод бўлади дейди, Навоий.

Ҳар бир кишидаги ҳирс, беҳуда ҳой-ҳаваслар хирманини (хирмонини) шамолга бермоқ, совуриб ташламоқ зарур. Нафс, манманлик, кибр қасрларини ер билан яксон қилмоқ жоиз. Зулм ва ситам жонига қаттиқ зарба бериш орқали уни йўқ қилмоқ даркор. Шундай қилсаккина, эл кўнгли шод бўлиб, мамлакат обод бўлади.

Мутасаввиф “Ҳайратул-аброр”нинг йигирманчи мақолотида подшоҳ (раҳбар, бошлиқ) халқни адолат билан бошқариши зарурлигини айтади. Адл (адолат) уч ҳарфдан иборат бўлиб, “айн” ҳарфи қуёшга ўхшаш порлоқдир, “дол” давлату дин тожидур. Шундай экан, тожни кийиб, меҳр билан кўзларни ёрит. Сенинг олдинга орзу билан келган мазлум (ёрдамга муҳтож киши)га адолат соясини паноҳ қил.

Навоий нигоҳида ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Бир инсоннинг феъл-атвори, иккинчи бир кишига ўхшамайди. Шунинг учун раҳбар мукофатлаш ва жазолашда уларнинг бу хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Чунки шаъм билан муз ранги бир-бирига ўхшаса ҳам, бири ўт (олов) бири сувдир. Агарда кимнидир ўзинга нисбатан яқин олиб, ҳамдам қилишни ният қилсанг, даставвал, уни синовдан ўтказ. Шошилиб хулоса чиқарма. Ғафлатда қолиб, дўст-ҳамдам ва маҳрам танлашда зинҳор адашма.

Кимники айлай десанг маҳраминг,

*Кўп синамай, айламагил ҳамдаминг.*¹⁹²

¹⁹¹ Азиз Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз. 2009. –283-бет.

¹⁹² Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан.1991. – Б. 325.

Мутасаввифнинг эътирофича, инсон учун тож, давлат ва бошқалар эмас, балки энг яхши фазилятлар ҳар қандай бойликдан устундир.

Ваҳоланки, Ҳадиси шарифда айтилганидек “Мол-дунёнинг кўплиги бойлик ҳисобланмайди, балки ҳақиқий бойлик маънавий бойликдир”.

Айни пайтда башарият олдида турган умумбашарий муаммолар ечими, аввало, инсоннинг маънавияти, маърифати ва соғлом фикри билан боғлиқлиги, ХХІ аср инсоният олдида турган жамики муаммоли вазиятларни тафаккур кучи, ўзаро ҳурмат ва муросаи мадора орқали ҳал қилиниши лозимлиги аён ҳақиқат. Ушбу йўл дунёдаги барча халқлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва тенг ҳуқуқлилиқка асосланган, шунингдек, умуминсоний ҳавфсизлиқка раҳна солаётган кучларни бартараф қилишни таъминлайдиган тараққиёт йўлидир. Алишер Навоий умуминсоний қадриятлардан ҳисобланган миллатлараро тотувлик ҳақида қуйидагича ёзади:

Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг,

Ёр ўлунг бир-бирингизга – эрур ёрлиг иш¹⁹³.

Алишер Навоий қозилар тўғрисида тўхталиб, уларни мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчилар деб таърифлайди. Жамиятдаги бу тоифа кишиларни мутафаккир чолғу асбобига қиёс қилади. Сабаби улар нима десалар, шу бўлади, яъни чолғудан қандай куй чиқишини фақатгина чолғунинг ўзи ҳал қилиб беради. Бу ўринда чолғу асбоби расо бўлса, ундан атрофга нафис оҳанг таралади. Мабодо аксинча, соз бўлмаса, уни астойдил чалган билан ёқимсиз товушдан бошқа садо чиқмайди. Шунингдек, у таъмагирликни инсонни охир-оқибатда хорлиқка олиб келувчи иллат сифатида баҳолайди. Таъмагир раҳбар гадо кабидир. Аксинча, қаноатли дарвеш эса подшоҳ каби юксак туради, - дейди, аллома. Шу боис энг аввало, инсонда нафсни тарбиялаш даркор. Раҳбарнинг нафси тўқ бўлиб, маънавий жиҳатдан одамийлик хислатларини ўзида сингдирган бўлса, албатта, жамоа - халқ тинч, жамият обод бўлади. Бў тўғрида Ҳазрат Навоий қуйидаги рубоийда шундай таъкидлайди:

¹⁹³ Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 2. –Тошкент: Фан.1987. – Б. 244.

“То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
 То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
 То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
 Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”¹⁹⁴.

Ҳар бир инсондаги, бутун халқ ва элдаги хирс, беҳуда ҳою-ҳаваслар хирманини (хирмонини) шамолга бермоқ, соғуриб ташламоқ зарур. Нафс, манманлик, кибр қасрларини ер билан яксон қилмоқ жоиз. Зулм ва ситам жонига қаттиқ зарба бериш орқали уни йўқ қилмоқ даркор. Шундай қилсаккина, эл кўнгли шод бўлиб, мамлакат обод бўлади.

Навоий умуминсоний қадриятларнинг зиди бўлган кўпгина салбий иллатлар ҳақида тўхталиб, улардан йироқ юриш кераклигини таъкидлайди. “Исроф қилиш – сахийлик эмас; ўринсиз соғуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни – девона дейдилар; ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона дейдилар. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у пасткаш, сахий эмас. Яхшиликларни топмоқ – едирмоқдир; айбларни яширмоқ – кийдирмоқдир”, – дея таъкидлайди Ҳазрат Навоий.

Мутасаввиф барча миллатлар учун бирдек аҳамиятли қадрият, саховатни фойдали мева, ҳосилдор дарахт, мавж уриб турган денгиз, бебаҳо гавҳарга ўхшатади. Унинг акси бўлган саховатсизликни эса мевасиз дарахт, ёғинсиз баҳор булути, ҳиди йўқ мушк-анбар, тутун, ўтин, дурсиз садафга қиёслайди. “Яхши инсондан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмайди. Боиси яхши одам ёмонлардан ҳам яхшилигини дариғ тутмайди”, – дейди аллома.

“Яхшилиқ қилишни эплай олмасанг ёмонлик ҳам қилма. Яхшилиқни ёмонликдан афзалроқ деб ҳисобламасанг, ёмонроқ деб ҳам англама. Яхшилиқ қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил; яхшилиқ атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан”, – деб башар аҳлини яхшилиқка чорлайди Ҳазрат Навоий.

¹⁹⁴ Алишер Навоий. Вақфия. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 14. – Тошкент: Фан, 1998. –Б. 258. www.ziyouz.com.

Мутасаввиф ҳилм хусусида тўхталиб, қуйидагиларни баён қилади: “Ҳилм ахлоқли кишининг қиммат кийими ҳамда у либос хилларининг мустаҳкам тўқилган матосидир. Ҳилм йўлдан оздирувчи нафснинг шамолда соврилиб кетишидан муҳофаза қилувчи ҳамда мунофиқ кишиларнинг бекорчи хатти-ҳаракатидан асрагувчидир”.

Юмшоқ кўнгиллилик фазилатини Навоий башарият кадр-қимматини сарҳисоб қиладиган мезон тоши деб атаса бўлади ёки уни воқеаларга тўлиб-тошган денгиздаги инсоният кемасининг лангарига ўхшатиш ҳам мумкин деб таърифлайди.

Мутафаккир инсоннинг доимо шукроналик билан ҳаёт кечириши лозимлиги тўғрисида “Ҳайратул-аброр”нинг ўн учинчи мақолатида баён қилади: “Инсонлар билан мулоқотда яхши сўз сўзламоқ шукрнинг энг ҳосиятлисидир”. Сўзнинг қудрати билан элга нажот, ўлик танга ҳаёт ато этиш мумкин. Қимматбаҳо маъданлар ичида гавҳари ҳам – сўз, одамийликнинг самари ҳам – сўз.

*“Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт...
Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулиани одам самари сўз дурур”¹⁹⁵.*

“Очиқ юз билан чучук сўзларни айтишлик” одамийликнинг яна бир кўриниши ҳисобланади. Ҳар бир инсон шу хил ахлоқ билан дилхираликни шодликка айлантирса, жафо қилганга вафо кўрсатса, ҳақиқий инсон саналади.

*“Они башар хайлининг инсони бил,
Одамийлар одамийси они бил.
Англа кишиликни мусаллам анга,
Юз кишиликча иш эса ҳам анга”¹⁹⁶.*

¹⁹⁵ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 240.

¹⁹⁶ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 242.

Алишер Навоийнинг рубоийларида ҳам инсонпарварлик ғоялари мадҳ этилади. Мисол учун: *Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур*¹⁹⁷. Мазкур ғоянинг юзага келишида, албатта, ислом таълимотидаги муқаддас манбаларнинг ҳиссаси мавжуд. Хусусан, Қуръони Карим оятларнинг бирида айтилганидек, “Агарда сен битта яхшилик қилсанг, худди ерга битта буғдой уруғи қадалгач, вақти келганда бир неча баробар ҳосил йиғиб олингани каби бир неча баробар савоб оласан”. Бу ўринда аллома яшашдан асл муддао айшу ишрат эмас, балки инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, ахлоқий сифати ва фазилат билан ўзидан яхши ном қолдириш эканлигига урғу қаратади. Навоийнинг бу каби рубоийларида инсон умрини фойдали бўлган амалларга сарфлаб, маълум бир касбнинг этагидан тутиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши лозимлигини ифодалаган. Шу маънода Навоий:

“Камол эт касбким, олам уйидин.

Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотаом ўтмак биайниҳ,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ”¹⁹⁸, – дея таъкидлайди.

Мутафаккир таъбирича, мақсад фақат фанни ва ҳунарни эгаллаш эмас, балки шу ҳунар ва билимни халқ манфаати учун сафарбар эта олишдир.

“Карам, – дейди Навоий, – бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкини кўтармоқ, уни ўша қийинчиликлардан қутқармоқ ва ўша қилган ишни қайтиб тилга кўтармаслик, оғизга олмаслик, ишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир”. Ҳимматли кишилар халқ орасида обрўга сазовордир. Навоий одамларни инсофга, саҳоватли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлишга даъват этар экан, эҳсонли бўлишни алоҳида уқтиради. Мутасаввифнинг таъкидича, эзгулик йўлини танлаган инсон саодатга эришади. Бу каби шахслар саҳоватли бўладилар. Алишер Навоий ёзади: “Сахийлик кишилар боғининг ҳосилдор дарахтидир. Балки у

¹⁹⁷ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 234.

¹⁹⁸ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ.20 жилдлик, Ж. 1. –Тошкент: Фан, 1987. –Б. 631.

дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёнинг асл гавҳаридир”¹⁹⁹.

Улуғ мутафаккир таъбирича, инсонийликнинг жавҳари, ижтимоий яхшиликнинг манбаи вафодир. Аллома ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ёмонликни йўқотиш тарафдори сифатида ирода эркинлигининг имкониятларини беҳисоб дейди ва инсонлар олдида ёмонликни йўқотиш заруриятини кўяди. Бу йўлда кишиларни яхшилардан намуна олишга даъват қилади. “Яхшилик қила олмасанг, бори ёмонлик ҳам қилма”, – деб уқтиради, аллома. Шу билан биргаликда, ёмонлик содир этилар экан, унга қарши фаол муносабатда бўлишни таъкидлайди:

Кўнглингни арит барча ёмонлик хислатлардин,

Ким яхши қилиқ далил эрур раҳматдин.

Бадбўйлик ул ваҳшат эрур шиддатдин,

*Ким этса халослик, ўз ваҳшатдин*²⁰⁰.

“Агарда яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма. Модомики, яхшиликни ёмонликдан яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшил, яхшилик тирасида эврул”, – деб битади Навоий.

Аллома ўз асарларида инсониятнинг юксак идеалларини куйлади. Бу билан чекланиб қолмасдан ўз идеаллари учун кураш олиб борди. Навоий талқинича, иймон инсонликнинг бош белгиси саналади. Бу ўринда иймон деганда тақлидий эмас, ҳақиқий иймонни назарда тутди. У риёкорлик, сохтакорлик ва иккиюзламачиликлар билан асло келишолмайди. “Шайх” радифли ғазали ва “Маҳбуб-ул қулуб”даги “Риёкор шайхлар ҳақида”ги қарашларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Алломанинг комил инсон ғояси мамлакатни идора қилишида, мутафаккирнинг мукаммал инсонлар жамоаси ҳақидаги ғояларида, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги қарашларида, давлат бошлиғининг оддий халққа

¹⁹⁹ Ўша манба. – 389-бет.

²⁰⁰ Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. МАТ.20 жилдлик, Ж. 15. –Тошкент: Фан.1999. –Б. 190.

нисбатан бўлган муносабатида, илохий-ҳуқуқий йўл-йўриқларга амал қилишида ўз аксини топади.

Мутасаввиф “Хамса”дан ўрин олган дostonларида, жумладан, “Сабъан Сайёр”, “Садди Искандарий” ва “Фарҳод ва Ширин”да инсонларга тўкин-сочин ҳаётни ҳадя этувчи, юртни юксалтирувчи, кишиларга бахт улашувчи, ноҳақлик, жабр-ситам ҳамда зўравонликдан йироқ бўлган идеал жамоа ва одил, етуклик даражасига эришган подшоҳ сиймосини гавдалантиради.

Навоий адолатли ҳукмдорни маънавий жиҳатдан юксак чўққиларни кўлга киритган комил шахслар қаторига қўшаркан, модомики шоҳ одиллик йўлини ихтиёр этса, давлат ҳар томонлама ривожланишини, эл оғири енгиллашини, тўкин-сочинлик бўлишини таъкидлайди. “Очлар овқати мурувват ва бахшиши дастурхонидан, яланғочлар кийими марҳамат ва эҳсони хазинасидан. Мамлакат боғини обод қилишга ёмғир булутидай сероб ва мамлакат аҳли кўзини ёритишга худди офтоб. Ўзга мамлакатнинг аҳолиси ва халқи уни орзу қиладилар ва бошқа ўлка мазлумлари унинг адолати тўғрисида сўз юритадилар. Яхши отига атаб олимлар рисоалар тузадилар ва яхши сифатлари ҳақида шоирлар қасидалар ёзадилар, чолғучилар уни деб куйлайдилар ва бастакорлар унга атаб куй яратадилар...”²⁰¹, – дея таъкидлайди аллома.

Алишер Навоий илмий-фалсафий меросида гавдалантирилган одил ва оқил, элпарвар ҳукмдорни биргаликда улғайган дўсти Бойқарода ҳам кўришни хохлайди. Ҳамиша уни юрт аҳли ғаму ташвиши билан яшашга, яхшиликларга чорлайди. Мисол учун, мутафаккир ҳукмдор дўстига: “Ҳеч вақт кўнгулни тенгри таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар додидин отил”²⁰² қилманг. Дўстлар фикри дину душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматидин ўзга натижа бермас”²⁰³,– дея таъкидлайди. Бу билан мамлакатни идора қилишда халқсевар, одил, гуманист бўлишга ундайди.

²⁰¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 14. –Тошкент: Фан, 1998. –Б. 13.

²⁰² Отил – ўзини четга тортган.

²⁰³ Алишер Навоий. Муншаот. МАТ.Ж. 14. – Тошкент: Фан, 1998. –Б. 160.

Аёнки, Шарқ мамлакатларида VIII–XV асрларда ҳукмдор Аллоҳнинг инсонлар учун юборган халифаси, деган ғоя устунлик қиларди. Бу қарашга биноан шоҳ адл тимсоли саналиб, уни инсонларга жорий этиши, хатти-ҳаракатида доимо одиллик ҳукм суриши зарур эди. Ушбу ҳолатни ўз изланишларида тадқиқ этган инглиз миллатига мансуб исломшунос олим Э.Розенталнинг “Мусулмон мамлакатларда давлат бошлиғининг фаолиятига 2 хил нуқтаи назардан баҳо бериш одат бўлган. Булар – илоҳий-ҳуқуқий ва тарихий-сиёсий жиҳатлардир. Қолаверса, давлат бошлиқлари ҳар қандай шароитда ҳам мусулмон эканлигини ёдда тутиб, шариат қонун-қоидаларига асосан мукаммал ислом давлатчилигининг устуворлигига ишонишган”²⁰⁴, деган таъкиди мазкур ғояни бир қадар ойдинлаштиради. Донишманд Навоий ҳам ўз – фалсафий меросида ҳукмдор элнинг дунёдаги ҳимоячиси, Яратган томонидан юборилган вакили тамойилига асосланади. “Маҳбуб ул-қулуб”да файласуф бу тўғрида: “Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиби амният ва рафоҳият. Қуёш била абри баҳордек қора туфроғдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар”²⁰⁵, (Мазмуни: Адолатли подшоҳ Ҳақдан халойиққа кўрсатилган марҳаматдир, мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабидир. Қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очар ва мамлакат кишилари бошига олтин билан дурлар сочар.) – деб таъкидлайди.

Навоий қаҳри қаттиқ, фосиқ, зулмкор шоҳларнинг турли найрангларини фош қилади. “Адолатли подшоҳ, – деб таъкидлайди файласуф, – кўзгу ва бу унинг тескарисидир. У ёруғ тонг, бу унинг қоронғи кечасидир. Зулм унинг кўнглига ёқимли ва фисқ унинг хотирига севимли. Мамлакат бузуқлигидан юрагида бирикиш, халқ паришонлигидан хотирида тинчиш. Обод жойлар унинг зулмидан вайрона, кабутар уялари бойқушга

²⁰⁴ Rosenthal E. Some Aspects of Islamic Political Thought' Islamic Culture. -An English Quarterly, No. 1, of January, 1948. –P. 6.

²⁰⁵ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ.20 жилдлик. Ж.14. –Тошкент: Фан, 1998. –Б. 7.

ошёна. Май сели унинг базмида ошиб-тошганидан мамлакат ободонликларини вайрона қилган”²⁰⁶.

Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги умуминсоний ғояларидан англашиладики, инсон илмли бўлиши, лекин қалби нопоклигича қолиши мумкин. Бундай ҳолда тасаввуф ғоялари ёрдамига таянилади. Зеро, тасаввуфнинг асил моҳияти – инсон қалбидаги ғуборларни тозалаш, уни комил инсон даражасига кўтаришдир.

Ватанимиз мустақиллиги Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишнинг янги босқичини бошлаб берди. Файласуф ҳаёти, ижоди ва фаолияти, илмий-фалсафий қарашлари бўйича 10 га яқин докторлик, 20 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Навоий инсоният тан олган севимли ижодкорлардан бири сифатида қадрланмоқда. Унинг ҳайкали Москва, Боку ва Токиода қад ростлаган. Алломанинг китоблари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Асар қаҳрамонлари номига хиёбон, кўчалар қўйилиб, бюстлари ўрнатилган.

3.2. Алишер Навоий меросининг Янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашдаги таъсири

Маълумки, фанда кўпгина алломалар тасаввуф атамасига оид ўз қарашларини баён этган. Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуф билан боғлиқ атамалардан тўрт юз қирқ тўрттасини баён қилади ва уларни изоҳлайди. Аслида тасаввуфий тушунчалар бундан-да кўп ва серқирра маъно ифодага эга. Албатта, уларнинг мазмун-моҳияти ягона мақсадга қаратилганлиги билан белгиланади. Хужжатул-ислом Имом Ғаззолийнинг қатъий таъкидича, “тасаввуфнинг инсон манфаатлари камолоти йўлида хизмат қилишдан ўзга мақсади йўқ”²⁰⁷. Тасаввуф аҳли пок умргузаронлик қилиш, тўғри сўзлаш, покназар бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, ҳалол лўқма танаввул қилишни ҳаёт тарзига айлантирдилар. Инсон зотиға марҳамат, муҳаббат ва унга хизмат қилиш тасаввуфнинг туб асосини ташкил қилади. Инсонни ҳар қадам, ҳар

²⁰⁶ Ўша асар. –Б.10.

²⁰⁷ И.Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро. 2000. – Б. 5.

нафасда жўн, саёз тушунчаларни ботиндан супуриб ташлаш, рухни нафс танбаллигидан, макр, риё, кибр ва ҳар турли майда иллатлардан қутқазиш чора-тадбирларини тасаввуф вакиллари белгилаб беради. Тасаввуфий маъно ва ҳақиқатларнинг бадий талқинларини яратиш орқали кўҳна Шарқнинг кўпгина машҳур шоиру адиблари бутун инсониятга хизмат қилишни мақсад қилишган. Жумладан, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам расман нақшбандия тариқатига кирган бўлса-да, ҳам ҳаётда, ҳам ижодда тасаввуфнинг илм ва ирфон жиҳатига суяниб, фаолият кўрсатган. Жаҳон адабиёти ва маданиятига катта ҳисса қўшган улуғ ижодкор шеърларининг ҳар бир байтида инсоният манфаатларини ёқланган ҳолда ахлоқ тарбиясида алоҳида натижаларни қўлга киритиш, тафаккурни маҳдудлик, қолоқлик, ёвузлик исканжаларидан озод қилиш, руҳ ва кўнгил сир-асрорини кашф этишда ҳақиқий ишқ ва маърифатдан юқори даражадаги моҳирлик билан фойдаланади.

“Улуғ шоир ўзи ҳақида, “мен”и тўғрисида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапирди, негаки унинг табиатида инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд”²⁰⁸, – дейди В.Т. Белинский.

Алишер Навоий ўз маънавий меросида тасаввуф фалсафасида марказий ўринни эгаллаган ахлоқ, хулқ-атвор йўл-йўриқлари, гуманизм ҳамда инсонийлик, нафсни жиловлаш, ҳақиқат ва маънавият, борлиқ ва башар аҳлига муҳаббат, уларни асраб-авайлаш, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлардан кенг фойдаланди. Навоийшунос тадқиқотчи И.Ҳаққул айтиб ўтганидек, “Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади – шахс ва миллат тақдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни, фақат, таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди”²⁰⁹.

²⁰⁸ Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент, 1977. – Б. 136.

²⁰⁹ Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. –Тошкент: Фан, 2007. –Б. 27.

Инсон боласини комилликка етакловчи фазилатларни ниҳоятда кадрлаган ҳамда ўз асарлари орқали тарғиб ва ташвиқ қилишдан чарчамаган Ҳазрат Навоий ҳар томонлама камолотга интилган ёш авлоднинг, хусусан, ўз шогирдларининг ҳаракатидан чексиз завқланган. Улуғ аллома замондошларига ва келажак авлодга ибрат бўлиши учун умуминсоний кадриятлар ғазалу рубоийларида, насрий асарларида бирин-кетин санаб, алоҳида таъкидлаб, абадиятга муҳрлаган.

Хондамир инсон бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилиги учун курашган давлат арбоби Алишер Навоийнинг ёшларга билим бериш ва уларни тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратиб берилганлигини таъкидлаб, қуйидагиларни баён қилади: “Атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ бўлган санъат аҳлларининг даражаларини кўтаришда ва мартабаларини оширишда қўлдан келган қадар ҳаракат қилиб бундай ишларга аҳамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақалар тайин этиб, мадрасалар бино қилди”²¹⁰.

Ёшларнинг шахсий хислатлари, савияси, ахлоқ-одоби, таҳсили Навоийни доимий қизиқтирган. Мутафаккир ялқовлик, паришонлик, жунунсифат юриш, кеккайиш, ҳавоийлик, шаробхўрликка берилиш сингари ёмон одатларни қаттиқ қоралаб, камтарлик, мулойимлик, хуштавозе бўлиш, меҳнатсеварлик, бурролик, ҳозиржавобликни ёш ижодкорнинг асосий фазилати деб ҳисоблайди. Бу каби салбий хислатлар бир қанча ёш истеъдодларни нобуд этганлиги “Мажолис ун-нафоис” асарида қатор мисоллар билан кўрсатиб берилади: “Мавлоно Сайфий ... ҳушёрлиғ ва баса одамиваш ва ҳаё ва одоблиғ йигитдур. Аммо сархушликда ўзга моҳият бўлур, балки расвонамо бўлур эди. Бу учурда тавбаға тавфиқ бўлди. Умид улким, истиқоматға ҳам мувофиқ бўлғай”.

Шероздан Ҳиротга ўқишга келган Саид Қароза исмли кимсасиз етим болани Навоий ўз тарбиясига олиб, унга алоҳида мураббийлар тайинлайди, “шафқат ва машаққатлар” кўргузади. Афсуски, кўп ўтмай болада ножўя

²¹⁰ Мавлонова Р. Миллий тарбиянинг ўзига хослиги ва мезонлари. –Тошкент. 2001.

киликлар зоҳир бўлади. Навоий уни тузатиш чораларини кўради. Аммо фойда бермайди. Оқибатда бу йигит Ҳиротда туролмай, Самарқандга қайтади ва у ердаги хамрий – майхўрларга қўшилиб, бутунлай нобуд бўлади. Самарқандлик ёш шоир Саид Қутб Лакаданг эса бадахлоқлиги туфайли ҳибсга олиниб, қатлга ҳукм этилади. Алишер Навоий орага тушиб қатлни бекор қилишга эришади. Лекин “ул нокасина” бундан хулоса чиқармай, ўз юртига қочиб, ёмон ишларини давом эттиради. Бундай ҳоллар Навоийни беҳад ранжитган. Ўзини идора қилолмаган, яхшиликни, ҳурматни билмаган кишилардан, гарчи уларда истеъдод нишонаси бўлса-да, чинакам ижодкор чиқмаслигини айтиб, улар тақдирига ачинади.

Мутафаккир танқидига учраган салбий хислатлардан яна бири – дангасалик, истеъдодни истифода қила билмасликдир: “Мавлоно Нодирий яхши табъи бор, аммо кўп лаванддур. Муддате фақир била мусоҳибат эрди, ўзин лавандлиғин забт қила олмади, яна ўз ишини кейинга юборди”. Шоир Қобулийнинг “димоғида парешонлиғ ва таврида лавандлиғ” бўлганлиги учун таҳсилни охирига етказмаган ва муддаосига эриша олмаган. Хоразмлик Жоний деган шоирнинг эса “Хейле жунун зотида борким, салоҳият касбига монедур, йўқ эрса ғаробатлиғ табъғинаси бор”. Мавлоно Кавсарий “табъида назм айтур қобилияти бор, аммо машғуллуқ қилмас”.

Бундай ёшларнинг бир қисми Навоийнинг танбеҳларини кулоққа илиб, “туз йўлга” кирганлар, улуғ аллома бу ҳолни хурсандчилик билан қайд этиб, уларнинг истиқболига умид билдирган²¹¹. Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳомийлигида XV асрнинг атоқли тарихчиси Мирхонд, дунёга машҳур рассом Беҳзод, ҳаттот Султон Али Машҳадий каби кўпгина шахслар камолга етдилар.

Мутафаккир орзуси келажак эгалари бўлган ёш авлоднинг илм ва ҳунар сирларини пухта эгаллаши ҳамда энг яхши инсоний фазилатларга эга кишилар бўлишини кўриш эди. Ҳазрат Навоий Абу Райҳон ал-Беруний, Абу

²¹¹ Абдуллаева Б, Адилова Д. Навоий ва баркамол авлод тарбияси // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. –Навоий. 2017. –368-бет.

Наср Форобий, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар анъанасини давом эттириб, ўз илмий-фалсафий меросилда илму ирфон, маънавият, устоз ва ота-она розилиги тўғрисидаги тасаввуфий, ирфоний-фалсафий ҳамда ижтимоий-сиёсий фикрларни, умуминсоний ғояларни мужассамлаштирди.

Алломанинг аждодларимиз маънавий оламининг кўзгуси ҳисобланган “Хамса” асари ўтмиш даври эл-улус турмуши тарзи, маданияти, маънавияти тўғрисидаги қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Хамсачилик анъанасига кўра ҳар бир дoston муқаддима билан бошланади. Жами эллик тўрт минг мисрадан иборат Навоий “Хамса”сидаги дostonлар муқаддималари дostonлар воқелигига шунчаки анъанавий кириш қисми бўлиб қолмай, балки дostonлар мундарижаси учун “очқич” вазифасини ҳам бажаради. Яъни муқаддималарда баён этилган фикрларга алоҳида эътибор қаратиш дostonлар моҳиятида яширинган рамзий маъноларни англашга кўмак беради. Алишер Навоийнинг Ҳақ ва халқ, табиат, ижтимоий ҳаёт, ибтидо ва интиҳо тўғрисидаги диний-тасаввуфий, илмий-фалсафий ғоялари дostonнинг айнан муқаддима қисмида ўз аксини топади.

Ҳазрат Навоий “Хамса”сида жамланган дунёқарашни яхлит бир тизим сифатида олиб қарайдиган бўлсак, унинг марказида, шубҳасиз, инсон, мутафаккирнинг оташин гуманизми, одамийлик концепсияси ўрин олганлигига амин бўламиз.

Ижодда динийлик ҳамда дунёвийлик қоидаларини уйғунлаштиргани Навоийни бошқа ижодкорлардан фарқлайди. Инсонда борлиқнинг, илоҳий оламнинг ҳикматлари, моҳияти ўз инъикосини топган. Яъни Навоий таъбири билан айтганда, “неки олами куброда бор – олами суғрода бор”. Ушбу фикр “Ҳайратул-аброр” дostonида келтирилган бўлиб, бу борадаги қарашлар дoston асосини ташкил қилади. Олами кубро катта олам, яъни борлиқ бўлса, олами суғро кичик олам, яъни инсондир. Мазкур қараш Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Муқаддас китоб Қуръони Каримда айтилишича, илк инсон Одам Ато лойдан вужудга келган. Сўнг унинг танасига Тангри ўз руҳини киритади. Бундан келиб чиқадики, инсон

жисм ва руҳ ёки табиат ва илоҳдан яратилган. Шунинг учун инсон тийнатиининг ўзида мажоз ва ҳақиқат, илоҳийлик ва дунёвийлик жамулжам. Бу руҳий ва моддий олам ягоналиги ҳақидаги ваҳдат ул- вужуд таълимотига мос келади. Бу борада Навоий шундай дейди:

“Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Харне истарсен, ўзунгдин истагил”²¹².

Аллома фикрича, инсон даставвал ўзини, сўнг Аллоҳ яратган жамики илму ҳикмат, маърифат-маънавиятни англаб, ўз Тангрисини таниб, мусаффо руҳ ҳолида қайта ваҳдониятга қўшилмоғи зарур. Бу эса тасаввуф таълимотининг асосий ғояси ҳисобланади.

Олам оқибатларида Худодан бошқа сабаб йўқ, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракат яратувчининг амри билан амалга ошади, деб тушуниш сабаб ва оқибат боғланишининг теологик таълимотларига тааллуқлилигини инобатга олсак, Алишер Навоийнинг мазкур мисраси фалсафа категорияси бўлган хусусийлик тамойилига мисол бўлади.

Диндан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш, сохта диндорлик, ботиний оламга қарамай, зоҳирий амалларни бажариш билан ўзини кўз-кўз қилиш, шафқатсизлик, риёкорлик сингари иллатларни ижодкор қоралайди. Ниятнинг софлиги, яхши феъл-атвор, ҳимматнинг улуғворлиги, илоҳийлиги инсонни бошқа жонзотлардан фарқлаб туради. Мазкур жиҳатлар бўлмаса, яъни инсон кўнглида яхшиликка, саховатга муҳаббат бўлмаса, унинг имонига ишониш қийин. Ботиний оламнинг тозаллиги ва бутунлиги, ҳаққа яқинлигини ислом тарғиботчиси бўлган имон ўз хатти-ҳаракати, сўзлари орқали намоён қилиши зарур. Алишер Навоийнинг бутун ижоди ғояси ақидапарастлик, диний схоластика ва жаҳолатни инкор қилади. Аллома ҳар қандай диний эътиқод эзгулик йўлида хизмат қилиши кераклигига алоҳида урғу қаратган ва шунга даъват этган. Бинобарин, ушбу масала ғоявий тарбиявий аҳамиятга эга бўлган энг асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади.

²¹² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ.Ж. 12. –Тошкент: Фан, 1996. – Б. 270.

Алишер Навоийнинг умумбашарий моҳият касб этувчи инсонийлик ғоялари ислом тафаккури сарчашмасидан баҳра олган, жамиятда олим ўз фалсафий меросида унинг илоҳий ҳамда дунёвий жиҳати, ички ва ташқи томондан намоён бўлишини ҳар тарафлама ривожлантириб, сайқал беролган.

Донишманднинг таъбирича, Аллоҳ олам ва одамнинг сабабчиси ва бошланғич асосидир. Моддийлик жиҳатини ўзида намоён қилган ҳамма нарса йўқ бўлувчидир. Оламда юзага келувчи барча жараёнлар Яратган иродаси ила амалга ошади ва ёлғиз Угина умрбоқийдир. Мутасаввифнинг таъкидича, “ақл ёрдамида инсон ҳамма нарсаларнинг сиру асрорини, дунёдаги ўзгаришларни, уларнинг моҳиятини чуқур идрок қилолмайди. Бунга ақл ожизлик қилади. Зероки, инсон билими, ақли чегараланган. У ҳақиқатни тўла англай олмайди”²¹³. Шу билан биргаликда, Ҳазрат Навоий башар фарзандини ақлдан холи деб ҳисобламайди. Аллома асарларида ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон қандай иш билан машғул бўлмасин, ақлга, тафаккурга, унинг кучига таяниши зарур, деган мулоҳаза устуворлик қилади. Мутафаккир ўз замонасининг барча муҳим масалаларини “Хамса” асарида ифода этади. “Бешлик”нинг биринчи достони бўлмиш “Ҳайратул-аброр”да ижодкор тасаввуф фалсафасида марказий ўринни эгаллаган ахлоқ, хулқ-атвор йўл-йўриқлари, гуманизм ҳамда инсонийлик, нафсни жиловлаш, умр мазмуни, илму урфон, ижтимоий ҳаётга доир мавзулар хусусида сўзласа, навбатдаги асарларда маълум ҳодисалар, қаҳрамонлар ҳаёти орқали уларга жавоб ёзишга уринади. Чунончи, “Ҳайратул-аброр”да келтирилган “Ҳотами Той” ҳикояси орқали кишиларни ҳалол меҳнат қилишга даъват этади. Унда тўғридан-тўғри иккинчи шахсга мурожаат мавжуд: Сен қийинчилик билан бўлса ҳам, ўз меҳнатинг орқали барча муваффақиятларни қўлга киритгин, аммо бошқа бировнинг кўмаги билан қўлга киритган ютуғинг сеники эмас, сенга ёрдам қўлини чўзган киши, гарчи Ҳотам Той бўлса ҳам, унинг миннати бўлади, тарзидаги фикрларни баён этади. Шунингдек, Навоий инсонларни

²¹³ Аликулов Ҳ., Носиров Р., Шарипов А., ва б. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. – Тошкент: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2007. –Б. 196.

илм уммонидан баҳра олишга чорлайди, илм кишини маънавий етукликка етиши учун энг зарур фазилят, зебу зийнат ва у инсонни нодонлик ва жаҳолатдан кутқарувчи омил эканлиги ҳақида ёзади:

*Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж
Яхшироқ андики, биров берса ганж.*²¹⁴

Мисраларда бировдан бир тийин олмоқ, минг машаққат эканлиги ва ундан кўра илм хазинасини ўрганиш яхшироқлиги таъкидланади. Шунингдек, агар шогирд катта амалдор бўлса ҳам, устозга ҳамиша тавозеда, яъни ҳурмат-эътиборда бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

*Ҳақ йўлида ким сега бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз, ганж ила.*²¹⁵

Инсоннинг умр баҳори, энг гўзал даври тўғрисида “Ҳайратул-аброр” достонининг “ўн еттинчи мақолати”да фикр билдирилади. Навоий инсонга берилган умрни йил фаслларига ўхшатади. Умр баҳорини шундай ўтказиш керакки, ёшлик мевалари тўкилиб, бақо гулшанини гўзаллик тарк этганда, инсон оҳ-воҳга берилмасин. Навоий мақсадсиз яшаган кишининг ўтган умрини қуйидагича таснифлайди. Ўн ёшгача бўлган даврда – ғафлат уйқусида бўлса, билимсизлигу мастлик билан банд даври – йигирма ёшгача бўлган давр ҳисобланади, ўттиздан то қирқ ёшгача айш-ишрат билан машғулдир. Ваҳоланки, инсон эллик ёш билан юзлашганда тараққий қилиши мумкин эмас. Олтмиш ёшда эса инқирозга учраши тайин. Етмиш ёшда туришинг, саксонда ўтиришинг фарз саналади. Тўқсон ёшда йиқилмоғинг, юз билан юзлашганда эса фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилмоғинг даркор. Бу каби ҳеч кимга нафи тагмайдиган умрдан ўлим тузук. Кўринадики, Аллоҳ ато этган қисқа умрни кимлардир мазмунли ўтказиб, халққа нафи тегса, кимлардир бесамар, мазмунсиз умр кечиради.

*Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сари қилгай хиром.*

²¹⁴ Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф /Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –239-б.

²¹⁵ Г.Ниёзов, Қ.Ахмедов, Қ.Тожибоев. Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адибларининг баркамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари. –Тошкент: Ўзбекистон. 2010. – Б. 50–51

*Умри табиий дема, гар умри Нух,
 Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух.
 Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
 Умр неким, андин ўлум яхшироқ*²¹⁶.

Навоий ҳаётининг энг гуллаган даврини, яъни умр баҳорини ҳар бир одам илм-хунар ўрганишга сарфламоғи лозимлигини баён этади, - Низомиддин Мир Алишер Навоий.

Навоий меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, садоқат, қаноат, мурувват, илм, қарам, сабр, ҳиммат, саховат каби фазилатларни инсонга хос улуғ хислат деб билади. Бу каби умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган кишиларни ҳақиқий инсон деб ҳисоблайди. Ана шундай образлардан бири “Фарҳод ва Ширин” достонидаги бош қаҳрамон Фарҳоддир. У ҳукмдор оиласига мансуб, аммо ўта камтар ва хушфёъл. Фарҳод шаҳзода бўлишига қарамасдан турли хунарларни ўрганади. Достонда шаҳзоданинг хунар ўрганишига унинг отаси хайрихоҳлик билдиргани тасвири бериладиги, бу билан ўқувчига оилавий муҳит ибрати, ота намунаси кўрсатилади. Шаҳзода ўз хунарларидан ўринли ва унумли фойдаланиши билан эзгу ишларни амалга оширади²¹⁷.

Мутафаккир Фарҳод образида комил инсон қиёфасини гавдалантиради. Фарҳоднинг ўз мақсади йўлида оқилона интилиши, севгисига содиқлиги, ҳар қандай мураккаб ҳолатларда ҳамиша ақл воситасида йўл тутиши унинг комиллигидан далолат беради.

Фарҳоднинг ёшлик чоғиданоқ хунар ўрганишга қизиқиши, ўйинқароқлик, эркатоилиқдан йироқлиги, ҳар бир ҳаракатини ақл билан амалга ошириши, ўта камтар, ҳокисор йигит эканлиги, ўз манфаатидан халқ манфаатларини устун қўйиши ҳамда унинг соф муҳаббат эгаси бўлганлиги каби сифатлар қаҳрамоннинг комиллик даражасини белгилаб беради.

²¹⁶ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.20 жилдлик, Ж. 7. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 310.

²¹⁷ “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий. –2017. –237-бет.

Алишер Навоий жамиятда Фарҳод каби инсонларнинг кўпайишини истагани учун ҳам “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг ёшлик чоғиданоқ меҳнат қилишга, илм ва ҳунар эгаллашга сафарбар қилади.

Бош қаҳрамоннинг тўла маънодаги комил инсон бўлиб шаклланишида асосий омил бу – ундаги маънавий мукаммаллик ва жисмоний баркамоллик. Асарда Фарҳод кўнгли, кўзи, тили, сўзи, пок шахс сифатида гавдалантирилган:

*“Демон, ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок”²¹⁸.*

Фарҳод илм ва ҳунарни пухта эгаллаган. Ўз илми билан тилсимларни ечади, муаммоларни ҳал этади. Бу билан Навоий инсон ўз тафаккури билан ҳар қандай муаммони ҳал этиши мумкинлигини айтади. Илм бу йўлда инсонга ҳамроҳ, йўл кўрсатувчи маёқ эканлигини таъкидлайди. Жумладан, Фарҳод тилидан шундай дейди:

*“Деди: “Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушките мен қилмагон ҳал”²¹⁹.*

Боний, Моний, Қоран, Афлотун, Сукрот, Жомасп, Хизр, Сухайло сингари олим, донишманд, ҳақимлар Фарҳоднинг комил шахс сифатида шаклланишида алоҳида ўринга эга. Биламизки, ҳар бир инсон умри давомида ўқиб-ўрганиш орқали ўзини ислоҳ қилиб боради. Албатта, бу йўлда устозлар йўлчи юлдуз вазифасини бажаришади. Бош қаҳрамон Фарҳод ҳам мана шундай устозлар кўлида таълим-тарбия олиб, камолга етди, комиллик даражасига кўтарилди. Эзгулик, инсонийлик, муҳаббат, ва садоқат асарда мазкур қаҳрамон орқали тараннум этилади. Чинлик Фарҳоднинг арман қизи Ширинга ошиқ бўлиши – асарда миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани исботи ҳамдир. Алишер Навоийнинг фикрича, муҳаббат

²¹⁸ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ.20 жилдлик, 8-жилд. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 76.

²¹⁹ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ.20 жилдлик, 8-жилд. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 132.

инсоннинг кўнгил мулки саналиб, у ирқ, миллат, табақа танламайди. Инсоний хусусиятлар – муқаддас, самимий, пок истак ва интилишлар муҳаббат учун асос вазифасини ўтайди.

Навоий умри давомида қандай ҳолатда яшамасин, қандай вазифаларда хизмат қилмасин, доимо оддий халқ ғам-ташвишига шерик бўлиб, уларга барча соҳаларда қўлидан келганча ҳомийлик қилди. Бу алломанинг барча асарлари мазмунига сингдирилган. Хусусан, “Хамса” таркибидаги дostonларнинг ҳар бирида инсонпарварлик ғоялари тўлақонли акс этганлигини кўрамиз. “Хамса” қаҳрамонлари Мажнун, Лайли, Фарҳод, Ширин, Сукрот, Афлотун, Искандарларда юртсеварлик, инсонийлик сингари умумбашарий қадриятлар гавдалантирилган. Навоий инсонга хос бўлган барча умуминсоний қадрият ва хислатларни барча нарсадан устун деб билади. Аллома бу орқали инсон зотини, унга хос фазилатларни олқишлаб, у барча жонзотлар гултожи эканлигини фалсафий фикр ва сўз ила асослаб беради.

Шунингдек, Алишер Навоий оила муқаддаслиги, унинг бахтли онлари сабабчиси ота-она эканлиги, фарзандларнинг ота-оналарига меҳр-муҳаббатли бўлиши, уларсиз ҳаёт нурсиз бўлишини Ҳазрат Навоий тасаввуфий шоир сифатида ажойиб лирик тавсифлар билан акс эттиради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг²²⁰ 65-66-моддаларида ҳам ушбу фикрларнинг тасдиғини айнан кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий ота-оналарни фарзандларни, ёш авлодни чин инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга чорлайди. Эл-юртга, халққа, муҳтожларга ёрдам беришни энг юқори хислат деб ҳисоблайди.

Алишер Навоий болаларга жисмоний жазо бериш билан эмас, балки хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтиради. Зеро,

²²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 13.

мазкур жараёнда меъёрдан ошмаслик лозимлигини айтади. Шоир бунда мураббийни талабчан бўлишга даъват қилади, лекин ҳар иккисида ҳам маълум меъёрни билиш таъкид этади. Улуғ аллома тарбия хусусида сўз юритар экан, “қобилиятлини тарбия қисмаслик зулматдир”, дея иқтидорли болаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради. Шунингдек, аллома инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашида хато ва камчиликларни англаган ҳолда, ўз вақтида тузатишга, ўзни яхши томонга ўзгартиришга эътибор қаратади.

Борлиқни идрок этиш, камолот босқичларидан ўтиш сир-асрорлари мутафаккирнинг “*Хамса*”, “*Хазойинул маоний*”, “*Лисон ут-тайр*” ҳамда “*Маҳбуб ул-қулуб*” каби асарларида поэтик жиҳатдан ўз ифодасини топган. Ахлоқий етуклик, маърифат, муҳаббат, гўзаллик, шунингдек, тафаккур ва асил ҳақиқат ғоясини илгари сурган мутасаввифлар учун инсон ҳақиқати – Қуръон, Қуръон ҳақиқати эса комил инсон эканлиги сир эмас. Ислом динининг муқаддас манбалари бўлмиш “Қуръони Карим” ва Ҳадиси шаърифларда инсон улуғланганлиги ва фаришталарнинг унга сажда қилиши буюрилганлиги таъкидланади. Хусусан, “Қуръони Карим”да: “Одам болаларини мукаррам қилиб яратдик”, – деб айтилади. Яратганнинг оламларни яратишидан мақсади Инсон экани маълумдир. Файласуф бутун ва қисм фалсафий категорияси орқали ўз фикрини қуйидагича асослайди: “Олам Аллоҳ хусну жамоли учун кўзгу бўлса, Инсон бу кўзгунинг мазҳари. Яъни Яратувчи қудрати ва асрори, илму каромати акс этган хилқатдир. Инсон – коинот гултожи. Ундан бошқа бирор жонзотга бундай тафаккур ва амал раво кўрилмаган. Тасаввуф таълимотида ҳам инсон Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг гултожи, қаймоғи саналади. Шунинг учун ҳам Навоий: “*Одамин шариф ул-кавнайнду*р”, яъни: Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф яратиғидир, деб билган”²²¹.

²²¹ Ёкубов И. Инсон – коинот гултожи / “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий. 2017. – Б. 317.

Шу ўринда айтиш жоизки, шахс, унинг дахлсизлиги, озодлиги, ор-номуси каби ҳуқуқ ва эркинликлари қадрият ҳисобланиб, улар мамлакат қонунлари билан кафолатланадиган обод юртнинг бахтли фарзандлари эканимиздан фахрланишга тўла ҳақли зурриёдмиз.

Аёнки, қадимдан инсонларнинг энг олий орзуси – ҳар томонлама етук шахсни вояга етказиш бўлган. Албатта, турли даврларда мазкур ғоя ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар турлича талқин этилган. Комиллик ҳақидаги ғояларнинг такомиллашуви, унинг қай тарзда бўлиши кераклигини давлат тузумининг қандайлиги, мамлакат бошқарув шакли, ишлаб чиқариш ҳолати, маданият тараққиёти, илм ривожини кўрсатган. Мазкур тамойил асосида фикр юритганда, машҳур тасаввуфшунос олим Маҳмуд Аъсад Жўшон: “Хулқлар ўзгариши мумкинми?” – деганда, “ўзгаради, фақат таълим-тарбия туфайли”²²², – дея жавоб қайтаради.

Навоий таъкидича, комил инсон назариясининг илдизини табиат, Ҳақ ҳамда халққа бўлган ишқ ташкил этади. Фалсафий меросида Аллоҳнинг элчилари, авлиёлик даражасига эришган шахслар, орифу дарвешлар ҳақида фикр юритиб, ўз маънавий меросида азиз ва мукаррам инсонларга хос жиҳатларга чуқур урғу бериши ҳамда чексиз ихлос ва муҳаббат билан баён қилишининг сабаби ҳам аслида шу. Тадқиқотчи олим Иброҳим Ҳаққул эътирофича, “Навоийнинг комиллик ҳақидаги қарашлари тўрт устувор асосга, яъни Ахлоқ гўзаллиги, қалб тасфияси²²³, Руҳият қудрати ва тафаккур баалоғатига таянади”²²⁴.

Набийлар, авлиё ва сўфийларни, халқ ўртасида шуҳрат қозонган каромат аҳлини Ҳазрат Навоий комил инсонлар деб билади. Бу каби инсонлар ҳамиша элу юрт аҳли дарду ғамини ейдилар, кишиларга меҳр кўзи билан боқиб, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашадилар, деб таъкидлайди. Аллома улар каби камолотга эришган шахслар ҳар қандай замон ва маконда кишиларнинг

²²² Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. –Тошкент: Адолат, 2004.

²²³ Тасфия – софлаш, тозалаш, тиниклаш.

²²⁴ Ҳаққулов И. Навоий шеъриятида комил инсон мавзуи / Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001.

олди саналиб, умр бўйи покланиш ва Аллоҳга етишишни ният қилган кишилар бўладилар, деб таърифлайди.

Ҳазрат Навоий Аллоҳнинг элчиларидан кейин авлиёларни комиллик даражасига эришган шахслар деб таърифлайди. Бутун умри давомида валийлар ҳаёт мазмунига айланган тавба, тавозе, ҳалол лўқма танаввул қилиш, ҳалимлик, тариқат қоидаларида мустаҳкам туриш, сабр-тоқатлилик, саховатпешалик сингари фазилатларга урғу беради. Жумладан, у ҳалол риск деганда, орифнинг маълум бир ҳунар билан шуғулланиб, пешона тери орқасидан умргузаронлик қилишини тунунади. Тарихдан маълумки, тасаввуфнинг кўзга кўринган барча аъзолари, авлиёлар маълум бир касбни тўлиқ эгаллаганлар. Мутафаккирнинг эътирофича, “Машойихлардан Хожа Абдуллоҳ Ансорий этикдўз, Шайх Муҳаммад Саккок пичокчи, Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчи, Шайх Абулаббос Омилий қассоб, Шайх Абулҳасан музайин, Шайх Банон ҳаммол, Баҳовуддин Нақшбанд эса матоларга нақш солувчи бўлганлар”²²⁵.

Ибн Арабий “Фурузот”да ёзишича, ҳамднинг ҳақиқати ҳам “муқаддас ва муназзаҳ бир қул бўлишидир”²²⁶. Инсон ўзини руҳан янгидан англаши, тасаввур ва тахайюлидаги мавҳумлик, мураккабликлардан осон воз кечиши қуллиқ, бандалиқ шарофатидандир. Алишер Навоий эса комилликни Ҳаққа бандалиқ билан уйғунлаштириб, уни камолотнинг ниҳояси деган хулосани тарғиб қилади. Буюк мутафаккир назмий ва насрий асарларидаги мурожаатларида, айниқса, “Муножот” асарида Тангрининг комил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эҳтиёжларини изҳор этади. Мазкур “ожизлик изҳори” Шарқ шеъриятида анъанавий баён усулларида саналиб, комил инсонга хос сифатлардан ҳисобланган.

Навоийнинг илоҳий ишқ, фақру фано ва соф ирфоний тушунчалар ёритилган ғазалларидаги қош, кўз, лаб, хол каби ўнлаб поэтик образлар

²²⁵ Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 17. –Тошкент: Фан, 2001. –Б. 15.

²²⁶ Ҳаққулов И. Навоий шеъриятида ҳақ ва шахс муносабати. Ўзбек тили ва адабиёти. 2013 йил 5-сон, 22-б.

Аллоҳ ва комил инсон ўртасидаги алоқа ҳамда бирлик ҳолатларидан қайта-қайта хабар етказиб турадики, фаҳм-фаросати ўткир китобхон моҳиятан ўзининг “маъшуқи азалдан” ажрата олмаслигига дилдан иқрор бўлади. Мутафаккир таъбирича, инсон қанча буюк бўлса, унинг ҳаётга муносабати ҳам шунча теран ва залворли, қалби шунча нозик ва нажиб туйғуларга бой бўлади. Шу билан бир қаторда, у ўзига ўхшаган юксак дидли, қайноқ қалбли, маънавий олами бой, денгиздай беҳудуд ва гулдай нозик, дилрабодил бор инсонларга талпинади. Навоий “ёр” номи остида ана шундай етук, баркамол шахсларни назарда тутган.

Баркамол шахс дейилганда “бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши, ҳам комил инсон деб ҳисобланган”²²⁷.

Мутафаккирнинг маънавий мероси, жумладан, ғазаллари, “Насойим ул-муҳаббат”, “Бешлик”ни ташкил қилувчи дostonлари, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” каби асарларида комил инсон қандай сифатларни ўзида жо қилган бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғоялари ҳар тарафлама баён қилиниши аллома унинг комил инсон тўғрисида яхлит таълимот шакллантирганлигини асослайди.

Мазкур таълимот асосини олам, одам ва Аллоҳга бўлган ишқ ташкил этади. Файласуф набийлар, авлиё зотлар, тариқат аҳли ҳақида сўзлаганда, бу азиз инсонларнинг ўзига хос феъл-атворлари, фазилатлари тўғрисида ихлос ва чексиз муҳаббат билан фикр билдирган.

Мутасаввиф Муҳаммад Пайғамбардан аввал яшаган набийларга “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да алоҳида урғу беради. Улар амалларига холисона баҳо беради. Мутасаввиф уларнинг ҳаёт йўли, умргузаронлиги, саховатпеша амаллари, катта-кичикка муомаласи, фуқаро фаровонлиги учун қилган жонбозликларини тасвирлаб, уларни комил инсонлар деб атайди. Умумийлик жиҳати шундан иборатки, Ҳазрат Навоий ўзидан олдин ўтган ўрта аср Шарқ

²²⁷ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. –Б. 138.

мусулмон алломалари, буюк файласуфлари каби Муҳаммад (с.а.в)ни барча набийларнинг сарвари, комил зотларнинг олийси деб таъкидлайди. “Муножот”, “Сирожу-л-муслимийн”, “Хамса”даги дostonлар, “Насойим ул-муҳаббат”, “Назм ул-жавоҳир”, “Лисон ут-тайр” кабиларда пайғамбарнинг хислатлари баён этилган ўринларнинг кўплигининг сабаби ҳам шу.

Тасаввуф фалсафаси доирасида қаҳрамонларни талқин этиш “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Лайли билан Мажнун, Фарҳод билан Ширин орасидаги муҳаббат мажозий ишқ билан ҳамоҳанг. Яъни Лайли ва Ширинлар орқали Аллоҳга нисбатан севгига ишора қилинади. Бу билан ижодкор зоҳирийликсиз илоҳий севгига, дунёвийликсиз Яратган висолига этишнинг иложи йўқлиги ҳақидаги ғояга урғу қаратади.

Юқоридаги фикрларга таяниб, шуни айтиш жоизки, мутафаккир талқинича, комил инсон ҳаёлот эмас, балки диний ва дунёвий илмларни, гуманистик хислатларни ўзида жамул-жам қилган инсонлар орасидаги киши. Ҳазрат Навоий учун Муҳаммад (с.а.в.) бошқа Пайғамбарларга қараганда юқори мартабага эришган буюк шахс. Бу иккинчи жиҳат. Учинчидан, хожагон тариқатининг, футувват, яъни жавонмардлик йўналишининг таъсири устуворлик қилувчи Фарҳод гуманизмининг асосини нафси жиловлаш, ахлоқий етуклик, жабр-ситам, ноҳақлик каби турмуш мушкулотларига қарши курашиш ташкил этади. Тўртинчидан, мутафаккир дostonларидаги икки севишганнинг бир-бирига бўлган севгиси, собиқ иттифоқ замонида бир томонлама, яъни дунёвий жиҳатдан таҳлил этилди, ҳолбуки, комил инсон ғояси талқинида унинг диний ва дунёвий томонларини баён қилиш муҳим жиҳатлардандир.

Киши диққатини тортувчи бир ҳолатга “Лисон ут-тайр”да дуч келамиз. Жамиятда шундай тоифалар мавжудки, камчилиги бўла туриб, етукликка даъво этади, комил шахс эканликлари ҳақида жар соладилар. Донишманднинг талқинича, ўзини бенуқсон ва комил санаганлар ҳеч бир замон ва маконда етукликка эриша олмайдилар:

“Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
 Комил улким нуқсин исбот айлагай.
 Ўз камолидин демас аҳли камол,
 Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
 Сенки нуқсон ичра комилсен баса,
 Олим ойтиб ўзни, жоҳилсен баса...
 Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,
 Нуқс бермайдур камоли сори йўл”²²⁸.

“Буюк Алишер Навоий бобомизнинг: “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” деган ҳикматли сўзлари бизга бу борада дастуриламал бўлди”.²²⁹ Улуғ бобомиз ушбу байт орқали инсонийликнинг юксак мезони – дунёда одамларнинг ғаму ташвишлари билан қайғуриб яшаш эканлиги, эл ташвишидан йироқ бўлган кишини одам деб ҳисобламасликни айтмоқда. Ҳайратланарлиси шуки, мазкур ғоя айни пайтдаги турмушимиз, орзу-мақсад ва ҳатти-ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Инсониятнинг яхлит тарихий-маънавий тажрибасини ўзида акс эттирадиган, ер юзидаги барча халқлар учун энг умумий бўлган, умуминсоний манфаатларни амалга оширишга ҳизмат қиладиган, эзгулик, инсонпарварлик қоидаларига бориб тақаладиган, дунёвий дунёқараш, миллатлар маданиятига қолип вазифасини ўтовчи, мукаммал ва абадий ғоялар мажмуаси ҳисобланган умуминсоний қадриятлар турли элат, халқ ва миллатлар учун сув ва ҳаводай муҳим саналиб, инсоният ривожига камарбаста бўлади. Умуминсонийликнинг бу борадаги талаблари, яъни инсоннинг табиий-тарихий, ҳақ-ҳуқуқлари унинг яшаш ва умр кечириш ҳуқуқининг табиийлиги ва ҳатто муқаддаслигини тўла-тўқис эътироф қилишдир. Халқ оғзаки ижодида ҳам, қадимги ва замонавий динларда ҳам, давлат конституциялари ва бошқа ҳужжатларда ҳам бунини яққол кузатиш мумкин. Буюк Француз революцияси (1789 йилда) қабул қилган “Инсон ва

²²⁸ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 жилдлик. Ж. 12. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 220-221.

²²⁹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 46.

граждан ҳуқуқлари Декларацияси”да ҳам, 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлаган “Инсон ҳуқуқларининг энг умумий Декларацияси”да ҳам кишиларнинг табиий-тарихий ҳақ-ҳуқуқлари жамиятдаги асосий умуминсоний қадриятлар эканлиги алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Умуминсоний қадриятлар инсон ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий, маданий йўналишларига тегишли бўлган умумжаҳон қамровидаги қадриятлар ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Алишер Навоий асарларида ифодаланган умуминсоний қадриятларни тавсифлайдиган бўлсак, қуйидаги тасниф кузатилади:

1. *Ижтимоий-иқтисодий қадриятлар*: ҳунар эгаллаш, ҳалол меҳнат, меҳнатсеварлик, муайян касб билан машғул бўлиш, ижтимоий таъминот.
2. *Сиёсий қадриятлар*: адолатпарварлик, қонун устуворлиги, озодлик.
3. *Ҳуқуқий қадриятлар*: инсон шахсига ҳурмат, толерантлик, ҳаётнинг дахлсизлиги, тенглик.
4. *Маданий қадриятлар*: гўзаллик, тафаккур.
5. *Диний-тасаввуфий қадриятлар*: тавба, тариқат одобини сақлаш, кучли эътиқодлилиқ, ризолик билан кун кечириш, риёзат чекишдан қўрқмаслик, фавқулудда, ғайритабиий аъмоллар, кароматлар кўрсатиш.
6. *Маънавий ва ахлоқий қадриятлар*: хуштавозе бўлиш, бурролик, ҳозиржавоблик, илм олиш, одамийлик, саховат, муҳаббат, эзгуликка интилиш, одоблилиқ, карам, қаноат, вафодорлик, катталарга ҳурмат, сабр, ҳиммат, меҳр-мурувватли бўлиш, нафси тийиш, шафқатлилиқ, ахлоқий етуклик, комил инсон, камтарлик, мулойимлик, ростгўйлик, ҳалоллик, ширинсуханлик, ҳилм, мардлик, садоқатли бўлиш, оила муқаддаслиги, ота-онани эъзозлаш, устоз-мураббийларга эҳтиромда бўлиш, жавонмардлик, ибо-ҳаёли бўлиш, олижаноблик,

инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўз-ўзини тарбиялаш, болаларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш, фидойилик, жисмоний-маънавий ва руҳий камолот, огоҳлик, халқпарварлик, миллатлараро тотувлик, тинчликсеварлик.

Бу каби фикрлардан келиб чикиб, америкалик адабиётшунос олим Гарри Дикнинг куйидаги сўзларини келтиришни жоиз топдик: “Алишер Навоий ижодига эҳтиром билан оҳиста ёндашинг. Навоий ўз маънавий хазинаси билан бу дунёнинг норасо ишларини бартараф этишга ёрдамлашади. Биз бундай улуғ шоирга ҳар доим муҳтожмиз ва у бизга ҳамиша кўмак беради.²³⁰”

Хуллас, Алишер Навоий тасаввуфий қарашларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни тўғрисида фикр юритар эканмиз айтиш мумкинки, Навоийнинг маънавий мероси ёш авлод тарбиясида муҳим дастуриламал бўла олади. Биринчидан, Алишер Навоий назарида комил инсон, яъни ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи бўлган баркамол шахс утопик рамз эмас, балки, диний ва дунёвий илмларни, гуманистик хислатларни тўлиқ ўзлаштирган жамият аъзосидир, комил инсон нафс масаласи ҳақ-ноҳақлик, эгри-тўғрилиқ каби турмуш паст-баландликларини тўғри баҳолай оладиган шахсдир. Иккинчидан, ҳар бир инсон қалбида ватанпарварлик, тинчликсеварлик, фидойилик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг камол топиши уни етук шахс сифатида юзага келишида асос вазифасини бажаради. Учинчидан, Навоий маънавий мероси орқали, етук шахс ҳамда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш ҳақидаги таълимотларни таҳлил этганда, диний ва дунёвий жиҳатларни ҳамда уларнинг бир-бирига ҳамоҳанглигини очиб бериш керак бўлади.

Учинчи боб бўйича хулоса:

1. XX асрда ўзбек фидойиларининг хизматлари натижасида буюк бобокалонимиз Алишер Навоийни бутун дунё таниди. Унинг асарлари

²³⁰ “Янги Ўзбекистон” газетаси. Буюк мутафаккирга муносиб эҳтиром. 2021 йил 1 апрель, № 65(321), – 5-бет.

кўпгина хорижий тилларга таржима қилинди. Хорижда Навоий ижоди тадқиқи билан шуғулланувчилар сафи ошди. Асосийси, хуррият даврида бобокалонимиз асарларини бутун бўй-басти билан мафкура яккаҳокимлигидан холи ҳолда тадқиқ қилиш ва ундаги диний-тасаввуфий мазмун уммонидан баҳра олиш имконияти пайдо бўлди.

Модомики, Ахборот воситаларининг юқори даражада такомиллашуви илм аҳлига мисли кўрилмаган имкониятлар яратди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Алишер Навоий меросини нафақат манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан, балки, мутафаккирнинг онтологик ва гносеологик қарашларини ҳар томонлама тадқиқ этиш имкониятлари кенгайди.

2. Улуғ файласуф фикрича, инсон даставвал ўзини, сўнг Аллоҳ яратган жамики илму ҳикмат, маърифатни англаб, ўз Тангрисини танийди. Сўнггра эса мусаффо руҳ ҳолида қайта ваҳдониятга қўшилади. Бу тасаввуф таълимотининг асосий ғояси мазмун-моҳияти ҳисобланади.
3. Алишер Навоийнинг умуминсоний моҳиятни ўзида акс эттирган қарашлари ислом таълимоти ғоялари илдизидан озуқа олган бўлиб, файласуф ўз меросида унинг дунёвий ва диний томонларини ҳар тарафлама ривожлантириб, сайқал берган.
4. Алишер Навоий ота-оналарни фарзандларни чин инсонга хос фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга чорлайди. Эл-юртга, халққа, мухтожларга ёрдам беришни энг юқори хислат деб ҳисоблайди. Улуғ файласуф болаларга жисмоний жазо бериш билан эмас, балки хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтиради. Зеро, мазкур жараёнда ҳам меъёрдан ошмаслик лозимлигини айтади. Шоир бунда мураббийни талабчан бўлишга даъват қилади, лекин ҳар иккисида ҳам маълум меъёрни билиш кераклигини айтади. Улуғ педагог тарбия хусусида сўз юритар экан, “қобилиятлини тарбия қисмаслик зулматдир”, дея иқтидорли болаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради. Шунингдек, аллома инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашида хато ва камчиликларни англаган ҳолда, ўз вақтида тузатишга,

Ўзни доимо яхши томонга ўзгартиришга эътибор қаратади.

5. Навоий комил инсонлар сафига набийлар, орифу авлиёлар, кароматгўй шахсларни киритади. Улар ҳамиша эл-юрт дарди билан яшаб, барчага кўлларида келган яхшиликларни қилиб, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашишларини эътироф этади. Мутасаввиф бу тоифа инсонларни умр бўйи руҳан ва маънан ўзини ислоҳ қилган ҳамда Аллоҳ жамолига эришишни ният қилган зотлардир, дея эъзозлайди.
6. Навоийнинг илмий-фалсафий мероси ёш авлод тарбиясида муҳим дастуриламал бўла олади. Биринчидан, Алишер Навоий назарида комил инсон, яъни ҳар қандай камчилик ва нуқсонлардан холи бўлган баркамол шахс утопик рамз эмас, аксинча, диний ва дунёвий илмларни, гуманистик хислатларни тўлиқ ўзлаштирган жамият аъзосидир. Комил инсон нафс масаласи, ҳақ-ноҳақлик, эгри-тўғрилиқ каби турмуш паст-баландликларини тўғри баҳолай оладиган шахсдир. Иккинчидан, ҳар бир инсон қалбида ватанпарварлик, тинчликсеварлик, фидойилик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг камол топиши уни етук шахс сифатида юзага келишида негиз вазифасини бажаради. Учинчидан, Навоий маънавий мероси орқали, етук шахс ҳамда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш ҳақидаги таълимотларни таҳлил этганда, диний ва дунёвий жиҳатларни ҳамда уларнинг бир-бирига ҳамоҳангини очиб бериш зарур бўлади.

ХУЛОСА

Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида умуминсоний қадриятлар масаласини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Аллома тасаввуфий қарашлари умуминсоний моҳияти, жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги борасидаги фикрларининг цивилизацион аҳамияти кўрсатадики, ҳозирги кунда келажак эгаларини ҳар томонлама етук қилиб камол топтиришда буюк мутафаккир эътирофларида орқали тарғиб қилинган умуминсоний қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади.
2. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида ростгўйлик, ҳалоллик, муайян касб билан машғул бўлишлик, кучли эътиқодлилик, ширинсуханлик, раҳмдиллик, шафқатлилик, сахийлик, мулойимлилик, ризолик билан кун ўтказишлик, сабрлилик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик, жавонмардлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, тавозелик каби умуминсоний қадриятлар тараннум этилган.
3. Тадқиқотда Навоийнинг ирфоний қарашларидаги орифлик категориясининг мазмун-моҳияти ўрганилиб, муҳим жиҳатлари очиб берилди. Аллома асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тасаввуф анъанасидаги солиқнинг Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориф бўлиш ғояси Алишер Навоийнинг ирфоний қарашларида тез-тез учрайди. Унинг фикрича, мутлақ ўзликни йўқотиш жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, балки шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. Навоий учун ориф – комил инсон тимсоли саналади.
4. Алишер Навоий асарларида орифларга хос сифатлар саналган тавозе, ҳилм, қаноат, сидқу сафо, шариат қоидаларига риоя қилиш, тариқат одобига амал қилиш, закот тўлаш, ширинсухан ва раҳмдил, сахий, мард ва мулойим бўлиш, ризолик билан кун ўтказиш, садоқатли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик, фавқулудда, ғайритабиий аъмоллар, кароматлар кўрсатиш, бошига тушган ҳар қандай кулфатларни синов дея қабул қилиб, доимо Аллоҳ ҳукмига розиликда яшаш каби нажиб хислатлар улуғланади. Мутасаввиф

таъкидича, “дарвешман” деб кўкрак керадиган киши, аслида, дарвеш эмас, аксинча, кибру ҳавога берилган кимсадир. Дарвеш одоб ва камтаринликда башар аҳлига ибрат бўлмоғи даркор. Шундагина у ризо ва таслим, фано ва тамкин даражаларига етишади. Булардан кўринадики, Навоий асил сўфий ва сохта сўфий ўртасидаги фарқларни белгилаб беради.

5. Мир Алишер Навоий асарларида одоб-ахлоқли бўлиш ҳар бир Мутлақ рух ҳосиласи бўлган инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги юксак даражада эътироф қилинади. Айниқса, бу жиҳат аёлларда тўқис бўлса, нур устида аъло нур. Чунки тарбияли, оқила, ибо-ҳаёли аёл ўзидаги барча ижобий хислатларни келажак эгаси фарзандларига тортиқ қилиб, уларнинг комиллигига замин ҳозирлайди.

6. Мутафаккирнинг тасаввуфий қарашлари ўрта асрларда нафақат таълим-тарбия, комиллик масалаларида, балки давлатлар ривожини ва халқлар маънавиятини юксалтиришда ҳам ўзига хос мавқега эга бўлди. Кейинги даврларда ҳам Ҳазрат Навоийнинг тасаввуфий қарашлари ифодаланган, умуминсоний қадриятлар акс этган боқий асарлари икки дарё оралиғи ва унга ёндош ҳудудда яшовчи халқлар дунёқараши ва ҳаёт тарзига умуминсоний ахлоқий тамойиллар ва қадриятларни жо қилишда асос вазифасини ўтаб келди.

7. Навоийнинг буюк инсонпарвар файласуф эътирофига лойиқ бўлиши ҳам бежизга эмас. Чунки улуғ мутафаккир назмий ва насрий асарларидаги тасаввуфий қарашларида сингдирилган умуминсоний қадриятларни шунчаки баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, ўзи ҳам амалда барчага ибрат бўлди. Тарихий далиллар асосида айтиш мумкинки, Навоий ҳамиша оддий халққа беминнат қўл чўзди, уларга ҳомийлик қилди. Мазкур ҳолатлар Ҳазрат Навоийнинг, фақатгина, умуминсоний қадриятлар тарғиботчиси бўлибгина қолмай, унга амалий жиҳатдан ёндашганлигини намоён қилади.

8. Ишда Навоий асарларидаги сабр, тавозе, одиллик каби тасаввуфий категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги ва одоб-ахлоқ, тарбия жараёнидаги субстанционал аҳамияти очиб берилган. Алишер Навоий сабр қилиш,

тавозели бўлиш орқали, инсон нафақат ўзи истаган адолатга эришиши, балки жисмоний-маънавий ва руҳий камолотга етишишига урғу қаратади.

Юқорида билдирилган фикрларни ҳисобга олиб қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни жоиз деб билдик:

1. Алишер Навоий ҳаёти, юксак инсонпарварлик ғоялари ва илмий-адабий меросини юртимизда ҳамда чет элда чуқур ўзлаштириш ва тарғиботини амалга ошириш;
2. Умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи рубоийлар бўйича мобил илова ишлаб чиқиш;
3. Мутафаккир маънавий меросини чет эл тилларига ўгириш, уларни юртимизда ва хорижда нашр қилиш ҳамда мукаммал тарзда шакллантирилган илмий нашрларини тузиш;
4. Истироҳат боғларида Алишер Навоий рубоий ва ғазалларини овоз кучайтиргичлар орқали эшиттириш;
5. Алишер Навоий маънавий мероси бўйича илмий-оммабоп ва маърифий телекўрсатув ва эшиттиришлар, видеофильмлар, замонавий руҳдаги видео ва кинофильмлар сонини кўпайтириш зарур. Бу орқали ёш авлоднинг Навоий асарлари моҳиятини чуқур ўрганиши янада осонлашар эди.
6. Юртимизнинг барча вилоятларида “Олтин мерос” жамғармаси, “Маънавият ва маърифат марказлари”, “Ёшлар иттифоқи” ҳамда ЎЗР ФАнинг тегишли институтлари ёрдамида Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида умуминсоний қадриятлар масаласига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, ёшлар орасида бешта муҳим ташаббус доирасида танловлар ташкил қилиш, мутахассислар маърузаларини тинглаш Учинчи Ренессанс пойдеворини қурувчи авлодни ҳар томонлама ривожлантириш, уларда умуминсоний қадриятларни сингдириш бўйича махсус давлат дастурлари ишлаб чиқиш.
7. Алишер Навоий тасаввуфий қарашларида умуминсоний қадриятлар сингдирилган асарларининг шарҳини шакллантириш, шарҳларга таянган ҳолда электрон дарсликлар яратиш ҳамда уларни олий таълимда кредит-

модул тизимида олиб бориладиган махсус курсларда қўллаш айна муддаодир.

8. Алишер Навоийнинг маънавий меросини тадқиқ қилаётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш учун махсус грантлар жорий қилиш, мутафаккир ижодини ўрганаётган тадқиқотчилар, хусусан, чет элдаги илмий-ижодий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

Буюк аллома, таниқли давлат арбоби Алишер Навоийнинг қимматли маънавий меросига оид таклиф қилинаётган тавсияларнинг тўлақонли бажарилиши сермахсул фалсафий-тарихий меросимизнинг теран қарашларини чуқурроқ идрок қилишга, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган халқимизнинг шуҳратини дунё миқёсида янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 январдаги “Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/docs>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисида”ги қарори. // <https://lex.uz/docs>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 сентябрдаги “Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти бериш тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/docs>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. // <https://lex.uz/docs>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги Қарори. // <https://lex.uz/docs>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори”. // <https://lex.uz/docs>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 19.10.2020 йилдаги ПҚ-4865-сонли Қарори. // <https://lex.uz/docs/-5054929>

9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ.Ж.17. –Тошкент: Фан, 2001. – 534 б.
2. Алишер Навоий. Хамса/Алишер Навоий; қисқартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 566 б.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й. – 248 б.
4. Алишер Навоий. Арбаъин. Асарлар. Т.15. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 248 б.
5. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар. 15 жилдлик, Ж.15. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 248 б.
6. Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ.Ж.1. –Тошкент: Фан, 1987. – 723 б;
7. Алишер Навоий. Девони Фоний. Асарлар. Т.5. (2- китоб). – Тошкент: 1965. – 489 б.
8. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ.Ж.12. –Тошкент: Фан, 1996. – 357 б.
9. Навоий А. Лисон ут-тайр.(Насрий баёни билан). Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси Раҳмонов В. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 472 б.
- 10.Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ.Ж.13.–Тошкент: Фан, 1997. – 282 б.
- 11.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. МАТ.Ж.14. –Тошкент: Фан, 1998. – 315 б.
- 12.Алишер Навоий. Муншаот. Асарлар. Т.13. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 244 б.

- 13.Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ.Ж.16. –Тошкент: Фан, 2000. – 335 б.
14. Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ.Ж.2. –Тошкент: Фан, 1987. – 596 б.
- 15.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ.Ж.17. –Тошкент: Фан, 2001. – 518 б.
- 16.Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ.Ж.3. –Тошкент: Фан, 1988. – 575 б.
- 17.Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. МАТ.Ж.4. –Тошкент: Фан, 1989. – 526 б.
- 18.Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. МАТ.Ж.5. –Тошкент: Фан, 1990. – 528 б.
- 19.Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. МАТ.Ж.6. –Тошкент: Фан, 1990. – 555 б.
- 20.Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. МАТ.Ж.15.–Тошкент: Фан, 1999. – 224 б.
- 21.Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ.Ж.7. –Тошкент: Фан, 1991. – 382 б;
- 22.Алишер Навоий. “Хамса”. –Тошкент: “Фан”, 1960, – 622 б.
23. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ.Ж.9. –Тошкент: Фан, 1992. – 355 б;
- 24.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ.Ж. 12. –Тошкент: Фан, 1996. – 357 б.
- 25.Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. Ж.18. Девони Фоний. –Тошкент: Фан, 2002. – 304 б.
- 26.Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ.Ж.10. –Тошкент: Фан, 1992. – 447 б;
27. Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ.Ж.11. –Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
- 28.Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик, Ж. 6. Хамса. Ҳайратул-аброр. Фарҳод ва Ширин. –Тошкент: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 481 б.
- 29.Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ.Ж.8. –Тошкент: Фан, 1991. – 595 б.

30. Алишер Навоий. Ҳикматлар//А.Навоий: Нашрга тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов.—Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — 432 б.
31. Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. —Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1989 у. — 379 б.
32. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.1. — Тошкент: Фан, 1983. — 656 б.
33. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.3. — Тошкент: Фан, 1984. — 624 б.
34. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Ж.2. — Тошкент: Фан, 1983. — 644 б.
35. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий, 2017. — 407 б.
36. Атоева М. Жўраева Н. Қадриятлар фалсафаси. Ўқув услубий қўлланма. Бухоро. 2010. — 98 б.
37. Азиз Қаюмов. Асарлар. 3-жилд. Тошкент: Мумтоз сўз. 2009. — 283 б.
38. Аликулов Х. Социально-утопические идеи в Средней Азии. —Тошкент: Фан, 1983. — 198 б.
39. Аликулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. — Тошкент: Фан, 1992. — 97 с.
40. Аликулов Ҳ., Носиров Р., Шарипов А., ва б. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. —Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. — 296 б.
41. Ахмедов А. Бухоро давлат музей-қўриқхона фондларидаги Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари каталоги. —Бухоро: Дурдона. 2021. — 88 б.
42. Белинский В.Г. Адабий орзулар. —Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. —136 б.
43. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. Т.3. — Москва: Наука, 1965; — 272 с.

- 44.Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. 524-б.
- 45.Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. /Таржимон. И.К.Мирзаев-ф.ф.д. – Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2015. – 216 б.
- 46.Вадуд Махмуд. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2007. –234 б.
- 47.Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. –Тошкент: Фан, 1992, – 132 б.
- 48.Г.Ниёзов, Қ.Ахмедов, Қ.Тожибоев. Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адибларининг баркамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари. –Тошкент: Ўзбекистон. 2010, – 154 б.
49. Жалолоддин Румий. Ҳикматлар. –Тошкент: Шарқ. 2008. – 270 б;
- 50.Жомий А. Танланган асарлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 357 б.
- 51.Заҳириддин Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б;
- 52.Заҳириддин Бобур. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. –Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2008. – 288 б;
- 53.Зоҳидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. –Ташкент: Из-во худ. литературы Узбекской ССР, 1961; – 575 с.
54. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1970; – 494 б.
55. Ибн ал-Арабий. Фусус ал-ҳикам. – Байрут: 1946. – 335 б.
- 56.Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев. –Тошкент: Сано-стандарт. 2016, – 320 б.
57. Имом Аҳмад ибн Қудома Макдисий. Минҳожул-қосидийн (Саодат изловчиларга қўлланма). Араб тилидан Абдулҳамид Муҳаммад Турсун таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 548. Инв. 1164 \ I.
58. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. – 445 б.
59. Крачковский И.Ю. Избранные труды. Т. 1–5. – М.-Л. 1956–1960; – 348 с.
- 60.Куделин А. Арабская литература: поэтика, стилистика, взаимосвязи. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – 196 с.

- 61.Мавлонова Р. Миллий тарбиянинг ўзига хослиги ва мезонлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 182 б.
62. Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; – 333 б.
63. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.
- 64.Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. –Тошкент: Адолат, 2004. – 340 б.
- 65.Мец А. Мусульманский Ренессанс. – Москва: Наука, 1973, – 242 б.
- 66.“Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида республика миқёсидаги илмий–назарий анжумани материаллари. –Бухоро. 2020. – 436 б.
- 67.Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. НДА.– Тошкент: 2005. –156 б.
- 68.Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. –Москва: Знание, 1966. – 47 с.
- 69.Муминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Фан, 1999. – 254 б.
- 70.Мухаммад Юсуф М.С. Имон. –Тошкент: Камалак. 1992. –103 б.
- 71.Насафий. Ҳожа Аҳмад Яссавий.–Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 18 б.
- 72.Нурбахш Дж. Иисус глазами суфиев. – Москва: Мистика, 2002. – 246 с.
73. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. –Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.
74. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). –Тошкент: Сано-стандарт, 2019. – 256.
75. Nicholson R.A. A Literary History of the Arabs. London, 1903. – 216 p.
76. Ойбек. Навоий гулшани. –Тошкент: Бадиий адабиёт,1967. – 218 б.
- 77.Rosenthal E. Some Aspects of Islamic Political Thought’ Islamic Culture. -An English Quarterly, No. 1, of January, 1948. – P. 6.

78. Рабғузий Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 124 б.
79. Ревгарий Хожа Муҳаммад Ориф. Орифнома. Қўлёзма. Бухоро // Жонмуҳаммад Гуловнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. – Б.83 Кошифий Фахриддин Али бин Хусайн Воиз. Ас- Садий. Рашоҳот айн ул ҳаёт. 1389х. 28-б. Ибн Сино номли вилоят кутубхонаси Инв. 1164 \ I.
80. Рустамов А. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. Тошкент: Extremum press. 2010. – 79 б.
81. Сафарова Н. Хожагон тариқати. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2003. –146 б.
82. Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) –Тошкент: Ношир, 2009. – 216 б.
83. Саъдий А. Символизм тўғрисида. –Тошкент. Ўздавнашр, 1932. – 128 б.
84. Сирожиддинов Ш, Юсупова Д, Давлатов О. Навоийшунослик. –Тошкент: Тамаддун, 2018. – 520 б.
85. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 416 б.
86. Султонмурод О. Нақшбанд ва Навоий. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 214 б.
87. Термизий А.И. Шамоили Муҳаммадийя.–Тошкент: Меҳнат. 1991. – 298 б.
88. “Хожагон–Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизация тарихида тутган ўрни” мазуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро. 2018. – 241 б.
89. Хайруллаев М.М. Навоий дунёқарашининг ғоявий манбаларини ўрганиш ҳақида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968. – 196 б.
90. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақсад ас-соликин. – 62 б.
91. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. –Тошкент: Адолат, 2007. – 384 б.
92. Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 132 б.

93. Шайх Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. –Тошкент: Муסיқа, 2007. – 398 б.
94. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966; – 216 б.
95. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. –Тошкент: Фан,1978. –282 б.
96. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. –Тошкент: Фан, 1976. –296 б.
97. Шарафутдинов А. Алишер Навоий. Тошкент, 1948. –137 б.
98. Ernst C. W. Teachings of Sufism. – London. 1999. – 246 p.
99. Ў.Раҳматов. Абадиёт гулшани. 2-китоб, –Тошкент: Шарқ, 2016. – 177 б.
100. Ўзбек тилининг изохли луғати. 5 жилдлик. Ж. 3.–Тошкент: Ўз МЭ Давлат илмий нашриёти, 2001. – 411 б.
101. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. 2-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз. 2017. – 386 б.
102. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. –Тошкент: Фан, 1970, – 173 б.
103. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Тошкент: Фан, 1963. – 173 б.
104. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Тошкент: Фан, 1970. – 330 б.
105. Ҳайитов Ш. Баркамол инсон тимсоли. –Тошкент: Фан, 2003, – 216 б.
106. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро: БухДУ, 2000. –142 б.
107. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991. – 85 б.
108. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. –Тошкент: Фан, 2007. – 222 б.
109. Ҳаққулов И. Навоий шеърятида комил инсон мавзуи / Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – 169 б.
110. Ҳусейнова А.А.Шарқ мутафаккирлари дунёқарашида умуминсоний қадриятлар. –Тошкент: Парадигма, 2017. – 136.
111. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф / Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –239-б.
112. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. –Тошкент: Шарқ, 1991. – 24 б.

113. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 112 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

1. Хусейнова А. Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдурахмана Джами: дис.на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Тошкент, 1994. – 136 б;
2. Низомов Ф. Алишер Навоий дунёқарашида умуминсоний қадриятлар муаммоси: Фалс. фанлари номз...дисс. –Тошкент, 1996. –146 б.
3. Абдуқодиров А.Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти. Филология.фанл. докт. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент: 1998. – 237 б.
4. Шарипова О. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлоқий қадриятлар: Фалс. фанлари номз...дисс. – Тошкент., 2010. – 159 б.
5. Давлатов О. Алишер Навоий шеърлятида Қуръон оятлари ва Ҳадисларнинг бадиий талқини. – Самарқанд, 2017. – 188 б.
6. Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси /”Хамса”ларнинг биринчи дostonлари асосида // Филол.фанлари доктори...дисс. –Тошкент. 1995. – 268 б.
7. Музаффаров Ф.Д. Ғаззалининг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Диссертация. – Самарқанд: 2019. – 169 б.
8. Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси: Фалс. фанлари номз...дисс.–Тошкент, 2010. – 145 б.
9. Раззоқов А. Алишер Навоий шеърлятида илм ва маърифат талқини. Филол.фан.док.(DhD)...дисс. . – Қарши. 2019. – 156 б.
- 10.Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида). Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1999. – 178 б.

11. Туробов Б.Н. “Е.Э.Бертельс ижодида Алишер Навоий фалсафий-тасаввуфий қарашлари таҳлили”. Фалс.фан.док.(PhD)...дисс. автореф. – Самарқанд –2021. – 22 б.
12. Gulova A.A. Religious and sufi works of Alisher Navai - an inexhaustible treasure. Indonesian Journal of Education Methods Development Vol 9 No 1 (2020).
13. Гулова А.А. Алишер Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларида аёлнинг ўрни. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎЗА илм-фан бўлими (электрон журнал). 2020 йил ноябрь ойи сони. –Б 187-192.
14. Латипов Ҳ. “Навоий орифлик ва ориф ҳақида”.Ўзбек тили ва адабиёти жур. 2019. 1-сон, 107-б.
15. Сотволдиев Қ. ”Ислом нури” газетасининг 2019 йил, 2-сонидан.
16. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2021 йил 1 апрель, № 65(321), 5-бет.
- 17.Ҳаққулов И. Навоий шеъриятида ҳақ ва шахс муносабати. Ўзбек тили ва адабиёти. 2013 йил 5-сон, –22-б.
18. А.Мансур.(тарж. ва изоҳ муаллифи). Қуръони Карим. – 483 б.
www.ziyouz.com.
19. <https://islom.uz/maqola/8843>
20. <http://www.adolatgzt.uz/society/5413>
21. <http://www.authorstream.com/Presentation/raimbekovjahongi-2185636/>

Илова:

Алишер Навоийнинг тасаввуфий асарлари:

1. **Насойим ул-муҳаббат** (Муҳаббат шабадалари) Абдурахмон Жомийнинг “Нафохат ул-унс” (“Дўстлик таровати”) асарининг ижодий таржимаси бўлиб, 770 ориф тўғрисидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олади.
2. **Вақфия** (1481-1482) Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фаолиятига бағишланган асар.
3. **Назм ул-жавоҳир** (“Назм жавоҳирлари”, 1485) Хусайн Бойқаронинг “Рисола” асарига жавоб тариқасида ёзилган. Асар асосий қисмидаги рубоийлар Ҳазрат Алининг “Наср ул-лаолий” (“Сочма дурлар”) асаридаги ҳикматларнинг шеърӣ таржимасидир.
4. **Муножот** Тангрига илтижо мазмунида битилган асар.
5. **Сирож ул-муслимин** (“Мусулмонлар нури”, 1499-1500) ислом дини ақидаси ва ҳуқуқшунослигига бағишланган асар.
6. **Лисон ут-тайр** (Мазкур асар Фаридиддин Атторнинг тасаввуфга оид бўлган “Мантиқ ут-тайр” асарига жавоб тариқасида ёзилган).
7. **Ҳайратул – аброр** (Хамса таркибига кирувчи 63 боб, 3988 байтдан иборат достон).
8. **Маҳбуб ул-қулуб** (Алишер Навоийнинг ҳаёти мобайнидаги кузатиш ва тажрибалари асосида битилган).
9. **Арбаъин** (“Қирқ ҳадис”, 1481) саҳиҳ ҳадисларнинг назмӣ ифодаси.
10. **Рисолаи тийр андохтан** (“Камондан ўқ отиш фазилатлари”) камончилик фазилатига бағишланган, етти ҳадис ҳамда ривоятни ўз ичига олган асар.
11. **Хазойин ул-маоний** (“Маънолар хазинаси”) “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат” ва “Фавойид ул-кибар” девонларидан таркиб топган куллийёт.